

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ҚЎЛЁЗМА ҲУҚУҚИДА

ОЛЛАЗАРОВ ХАМИДЖОН ДАВЛАТМУРАТОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАХТА МАХСУЛОТЛАРИНИНГ
ЖАҲОН БОЗОРЛАРИДАГИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ КУЧАЙТИРИШ
ЙЎЛЛАРИ**

Ихтисослик: 5А340401-“Бизнесни бошқариш”

Иқтисодиёт магистри академик даражасини олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ

Иш кўриб чиқилди ва
ҳимояга қўйилди.
“Туризм”
кафедраси мудири,
доц.Садуллаев А.С. _____
“ _____ ” _____ 2012 й.

Илмий раҳбар
_____ доц.Ядгаров М.

Илмий маслаҳатчи
_____ доц.Садуллаев А.С

Урганч – 2012 й.

МУНДАРИЖА

КИРИШ

1 – БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН БОЗОРЛАРИДАГИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИЛМИЙ ВА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1&. Ўзбекистон маҳсулотларининг жаҳон бозорида рақобатбардош-лигини оширишнинг илмий ва назарий асослари

2&. Жаҳон бозорига интеграциялашувда Ўзбекистон пахта комплекси-нинг экспорт салоҳияти.

3&. Жаҳон пахта толаси бозорларидаги динамик ўзгаришлар шароити-да ўзбек пахта толасининг рақобатбардошлиги.

2 – БОБ. ЖАҲОН ПАХТА БОЗОРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЙЎНА-ЛИШЛАРИ

1&. Жаҳон пахта толаси бозорида ишлаб чиқарувчилар ва истъеомолчилар ўрни.

2&. Жаҳон пахта толаси бозоридаги конъюнктура ўзгаришлари

3&. Жаҳон пахта толаси бозорларидаги динамик ўзгаришлар шароитида ўзбек пахта толасининг рақобатбардошлиги

3 – БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН ПАХТА БОЗОРИДАГИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

1&. Ташқи иқтисодий фаолиятда пахта толаси экспорт салоҳиятини ошириш йўллари.

2&. Пахтачилик тармоғини давлат томонидан тартибга солиш хусусиятлари

3&. Ўзбекистон пахта толаси рақобатбардошлигини оширишнинг истиқболлари

АСОСИЙ ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Тадқиқот мавзуининг долзарблиги. Жақон иқтисодий қамжамиятига фаоллик билан ёёшилиб бораётган мустақил Ёзбекистон учун, ёзининг асосий экспорт мақсулоти бёелган пахта толаси билан жақон бозоридаги муносиб ёерин эгаллаш вазифаси хозирги кунда мамлакат қукумати олдида турган энг долзарб масала қисобланади.

Жақон иқтисодиётининг ривожланишида унинг тармоқларидаги ишлаб чиқариш хусусиятлари ва мақсулотлар бозорининг қолати жуда муқим ақамиятга эгадир. Пахтачилик жақон иқтисодиётида мана шундай муқим тармоқлардан бири бёелиб, унинг кёепчилик мамлакатлар иқтисодиётида тутган ёерни ва жақон пахта бозоридаги конъюнктураси кейинги йилларда анчагина сёзгаришларга юз тутмоқда.

Бозор иқтисодиёти ўзининг мазмун ва моқиятига қўра дунё мамлакатларида очик иқтисодиётни шакллантириш ва уни босқичма-босқич эркинлаштириш билан бёғлиқ ислохотларни амалга оширишда барча зарурий қулайликларга эга бўлган самарали иқтисодий модел сифатида таркиб топди ва доимий равишда такомиллашиб борди. Бироқ бу жараён узок давом этган бўлиб, ер юзида табиий ресурсларнинг нотекис тақсимланганлиги туфайли жақон хўжалиги тизимида ҳалқаро меҳнат тақсимотини вужудга келтирди ва уни объектив заруратга айлантирди.

Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва мустақамлаш, чет мамлакатлар билан ташқи савдо муносабатларини кенгайтириш, жақон хўжалик алоқаларига бирлашиш ва ҳалқаро ташкилотлар билан мустақам иқтисодий ва молиявий ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатиш ҳар қандай мамлакатнинг миллий иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим ўрин тутди. Жақон тажрибасидан маълумки, ички бозорни тўлдириш муаммоларини ўз ишлаб чиқариш ҳисобига самарали ҳал қилишга уриниш мағлубиятга маҳкумдир. Хозирги инсон эҳтиёжлари шу қадар хилма-хилки, уни «натурал хўжалик» доирасида, мамлакатни жақон бозоридан ажралган ҳолда қондириб бўлмайди. Табиий равишда, ҳар қандай мамлакат ташқи иқтисодий алоқаларга киришади, ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва самарадорлигини оширишни ўз олдига

мақсад қилиб қўяди. Жаҳон хўжалиги тизимида ҳалқаро меҳнат тақсимооти жараёнининг кенг миқёсда тарқалиб бориши, турли мамлакатлар ва қитъалар ўртасида мунтазам иқтисодий алоқаларни ўрнатиш зарур эканлигини тақозо этди ва иқтисодиётнинг миллий алоҳидалашувини кескин чеклади.

XX асрнинг иккинчи ярмида хўжалик алоқаларининг байналминаллашуви ҳозирги замон дунё хўжалигининг ривожланишида етакчи йўналишлардан бири бўлиб қолди. Дунё хўжалигининг катта миқёсда байналминаллашуви асосий йўналишларидан бири у ёки бу мамлакатнинг, ёки кучли ривожланган давлатлар гуруҳининг таъсир зоналари пайдо бўлиши билан белгиланади. Бу мамлакатлар ёки давлатлар гуруҳи ўзига хос интеграция марказларига айланиб улар атрофида бошқа мамлакатлар бирлашадилар.

Тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон пахта бозори ва пахтачиликнинг жаҳонда ва Ўзбекистонда ривожланиши соҳасида жуда коопчилик олимлар иш олиб борганлар. Жумладан, Ўзбекистон олимлари Ўезанинг шимматли хоёжалик белгиларига эга бўлган 90 га яқин навини (шундан 20 дан ошиқ ингичка толали навлар) яратдилар ва Ўеза селекциясида янги илмий йўналишларга асос солдилар. Ўеза селекцияси ва агратехникаси ривожига Г.С. Зайцов, С.С. Каумал, С.М. Мирахмедов, Ю.П. Хуторной, О. Жалилов, М.В. Мухамаджанов, С.Х. Йўлдошев, А.И. Имомалиев, З.С. Турсунхоёжаев ва бошқа олимлар катта қисса қўшдилар.

Тадқиқот ишининг мақсади ва вазифалари. Диссертация ишида Ўзбекистон Республикаси пахта маҳсулотларининг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини кучайтириш бўйича илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун тадқиқот олдида қуйидаги вазифалар белгиланди:

- Ўзбекистон маҳсулотларининг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини оширишнинг илмий ва назарий асосларини белгилаб бериш;

- Жаҳон бозорига интеграциялашувда Ўзбекистон пахта комплексининг экспорт салоҳияти асослаб бериш;
- Жаҳон пахта толаси бозоридаги динамик ўзгаришлар шароитида ўзбек пахта толасининг рақобатбардошлиги аниқлаб бериш;
- Жаҳон пахта толаси бозорида ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўрни аниқлаш;
- Жаҳон пахта толаси бозоридаги конъюнктура ўзгаришлари ўрганиш;
- Жаҳон пахта толаси бозорида Ўзбекистоннинг аҳамиятини оширишда Тошкент пахта ярмаркасининг ўрнини асослаб бериш;
- Ташқи иқтисодий фаолиятда пахта толаси экспорт салоҳиятини ошириш йўллари аниқлаб бериш;
- Пахтачилик тармоғини давлат томонидан тартибга солишнинг хусусиятларини аниқлаш;
- Ўзбекистон пахта толаси рақобатбардошлиги оширишнинг истиқболларини асослаб бериш.

Тадқиқотнинг илмий-амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, улар Ўзбекистон маҳсулотларининг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини ошириш, пахта комплексининг экспорт салоҳияти асослаб бериш, иқтисодиётининг ва хусусан пахтачилик тармоғининг рақобатбардошлигини кучайтириш имконини беради. Тадқиқот иши материалларидан олий ўқув юртларида «Фермер хўжалиги иқтисодиёти», «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» фанлари ўқув дастурларини такомиллаштиришда ва ўқув жараёнида фойдаланиш мумкин. Тадқиқотнинг амалий натижалари давлат ва вилоят ҳокимлиги томонидан пахтачиликни ва ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқишда, минтақа ижтимоий - иқтисодий ривожланиш стратегиясини белгилашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Ўзбекистон маҳсулотларининг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини ошириш такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ва амалий тавсиялар берилган.

Тадқиқотнинг объекти қилиб Ўзбекистон пахта маҳсулотлари рақобатбардошлигини оширишнинг муаммолари ва ислохот жараёнлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида Ўзбекистон пахта маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш жараёнида содир бўлаётган иқтисодий муносабатлар олинган.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

- Жаҳон бозорига интеграциялашувда Ўзбекистон пахта комплексининг экспорт салоҳияти асослаб берилди;

- Жаҳон пахта толаси бозоридаги динамик ўзгаришлар шароитида ўзбек пахта толасининг рақобатбардошлиги аниқлаб берилди;

- Жаҳон пахта толаси бозорида Ўзбекистоннинг аҳамиятини оширишда Тошкент пахта ярмаркасининг ўрни асослаб берилди;

- Ўзбекистон пахта толаси рақобатбардошлиги оширишнинг истиқболларини асослаб берилди.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалар, --- та жадвал ва ---- та расмдан иборат. Диссертация матни ---- бетни ташкил этади.

1-боб. Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини оширишнинг илмий ва назарий асослари

1. Ўзбекистон маҳсулотларининг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини оширишнинг илмий ва назарий асослари.

Бозор иқтисодиёти муносабатларини қарор топиши ва ривожланиши шароитида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг турли тармоқлари ва соҳаларида банд бўлган хўжалик субъектлари, мамлакатда яратилган имконият ва шарт-шароитлардан келиб чиқиб, ўзларининг ривожланиш стратегиясига эга бўлади ва фаолият юритиш жараёнида у ёки бу даражадаги ўзгаришларга мослашишга ҳаракат қилади. Ҳар бир корхонанинг муваффақиятли ривожланиши, у томонидан аҳоли ва бошқа истеъмолчилар учун зарур бўлган маҳсулотларни энг

мақбул нархда ишлаб чиқариш, харажатлар билан фойда ўртасидаги нисбатларнинг оптимал равишда эканлиги ва корхонани келажакда янада фаол амал қилиш шартлари билан белгиланади. Чунки аҳоли томонидан билдирилган умумий талаблар рағбатлантирувчи омил ҳисобланади: Республикамиз президенти И.А.Каримов: “Умумий талабнинг ўсиши деярли барча товарлар, шу жумладан, истеъмол товарлари чиқаришни ошириш учун кучли рағбатлантирувчи омилларни яратади¹”. Мана шундай рағбатлантирувчи омиллардан бири бўлиб, рақобат муносабатларини юзага келиши ҳисобланади ва бу жараён субъектлар ўртасида харидор бозори учун соф иқтисодий кураш турларини содир бўлишига олиб келади.

Бозор иқтисодиётининг муҳим афзалликларидан бири унинг рақобатга асосланганлигидир. Рақобат-товар ишлаб чиқариш ва бозор иқтисодиётининг асосий элементларидан бири ҳисобланади. Бозор муносабатларини ўз навбатида муносабатларини ҳам юзага келтиради.

Айнан шу жараённи объектив зарурлиги иқтисодиётни ривожланишига ижобий таъсир этмайди. Рақобат кишилиқ жамиятининг барча жабҳаларига хос. Рақобат қайси жабҳаларда олиб борилишидан қатъий назар, унинг марказида инсон манфаатлари туради. Ҳар бир инсон ўз имкониятларини намоён қилиш, фаровон ҳаёт кечириш, кишилар ўртасида обрў-эътибор қозониш учун ҳаракат қилади. Кишилиқ жамияти ҳаётининг асосини иқтисодий фаолият ташкил этар экан, демак жамият ҳаётида иқтисодий соҳалардаги рақобат асосий рол ўйнайди.

Рақобат (конкуренция) лотинча - сапсиго деган сўздан олинган бўлиб, тўқнашув деган маънони билдиради. Ўзбек тилида рақобат ким ўзди, басма - басликка беллашув маъносини англатади. Басма-басликка ким билан беллашилади? Рақиб билан. Рақиблар - бир-бирига қарама-қарши турувчилар бўлиб, бирор нарсани талағаувчилар маъносини ифодалайди. Демак, рақиб сўзи билан конкуренциянинг маънолари яқин.

Бозорда юзлаб ва ҳатто минглаб корхона, фирма, олиб сотар ва умуман, сотувчилар ҳаракатда бўладилар. Бу шароитда уларнинг ҳар бири ўзининг

¹ Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. “Ўзбекистон овози” 2006 йил, 11 феврал.

рақобатдаги рақибига нисбатан маълум позициясини эгаллаган ва қандайдир рақобат устунлигига эриши учун курашмоғи лозим. Акс ҳолда унинг ўзи ҳонавайрон бўлиши, инқирозга учраши ёки бошқа рақобатдош корхона, фирма томонидан ютиб юборилиши мумкин. Шунинг учун ҳам рақобат ҳеч бир корхона, фирма, корпорация ёки ташкилотга унинг катта-кичиклигидан катъий назар, хотиржам бўлишликка йўл қўймайди, уларнинг доимо ҳаракатда бўлишига, ўзгараётган шароитга мослашишга, ўз имконият ва резервларини ишга солиб янада юқорироқ, яхшироқ натижаларга эришишга мажбур қилади. Демак, рақобат уларнинг ривожланишига қўмаклашади.

Мулкни иқтисодий жиҳатдан алоҳидалашувига кўра, рақобат фақат индивидуал манфаатни эмас, балки жамият аъзоларининг манфаатларини ҳам кўзлайди. Чунки, айрим кишининг манфаати бир томондан алоҳидалашган, иккинчи томондан жамоа манфаатларига бирлашган. Бу манфаатлар бирлашуви ҳам мулк доирасида амалга ошади. Рақобат иқтисодий ресурсларини тежамли ишлатиш, товар ва хизматларни кўплаб, сифатли ишлаб чиқаришга ундаб, фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилишни тезлаштиради. У фақат ишлаб чиқаришнинг ўзинигина ўсишга ундаб қолмай, иқтисодий муносабатларни ҳам такомиллаштиришга олиб келади. Рақобат иқтисодий ўсишни таъминлайди. У ўз навбатида рақобат доирасини кенгайтиради. Ана шу жиҳатдан қарасак, рақобат бозор иқтисодиётини ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади.

Рақобатнинг бўлиши рақобат таъсирининг кучайишидаги асосий шарт ҳўжаликларнинг турли-туманлигидир. Умуман, кураш тўғрилиқ, кўп ҳалолликни талаб қилади. Бозор иқтисодиётида кўп хил ҳўжаликлар, уларнинг эгалари бир-бирларининг рақиблари бўлиб, рақобат жараёнида фаол иштирок этишлари керак. Ҳўжалик турлари жуда оз ёки бир хил бўлса, рақобатнинг таъсир доирасини кенгайтириш учун шароит бўлмайди. Рақобат учун ҳўжалик усуллари, шакллари кўпайиши керак. Айниқса, хусусий ҳўжаликлар кўпайиб, асосий ўринни эгаллаши зарур. Хусусий ҳўжаликлар билан бир қаторда бирлашма, қўшма ҳўжаликлар кўпайиши талаб этилади. Давлат ҳўжаликлари ҳам шаклан ва ҳам мазмунан ўзгариб, бозор талаблари асосида қайта ташкил этилиши керак. Буларга хиссадор

(акциядор)лик жамиятлари, ижара хўжаликлари кабилар мисол бўлиши мумкин. Иқтисодиёт ривожланишига қараб, рақобатчилик муносабатлари ҳам такомиллашиб боради.

Бозор иқтисодиётининг тамойилларидан бири, бу танлаш эркинлиги, яъни ҳар бир ишлаб чиқарувчининг нима ишлаб чиқариши, қандай ишлаб чиқариши, кимга сотиш, олинган даромадни қандай тасарруф қилинишини ўзи танлашидир. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки рақобат иқтисодий агентларнинг битимларини узлуксиз оширишга, рағбатлантириб туради. Бусиз рақобатда ғолиб чиқиш мумкин эмаслигини таъкидлаб, шунини айтиш керакки, фан-техника таракқиёти ютуқларини вақтида ишлаб чиқаришга жорий этиш юқори савиядаги мутахассисларни талаб этади. Ушбу ишларни амалга оширмаслик эса муқаррар равишда рақобат курашини бой беришга олиб келади.

Бозорда фирмалар ресурсларини арзон олиш ва товарларни қимматроқ сотишга интиладилар ва фойдани кўпроқ олиш учун курашадилар. Харидор молларни бозорда арзон олмақчи бўлса, сотувчи қимматроқка сотишни ўйлайди. Рақобатда аниқ мақсадлар қандай бўлмасин, пировард натижа даромад кўриш ёки имидж ортишидан иборат. Рақобатсиз бозор иқтисодиётининг бўлиши мумкин эмас ва бунда иқтисодиёт мавжуд бўла олмайди ҳам.

Бозор рақобати ривожланган бозорда рақобат истеъмолчилар (харидорлар) ўртасида эмас, балки товарлар ва хизматларни сотувчилар ҳам истеъмолчилар сингари фойда олиш йўлида ҳаракат қилади. Аммо ишлаб чиқарувчининг шахсий фойдани кўзлаши рақобат бўлганда юқори рақобатдошликка эришиш моддий техника, молия ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш эса умуман жамият манфаатларига мос келади, чунки ресурслар ҳар қандай жамиятда чекланган. Рақобат маҳсулот бирлигига меҳнат сарфини камайтиришга энг мукаммал технологияларни ишлаб чиқариш ва жорий этишга, маҳсулот сифатини яхшилаш ва нархини пасайтиришга рағбат беради.

Умумий шаклда рақобатни учта турга: сотувчилар, харидорлар ўртасидаги, сотувчилар билан харидорлар ўртасидаги рақобатларга бўлиш мумкин.

Харидорлар ўртасидаги рақобат ривожланган бозор ҳўжалигида унинг бошқа турларига нисбатан камроқ аҳамият касб этади. Албатта, сотувчи харидорлардан товар учун кўпроқ ҳақ тўлайдиганини афзал кўради. Бироқ ишлаб чиқариш билан таклиф талабга бемалол мослаша оладиган вазиятда харидорлар ўртасидаги рақобат иккинчи ўринга ўтадики, мувозанат ёки таклифнинг талабдан ортиқчалиги иқтисодий тизимнинг ҳукмронлик қилувчи ҳолатидир. Бирон-бир товарни таклиф этишни кўпайтириш учун тўсик пайдо бўлган пайтдагина рақобат кескинлашади. Зеро, агар товар етишмалиги пайдо бўлса, харидорлар уни сотиб олишда бир-бирларидан ўзишга интилиб, сотувчиларга баландроқ нарх таклиф қиладилар. Сотувчилар эса тақчил товарни талаб нархи бўйича, яъни харидори чиқса, иложи борица юқори нарх бўйича сота бошлайдилар. Харидорлар имкониятлари бир хил бўлганлиги сабабли кўпроқ ҳақ тўлай оладиган киши ушбу вазиятда афзал кўрилади. Бундай рақобат натижасида барча харидорлар, ҳар ҳолда товарни сотиб оладиган, товар етарли миқдорда бўлганлигига қараганда кўпроқ ҳақ тўлайдиган харидорлар ва ҳеч нарса сотиб ололмайдиган харидорлар озми-кўпми ютқазадилар, чунки уларнинг эҳтиёжлари қондирилмайди.

Сотувчилар билан харидорлар ўртасидаги рақобат мувозанат нархлари шаклланиши жараёнида содир бўлади. Мувозанат дарҳол юзага келмайди ва унинг даражаси талаб билан таклифнинг нисбатига боғлиқ. Агар дастлаб шаклланган нарх бўйича талаб таклифдан ортиқ бўлса, нарх ошиб боради. Бундай вазиятда сотувчилар билан биргаликда ҳаракат қилиш хос бўлиб, харидорлар пароканда бўладилар ва ҳар бири тақчил товарни сотиб олишда бошқасидан ўзишга интилади. Борди-ю, дастлабки нарх вазиятида таклиф талабдан ортиқ бўлса, харидорлар сотувчиларни бир-бирлари билан рақобат қилишга ва нархни пасайтиришга мажбур этадилар. Натижада мувозанат биринчи ҳолдагига қараганда пастроқ даражада қарор топади. Бундан харидорлар ютадилар, чунки улардан ҳар бири товарни арзонроқ сотиб олишга муваффақ бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида сотувчилар (товар ишлаб чиқарувчилар) истеъмолчининг пули учун курашадилар. Сотувчилар рақобатининг иккита

асосий шакли - тармоқ ичидаги ва тармоқлараро рақобатлар шаклидан кенг фойдаланишади.

Тармоқ ичидаги рақобат ишлаб чиқариш ва сотишнинг қулайроқ шароитига эга бўлиш, қўшимча фойда олиш учун бир тармоқ корхоналари ўртасида боради. Ҳар бир тармоқда техника билан таъминланиш даражаси ва меҳнат унумдорлиги даражаси турлича бўлган корхоналар борлиги сабабли шу корхоналарда ишлаб чиқарилган товарларнинг индивидуал (алоҳида) қиймати бир хил бўлмайди. Тармоқ ичидаги рақобат товарларнинг ижтимоий қийматини, бошқача айтганда, бозор қийматини аниқлайди ва белгилайди. Бу қиймат, одатда, ўртача шароитда ишлаб чиқарилган ва муайян тармоқ товарларининг анчагина қисмини ташкил этадиган товарларнинг қийматига мос келади. Тармоқлар ичидаги рақобат натижасида техникавий даражаси ва меҳнат унумдорлиги юқори бўлган корхоналар қўшимча фойда оладилар ва аксинча, техника жиҳатдан ночор корхоналар эса, ўзларида ишлаб чиқарилган товар қийматининг бир қисмини йўқотадилар ва зарар кўрадилар. Тармоқ ичидаги рақобат товарларнинг ижтимоий қийматини, бошқача айтганда, бозор қийматини аниқлайди ва белгилайди. Бу қиймат, одатда, ўртача шароитда ишлаб чиқарилган ва муайян тармоқ товарларининг анчагина қисмини ташкил этадиган товарларнинг қийматига мос келади.

Тармоқлараро рақобат турли тармоқлар корхоналари ўртасида энг юқори фойда нормаси олиш учун олиб бориладиган курашдан иборат. Бундай рақобат фойда нормаси кам бўлган тармоқлардан фойда нормаси юқори тармоқларга капиталларнинг оқиб ўтишига сабаб бўлади. Янги капиталлар кўпроқ фойда келтирувчи соҳаларга интилиб, ишлаб чиқаришнинг кенгайишига, таклиф кўпайишига олиб келади. Шу асосда, нархлар пасая бошлайди. Шунингдек, фойда меъёри ҳам пасаяди. Кам фойда келтирилган тармоқлардан капиталнинг чикиб кетиши тескари натижага олиб келади: бу ерда ишлаб чиқариш хажми ўзшгаради, товарларга бўлган талаб улар таклиф килишидан ошиб кетади, бунинг оқибатида нархлар кўтарилади, шу билан бирга фойда меъёри ошади. Натижада тармоқлараро рақобат объектив равишда кандайдир динамик мувозанатни

келтириб чикаради. Бу мувозанат капитал каерга сарфланганлигидан қатъий назар, тенг капитал учун фойда олинишига интилишни таъминлайди. Демак, тармоқлараро капитал қайси тармоққа солинмасин, худди шу тармоқ меъёрларини ўртача фойда меъёрига яқинлаштиради.

Эркин рақобат шароитида бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқда жуда кўп сонли корхоналар мавжуд бўлади. Юқори даражада ташкил қилинган бозорда кўплаб сотувчилар ўзларининг маҳсулотларини таклиф қиладилар. Эркин рақобатли бозорда алоҳида корхоналар маҳсулот нархи устидан сезиларсиз назоратни амалга оширади. Чунки ҳар бир корхонада умумий ишлаб чиқариш ҳажми унча катта бўлмайди. Шу сабабли алоҳида корхонада ишлаб чиқаришнинг кўпайиши ёки камайиши умумий таклифга, демак, маҳсулот баҳосига сезиларли таъсир кўрсатмайди. Эркин рақобат шароитида янги корхоналар тармоққа эркин кириши, тармоқда мавжуд бўлган корхоналар эса уни эркин ташлаб чиқиши мумкин. Хусусан янги корхоналарнинг пайдо бўлиши ва уларнинг рақобатли бозорда маҳсулотларини сотишга ҳуқуқий, технологик, молиявий ва бошқа жиддий иқтисодий тўсиқлар бўлмайди.

Монополияда тармоқда асосан битта фирма ҳукмронлик қилиши сабабли, у мавжуд маҳсулот (хизмат)нинг ягона йирик ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади ва якка ҳукмронлик шаклланади. Бундай шароитда фирма нарх ва таклиф ҳажми устидан сезиларли назоратни амалга оширади. Монополиянинг мавжуд бўлиши тармоққа кириш учун тўсиқларнинг мавжуд бўлишига сабаб бўлади. Иқтисодий, техник, ҳуқуқий ёки бошқа тўсиқлар янги рақобатчиларнинг тармоққа киришига йўл қўймайди. Тармоққа кириш учун тўсиқлар ҳар хил кўринишларда бўлади. Буларнинг асосийлари қуйидагилар:

- Ишлаб чиқариш миқёси келтириб чиқарадиган тўсиқлар, шу жумладан, молиявий тўсиқлар кўп ҳолатларда шунчалик катта бўладики, бу тармоққа киришни таъқиқлаш билан баробар. Масалан, йирик ишлаб чиқарувчи ҳисобланган автомобил саноатига кириш, янги технологияга асосаланган зарур ускуналарни сотиб олишга жуда катта пул-капитали талаб қилади.

- Патент ва лицензиялар каби қонунний тўсиқлар. Давлат патент ва лицензиялар бериб тармоққа кириш учун қонуний тўсиқлар ҳам яратади. Патентлар тадқиқотчига маҳсулотини тўлиқ назорат қилиш ҳуқуқини беради. Тармоққа кириш ёки фаолият тури билан шугулланиш давлат томонидан лицензия бериш йўли билан чекланиши мумкин. Масалан, давлат миқёсида радио ва телевизион эшитиришларга тегишли вазирлик (маҳкама) лицензия беради.

- Хом ашёнинг муҳим турларига, хусусий мулкчилик монополиялар томонидан потенциал рақобатчилар учун самарали тўсиқ яратиш воситаси сифатида фойдаланиши мумкин.

- Ғирром рақобат. Ғирмалар ўз рақибларини тармоққа кириб келишини тажовузкорона ва шавқатсиз бартараф қилиши мумкин. Банк ва ресурсларни етказиб берувчиларни материал ва кредит беришдан воз кечириш, етакчи мутахассисларни оғдириб олиш, баҳони кескин тушуриш ғирром рақобатнинг оддий усуллари.

Олигополия - тармоқда у қадар кўп бўлмаган бир гуруҳ корхоналарнинг ҳукмронлик қилишидир. Бу олигополиянинг энг муҳим белгисидир. Қайси товарлар ва хизматлар бозорида нисбатан кам сонли ишлаб чиқарувчилар ҳукмронлик қилса, шу тармоқ олигополистик тармоқ ҳисобланади.

Олигополистик тармоқ бир хил ёки табақалашган маҳсулот ишлаб чиқариши мумкин. Кўпчилик саноат маҳсулотлари: пўлат, мис, алюминий, қўрғошин, темир ва шу кабилар - физик маънода бир турдаги маҳсулотлар ҳисобланади ва олигополия ҳукмронлиги шароитида ишлаб чиқарилади. Истеъмолчилик товарлари: автомобиллар, ювувчи воситалар, сигаретлар, маиший электр буюмлари ва шу кабиларни ишлаб чиқарувчи тармоқлар табақалашган олигополия ҳисобланади.

1 -жадвал.

Рақобат жиҳатидан бозор моделларининг хусусиятлари¹¹

Характерли хусусиятлар	Бозор тизими (рақобат) моделлари			
	Соф рақобат	Монополистик	Олигополия	Соф монополия

¹¹ Алимов Р.Х ва бошқалар Маркетингни бошқариш.. -Т.: Адолат, 2000, 303-бет

Фирмалар сони	Жуда кўп	Кўп	Бир неча	Битта
Махсулот тури	Стандартланган	Табақалашган	Ихтисослашган ёки табақалашган	Ноёб, ўрнини босувчи товар йўк
Нарх устидан назорат	Йўк	Тор доирада бор	Ўзаро бир-бирларига боғлиқ туфайли чекланган, яширин, келишувда сезиларли	Сезиларли
Бахосиз назорат	Йўк	Қисман бор, асосан реклама, савдо белгилари ва маркаларига таянади	Бор, айниқса махсулот табақалашганда бу тизимга хос маълум чеклашлар мавжуд	Бор, асосан фирманинг жамоат ташкилотлари билан алоқасини реклама қилиш орқали
Тармоққа кириш	Жуда осон	Нисбатан осон	Сезиларли тўсиқлар мавжуд	Утпб бўлмайдиган тўсиқлар мавжуд
Маълумот олиш имконияти	Маълумот олиш имконияти ҳамма учун тенг	Маълум чеклашлар бор	Маълум чеклашлар мавжуд	Маълум чеклашлар мавжуд
Мисоллар	Қишлоқ хўжалиги	Чакана савдо, кийим-кечак, пойабзал ишлаб чиқариш	Пўлат, автомобиль, қишлоқ хўжалиги инвентарлари, магнит, электр асбоблари ишлаб чиқариш	Жамоат хизматини килувчи маҳаллий корхоналар

Олигополия шароитида корхоналар ўртасидаги рақобат ўзаро боғлиқ бўлади. Олигополистик тармоқда ҳеч қайси фирма ўзининг баҳо сиёсатини мустақил ўзгартиришга ботина олмайди.

Унча кўп бўлмаган фирмаларнинг умумий ўзаро боғлиқликда жойлашиши яширинча келишга қулайлик туғдиради. Яширинча келишиш баҳоларни қайд қилиш, бозорни бўлиш ёки тақсимлаш ва бошқача йўллар билан ўзлари ўртасидаги рақобатни чеклашдан иборат. Яширинча келишиш бир қотор шаклларда бўлиши мумкин. Унинг энг оддий шакли кертел битими ҳисобланади. Кертел битимига кирган фирмалар нархлар ва ишлаб чиқариш ҳажмини келишиб олади. Келишилган нархни ушлаб туриш мумкин бўлиши учун ишлаб чиқариш ҳажми тартибга солиниши, яъни бозорлар бўлинган бўлиши зарур.

Нархларни белгилашдаги раҳнамолик яширинча келишишда ҳам ўз ўрнини тутадиган норасмий восита ҳисобланади. Бунда тармоқдаги катта ёки анча самарали фирма нархни ўзгартириши, бошқа фирмалар эса унинг орқасидан эргашиши мумкин.

Олигополистлар нархсиз рақобатга асосий ўрин беради, чунки биринчидан, рақобатчиларга реклама ва маҳсулотни ўзгартириш анча мураккаб, иккинчидан, олигополистлар камдан-кам ҳолда нархсиз рақобатни молиялаштириш учун етарли молиявий ресурсларга эга бўлади. Биз қараб чиккан рақобатнинг тўртта шаклининг ҳар бири миллий иқтисодиётда алоҳида-алоҳида, яъни соф ҳолда учрамайди. Иқтисодиёт соҳаларини батафсил ўрганиш, чексиз кўп ҳар хил рақобатли вазиятлар мавжудлиги шароитида, иккита бир хил тармоқни тониш қийинлигини кўрсатади. Шу сабабли эркин рақобатли бозорнинг хусусиятли белгилари билан, соф монополия, монополистик рақобат ва олигополиянинг хусусиятлари ўртасидаги фарқларни кўрсатиб бериш фойдали. Уларнинг характерли хусусиятлари, бир-биридан фарқи -жадвалда ўз аксини топган. Бундай таққослашни енгиллаштириш учун бозорнинг кейинги учта моделини билдириш учун "такомиллашмаган" ёки "номукаммал" рақобат деган умумий номдан фойдаланилади. Бозор иқтисодиётига ўтиш бизга нисбатан анча олдин бошланган мамлакатларда рақобат муносабатларини ривожлантириш анча мураккаб ва узоқ даврни оладиган жараён эканлигини кўрсатади.

Рақобат курашининг икки усули фарқланади: нарх воситасидаги рақобат ва нархсиз рақобат.

Нарх воситасида рақобатлашувда курашнинг асосий усули ишлаб чиқарувчиларнинг ўз товарлари нархларини бошқа ишлаб чиқарувчиларининг шундай маҳсулотлариникига нисбатан насайтириши ҳисобланади. Унинг асосий ва энг кўп қўлланиладиган кўриниши - "нархлар жанги" деб аталадики, бунда йирик ишлаб чиқарувчилар рақибларини тармоқдан сиқиб чиқариш учун нархни вақти-вақти билан ёки узоқ муддат пасайтириб туради. Бу усулни Кўллаш учун ишлаб чиқарувчи бошқа рақибларга қараганда унумлироқ технологияни киритиши, малакалироқ ишчиларни ёллаши ва ишлаб чиқаришни яхшироқ ташкил қилиши керак бўлади. Фақат шундагига унинг товарининг индивидуал қиймати бозор қиймагидан паст бўлиб, мазкур товар нархини тушириш имкониятини беради.

"Нархлар жанги"ни бошлаган бақувват фирма товарнинг сотиш ҳажми кўпайганлиги ҳисобига кўнроқ даромад кўришни кўзлайди. Йирик компанияларнинг ўзлари учун янги бўлган мамлакатларда очилган шўъба корхоналари, филиаллари бошқа хорижий ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни бозордан сиқиб чиқариш учун аксарият "нархлар жанги"ни қўллайди. Истеъмолчилар дастлаб тармоқдаги "нархлар жангидан фойда кўради, аммо кейинчалик бундай монополиялаштиришнинг жабрини тортишлари мумкин. Давлат маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларнинг тармоқни ўзлаштиришидан манфаатдор бўлиб, қудратли хорижий фирмалар билан курашда маҳаллий бозорда ўрнашиб қолишга ёрдам бериш учун уларни алоҳида имтиёзлар ва афзалликлар тизими билан қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилади, у ёки бу тармоқда хорижий хўжалик юритувчи шахсга тадбиркорлик фаолияти учун маҳаллий шерик иштирокида қўшма корхона барпо этиш мажбурий шарт қилиб кўяди ёки бошқа чеклаш ва тартибга солиш чораларини кўради¹².

Нарх воситасида рақобатлашиш усулларида бири демпинг нархни қўллашдир. Бунда миллий ишлаб чиқарувчилар ўзларининг товарларини бошқа мамлакатларга ички бозордаги нархлардан, айрим ҳолларда таннархидан ҳам паст бўлган нархлар бўйича чиқаради. Шу орқали улар ички бозорда нахрларнинг

¹² Шодмонов Ш.Ш., Алимов.Р.Х., Жўраев Т.Т., Иктисодиёт назарияси. -Т.: Молия, 2002, 163-бет

баркарорлигига эришиш, мамлакатдаги ортикча маҳсулотни йўқотиш, янги бозорларга кириб олиш ва унда ўзларининг иқтисодий мавқеини мустаҳкамлашга ҳаракат қилади. Демак, демпинг - амал қилиш ва мақсадларга кўра "нархлар жанги"га яқин бўлган нарх билан рақобатлашув усули. Унинг моҳияти шундаки, йирик товар ишлаб чиқарувчилар бошқа мамлакатлар ҳудудида корхона қурмайдилар, аммо унинг бозорларида ўз ички бозордаги нархлардан, жаҳон нархларидан арзон, айрим ҳолларда ҳатто таннархидан паст нархларда товар киритадилар. Демпингнинг маъноси товар ишлаб чиқарувчи мамлакатнинг ички бозорида сотилаётган ортикча маҳсулотни йўқотиш ва янги бозорларга кириб олишдан иборат. Ривожланган иқтисодиётга эга бўлган давлатлар ривожланиши пастроқ мамлакатларга демпингни экспортчи компанияларга бюджетдан махсус экспорт мукофотлари ва субсидиялари тўлаш билан рағбатлантиради ва бу тўловлар компаниялар кўрадиган зарарни қисман қоплайди. Бундай ишлардан давлатнинг манфаатдорлиги бошқа малакат бозорида ўз иштирокини кучайтириш, иқтисодий маносабатларни янада ривожлантириш учун негиз яратишга интилиш билан изоҳланади.

Ривожланган мамлакатлардан ривожли пастроқ мамлакатларга Демнинг товар чиқариш амалиётда доимий ходиса. Демнинг нархлар истеъмолчиларни сўзсиз қониқтиради, аммо “нархлар жанги”да бўлгани каби бозорда бундай товарларнинг ҳозир бўлиши маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларнинг ривожланишини қийинлаштирадиган омилга айланиши мумкин. Демнинг товарлар киритаётган давлат - бу жараёни савдо чеклашларини жорий этиш, муайян турдаги товарларни киритиш учун божларни кўтариш билан назорат қилиш, шунингдек демпинг нархларда сотилаётган товарларга ўхшаш товарлар ишлаб чиқарувчи маҳаллий тадбиркорларга ёрдам бериш имкониятларига эга.

Кўп ҳолларда нархлар билан рақобатлашувда прејскурант нархлардан, чегирма ва сайловлар бериш (асосий харид қилинадиган нарсага кўшимча товарлар ва хизматлар кўшиб бериш) кам учрайди, Халқаро амалиётда маҳсулот нархидан чалғитмаслик, товарнинг қиймати ва сифати соҳасида рақобатни қийинлаштирмаслик учун чегирма ва сайловларнинг энг юқори миқдорларини

белгилаб кўйиш кам учрайди. Шунингдек нарх билан рақобатлашувга қўйидагиларни киритиш мумкин:

- муайян тоифадаги истеъмолчилар учун имтиёзли нархлар (масалан, авиакомпаниялардан йўловчилар гуруҳига бир йўла олинадиган "Оилавий" билетлар якка-якка олишга қараганда арзонроқ) сотилади;

- вақти ва жойига қараб нархларни тушириш ёки кўтариш (кинотеатрга эртала бориш кечкидан кўра, иш кунида бориш дам олиш кунидан кўра арзонроқ туради);

- кўрасатиладиган хизматлар хажми кўпайган ёки товарлар сифати яхшилانган шароитларда ҳам амалдаги нархларни сақлаб туриш;

- харидорлар учун кредит муддатларини узайтириш ва бошқалар. Нарх билан рақобатлашувга кирмайдиган рақобат усулларини "нархсиз рақобат" деб аталади. Бу атама гарчи ноаниқ бўлсада амалиёт ва илмий адабиётда кенг қўлланилади, рақобат курашидаги турли усулларга ягона ном беришга имконият яратади. Нархсиз рақобат шу билан тавсифланадики, бунда рақобат курашининг асосий омили товарларнинг нархи эмас, балки унинг сифати, сервис хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқарувчи фирманинг обрӯ-эътибори ҳисобланади.

Нархсиз рақобат билан бир вақтда яширин нарх ёрдамидаги рақобат ҳам бўлиши мумкин. Бунинг учун янги товарларнинг сифати ошиши ва истеъмол хусусиятларининг яхшиланиши улар нархларининг ошишига қараганда тез рўй бериши керак. Ҳозирги даврда бир турдаги маҳсулотларнинг кўпайиши уларнинг сотишни рағбатлантирувчи реклама, товар белгилари ва фабрика муҳрларидан фойдаланишни келтириб чиқармоқда. Истеъмолчилик бозорида кўшимча хизмат кўрсатиш орқали харидорларни ўзига жалб қилиш кенг тарқалмоқда.

Нархсиз рақобатнинг товар сифатини табақалаштириш каби усули ҳам мавжудки, бунда товарлар бир хилдаги эҳтиёжни қондириши ва бир турга мансуб бўлиши, лекин турли-туман истеъмол хоссаларига эга бўлиши мумкин.

Товарлар талабга нисбатан ортиқча бўлган шароитда ишлаб чиқарувчилар товарларини кредитга сотиш усулидан фойдаланиб рақибларидан устун

келишлари мумкин. Бунда дастлаб товар нархининг фақат бир қисми тўланади, унинг қолган қисми эса шартномада келтирилган аниқ муддатларда тўланади.

Фан-техника тараққиёти авж олган ҳозирги шароитда, техника ва технологиянинг энг янги ютуқлари устидан назорат қилиш учун кураш рақобатнинг асосий усулларида бирига айланиб бормоқда. Бундан ташқари, ишлаб чиқарувчи корхоналар харидорларни жалб қилиш мақсадида узок муддат фойдаланиладиган истеъмолчилик товарларига кафолатли ва кафолатдан кейинги хизмат кўрсатишни амалга оширмоқдалар. Масалан, компьютер ишлаб чиқарувчи фирма, ўз маҳсулотини сотибгига қолмасдан, балки уни ўрнатади, корхона ходимларини улардан фойдаланишга ўргатади, кафолатланган муддатда ва ундан кейинги даврда таъмир ишларини бажаради, техникавий хизматни амалга оширади, маҳсулотлари ўлчамларини буюртмачи эҳтиёжларига яқинлаштиради.

Нархсиз рақобат усуллари ичида маркетинг муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнини талабга мослаштирувчи тадбирлар тизимидан иборат. Бозор иқтисодиёти шароитида талабни қондира оладиган корхоналар ҳар доим рақобат курашида ютиб чиқади.

Йирик ишлаб чиқарувчилар бозордаги вазиятни ўзгартириш учун ўзларининг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни камайтириб товар таклифини қисқартирадилар. Шу сабабли иқтисодий беқарорлик даврларида ҳам нарх барқарорлигича қолаверади.

Шундай қилиб, монополиялар ҳукмрон бўлган шароитда нархсиз рақобат муҳим ўрин тутаяди. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, монополиялар товар сифатини ошириш, истеъмолчиларга хизмат кўрсатишни яхшилаш йўли билан сотиладиган товар ҳажминини кўпайтириши мумкин.

Иккинчидан, улар молиявий жиҳатдан кучли бўлганлиги сабабли, маҳсулотини янгилаш, игалаб чиқаришни қайта жиҳозлага ва рекламага зарур бўлган маблағни сарфлай оладилар.

2&.Жаҳон бозорига интеграциялашувда Ўзбекистон пахта комплексининг экспорт салоҳияти.

Бозор иқтисодиёти ўзининг мазмун ва моҳиятига кўра дунё мамлакатларида очик иқтисодиётни шакллантириш ва уни босқичма-босқич эркинлаштириш билан боғлиқ ислохотларни амалга оширишда барча зарурий қулайликларга эга бўлган самарали иқтисодий модел сифатида таркиб топди ва доимий равишда такомиллашиб борди.Бироқ бу жараён узок давом этган бўлиб, ер юзида табиий ресурсларнинг нотекис тақсимланганлиги туфайли жаҳон хўжалиги тизимида ҳалқаро меҳнат тақсимотини вужудга келтирди ва уни объектив заруратга айлантирди.

Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, чет мамлакатлар билан ташқи савдо муносабатларини кенгайтириш, жаҳон хўжалик алоқаларига бирлашиш ва халқаро ташкилотлар билан мустаҳкам иқтисодий ва молиявий ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатиш ҳар қандай мамлакатнинг миллий иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим ўрин тутди. Жаҳон тажрибасидан маълумки, ички бозорни тўлдириш муаммоларини ўз ишлаб чиқариш ҳисобига самарали ҳал қилишга уриниш мағлубиятга маҳкумдир. Ҳозирги инсон эҳтиёжлари шу қадар хилма-хилки, уни «натурал хўжалик» доирасида, мамлакатни жаҳон бозоридан ажралган ҳолда қондириб бўлмайди. Табиий равишда, ҳар қандай мамлакат ташқи иқтисодий алоқаларга киришади, ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва самарадорлигини оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.Жаҳон хўжалиги тизимида ҳалқаро меҳнат тақсимои жараёнининг кенг миқёсда тарқалиб бориши, турли мамлакатлар ва қитъалар ўртасида мунтазам иқтисодий алоқаларни ўрнатиш зарур эканлигини тақозо этди ва иқтисодиётнинг миллий алоҳидалашувини кескин чеклади.

XX асрнинг иккинчи ярмида хўжалик алоқаларининг байналминаллашуви ҳозирги замон дунё хўжалигининг ривожланишида етакчи йўналишлардан бири бўлиб қолди. Дунё хўжалигининг катта миқёсда байналминаллашуви асосий йўналишларидан бири у ёки бу мамлакатнинг, ёки кучли ривожланган давлатлар

гуруҳининг таъсир зоналари пайдо бўлиши билан белгиланади. Бу мамлакатлар ёки давлатлар гуруҳи ўзига хос интеграция марказларига айланиб улар атрофида бошқа мамлакатлар бирлашадилар.

Жаҳон хўжалиги иқтисодий интеграцияси – бу миллий бозорлар ва мамлакатлар миллий хўжаликлари ўртасидаги боғлиқликни англатиб, турли мамлакатлар доирасида ресурсларнинг эркин ҳаракатланиши орқали ягона умумий бозорларнинг вужудга келиш жараёни демакдир.

Ҳозирги кунга қадар жаҳон хўжалиги амалиётида таркиб топган иқтисодий алоқалар тизими ҳар доим ҳам иқтисодий интеграцияни англатавермайди.

Дунё хўжалигида интеграция жараёнларини юзага келтирадиган куч – бу ғоят юксак даражада таркиб топган иқтисодий алоқалар тизимининг мавжудлиги шартидир.

Иқтисодий интеграция товарлар савдосини эркинлаштиришдан бошланиб, учинчи мамлакатларга нисбатан умумий божхона тарифларини яратишни ҳам ўз ичига олади, шунингдек, ишлаб чиқариш омилларининг давлатларо эркин ҳаракати билан тўлдирилган ҳолда макроиқтисодий сиёсатни бир хиллаштириш ва давлатлар устидан бошқарув органларини яратиш билан тугалланади. Интеграция бирлашмалари сонининг тез суръатларда ўсишига қарамай, уларнинг аксари қисми ташкил топишнинг бошланғич босқичларидадир.

Эълон қилинган мақсадлари ва ҳақиқий ютуқлари ўртасида юзага келадиган кучли тафовутлар ҳамда қийёсланадиган маълумотларнинг етарли эмаслиги натижасида у ёки бу интеграция бирлашмаси ривожланишнинг қайси босқичда эканлигини аниқлаш анча мураккаб вазифа. Кўп ҳолларда ўзини иқтисодий иттифоқ деб эълон қилган мамлакатларнинг минтақа-вий гуруҳи фақат божхона тарифларини бекор қилишнинг дастлабки босқичларида бўлиб, эркин савдо зонаси даражасига эришмаганлар ҳам, ўзларини божхона иттифоқи деб эълон қилган бирлашмалар эса умумий божхона тарифини ҳали ишлаб чиқмаган ва жорий этмаган ҳам бўлиб, фақат қоғоздагина мавжуддир.

Мана шундай шароитларда алоҳида мамлакатларнинг умумий бир тизим доирасида иқтисодий муносабатларини чуқурлаштиришга турли даражада

тайёрлигини эътиборга олган ҳолда интеграциянинг нисбатан қатъий ва бир қадар юмшоқ шаклларини бирга қўшиб олиб бориш муаммоси юзага келади. Уни ҳал этиш эса бутун интеграция сиёсатини жиддий тарзда коррективка қилишни талаб этади. Одатда, у бир қатор йўналишлар бўйича олиб борилиши лозим бўлиб, бор имкониятлар билан кенгайиш ва интеграциянинг бозор асосларини чуқурлаштириш, мамлакатларнинг хўжаликлараро муносабатларида тадбиркорлик тузилмаларининг ролини ошириш - улар орасида энг муҳими бўлиб қолади. Бу алоҳида гуруҳлар ўртасида интеграция жараёнларини амалда фаоллаштиришга имкон яратувчи асосдир. МДХ мамлакатлари доирасида интеграция жараёнларининг сустлиги маълум миқдорда, мазкур жараённинг заиф ақс этган бозор хусусияти, давлатлараро алоқаларни ривожлантиришга ҳаддан зиёд эътибор қаратилганлиги билан белгиланади. Бунда ишлаб чиқарувчилар, савдо бирлашмалари, тадбиркорлик тузилмалари ўртасидаги кооперация алоқаларининг тезкор вазифалари бозор хўжалик субъектлари томонидан эмас, балки турли вазирликлар ва бошқармалар томонидан ҳал этилади. Бу ҳолат узил-кесил қайта кўриб чиқиши лозим. Бозор типигаги миллий хўжаликларнинг ҳақиқий интеграцияси турли мамлакатлар корхона ва ташкилотларининг бевосита хўжалик алоқалари асосидагина муваффақиятли амалга оширилиши мумкин.

Тадбиркорлик тузилмаларининг бундай муносабатларга интилиши ҳозирги кунда МДХ мамлакатларида кузатиш мумкин. Таҳлиллар ҳамкорлик шакллариининг турли-туманлигини кўрсатмоқда. Булар турли мамлакатлар корхоналарини ўз ичига олган қўшма корхоналар, молия-саноат гуруҳлари, консорциумлар, холдинг компаниялари типигаги ишлаб чиқариш, молия ва савдо бирлашмаларидир. Интеграция жараёнларининг эркинлашуви, шунингдек, кичик фирмалар ўртасидаги алоқаларни фаоллаштиришга ҳам ёрдам беради. Бундай шароитларда трансмиллий корпорациялар (ТМК), яъни бир ёки ундан ортиқ мамлакатларда ўз бўлинмаларига эга бўлган ва энг юқори натижаларга эришиш мақсадида келишилган сиёсат ўтказиш асосида уларни марказдан туриб бошқарадиган фирмалар муҳим аҳамият касб этади.

Давлатлараро савдони ривожлантириш, умумий ҳудудда маҳсулот сотувини кенгайтириш ва бу мамлакатларда шўъба корхоналари ва ишлаб чиқариш ҳамда савдо филиалларини ташкил этиш орқали хизмат кўрсатиш ТМКнинг бош мақсади ҳисобланади. Шу туфайли кўпгина ТМҚда ишлаб чиқариш, савдо, хизмат кўрсатиш, капиталдаги "хорижий таркибий қисм" банд бўлганларнинг умумий сони 50-90 % ни ташкил этади."

Илмий тадқиқотлар, технологик ишлар, ишлаб чиқариш, савдо ва келгуси бутлаш жараёнидаги хизматлардан иборат барча циклани - рақобатли усуллардан кенг фойдаланилган ҳолда давлат меъёрлари билан чекланмаган ягона бир бутун қилиб бирлаштириш имконияти туғилди. Бозор иқтисодиёти мамлакатлар товарларидаги қўшимча қийматнинг 20-25% 600 та энг йирик хорижий ТМҚ га тўғри келади.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, трансмиллий тузилмалар жаҳон иқтисодий кенгликларининг минтақавий қисмлари билан бир қаторда, алоҳида бир мамлакатларни ҳам интеграцияловчи жуда қудратли бириктирувчи марказлардир. Расмий рўйхатдан ўтган ТМҚдан бири - Россия-Ўзбекистон авиасозлик бирлашмаси бўлиб, Воронеж акциядорлик самолётсозлик бирлашмаси, "С.В.Ильюшин номидаги авиакомплекс" акциядорлик жамияти ва В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация бирлашмаси асосида 1995 йилда ташкил этилган. Бу корхона маҳсулотларига нафақат МДХ мамлакатлари доирасида, балки ундан ташқарида ҳам талаб катта, бироқ мувофиқ меъёрий-ҳуқуқий базанинг етарли эмаслиги, хўжалик алоқаларининг ортиқча равишда регламентлаштирилиши, лойиҳаларни молиялаштиришнинг танқислиги ҳам кузатилади.

Иқтисодиётнинг энергетика, станоксозлик, кончилик тармоқлари, кимё саноати ва металлургия соҳаларида ТМҚни яратиш учун барча шароитлар мавжуд. Халқ хўжалиги мазкур соҳаларининг кўплаб корхоналари кооперация муносабатларининг йўқлиги туфайли бутунлай ишламайди ёки жуда кичик ҳажмда ишлаб чиқариш ҳажмига эгадир.

ТМҚни ташкил этиш ва уларни ривожлантириш, ўзининг дастлабки босқичларида, энг аввало, давлат томонидан ёрдам кўрсатилиши, бюджет

маблағларининг ажратилишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бу яна ТМК, одатда, ҳукуматлараро шартномалар асосида ташкил этилиши билан ҳам ўзини оқлайди, гарчи келгусида, уларни кўпроқ иштирокчиларнинг бевосита шартнома тузишлари орқали яратиш мақсадга мувофиқ бўлар эди, чунки бирлашмаларнинг бундай типлари трансмиллий компанияларнинг бозор шароитларига кўп жиҳатлари билан мос келади. Бироқ бунинг учун бир қатор иқтисодий-ҳуқуқий ва ташкилий вазифаларни, шу жумладан, бирлашган солиқ тўловчи, инвесторлар учун имтиёзлар, нарх шаклланиши механизми ва тўлов-ҳисоб-китоб муносабатлари бўйича ТМК мақоми тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш ҳам талаб этилади.

Шўъба корхоналар ва филиалларини ташкил этиш учун мувофиқ мамлакатларни танлаш номенклатура ва ҳажмларни белгилаб олиш йўли билан амалга оширилади:

- ишлаб чиқариш корхоналари томонидан МДХ мамлакатларига етказиб бериладиган ва улардан олинадиган маҳсулотлари;
- кооперациялашган таъминотлар;
- давлатларо шартномалар асосида МДХ мамлакатларига етказиб бериладиган ва бу мамлакатлар корхоналаридан олинадиган маҳсулотлар;
- етказиб берилиши эркин савдо орқали амалга ошириладиган маҳсулотлар.

МДХ мамлакатларида шўъба корхоналарининг очилиши фаол тарзда сотиш талаб этиладиган товарлар савдосини кенгайтириш, шартномалар бўйича ўз вақтида ва тўлиқ равишда етказиб берилган товарлар учун ҳеч бир тўсиқсиз ҳисоб-китоб қилиш муаммоларини ҳал этишга имкон яратади.

Саноат-техник аҳамиятдаги маҳсулотлар бўйича ТМКни машинасозлик маҳсулотлари, шунингдек, мураккаб ассортиментдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бунда филиалларнинг рентабеллигини белгилаш учун МДХнинг мос мамлакатларида сотиладиган ресурслар ҳажмини аниқлаб олиш талаб этилади.

ТМК ҳуқуқий ҳолатини белгилашда БМТ томонидан ТМК ва ҳукуматлар ўртасидаги муносабатлар мажмуасини тартибга солиб турувчи ҳужжатлар ишлаб

чиқилишини ҳам эътиборга олиш тақозо этилади. Уларда барча давлатлар учун очиқ бўлган глобал механизм, яъни ўзига хос тартиблар мажмуасини яратиш кўзда тутилади. Хусусан, у ТМКнинг қуйидаги тамойил, мақсад ва вазифаларини назарда тутди:

- миллий суверенитетни тўлиқ ҳурмат қилиш;
- давлатларнинг табиий ресурслари, моддий бойликлари ва иқтисодий фаолияти устидан ажралмас суверенитети;
- ички ва ҳукуматлараро муносабатларга аралашмаслик;
- давлатнинг ТМК фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш, фойдани тақсимлашда қатнашиш ва ҳудудида жойлашган хорижий мулкни миллийлаштириш ҳуқуқи;
- халқаро ҳуқуқдан фойдаланиш, адолатли тартиб ва қонуний фаолиятни ҳимоя қилиш. Миллий тартиб ривожланиш соҳасидаги миллий иқтисодий режа ва мақсадларга мос келган таодирда ТМКга ҳавола этилади.

ТМКнинг ҳамма қабул қилган ҳолати - очиқ типдаги акциядорлик жамиятидир. Бунда шўъба корхоналари мустақил юридик шахслар, филиаллар эса ТМК таркибига кирган мустақил бўлмаган корхоналар ҳисобланади. Шунинг ҳам назарда тутиш керакки, корпорациялар ташкил этилаётганда ташкилотлар тизими, яъни ўз вазифаларига кўра ягона бир бутунг ташкилий жиҳатдан бирлаштирилган ҳўжалик бирликлари, корхоналарнинг уюшмаси юзага келади.

Шундай экан, тизим ичидаги амалий-ташкилий бошқарув, тизимнинг ягона бир мақсадларига эришиш учун алоҳида қисмларни боғловчи тартибга бўйсундирилиши керак. Мустақил ташкилотларнинг корпорацияга ташкилий-иқтисодий бирлашуви, уни ўзаро манфа-атдор ҳамкорликка айлантиради, фойдали ишчан алоқаларни мустаҳкамлайди, ривожланиш, ўзаро ёрдам ҳамда марказ ва жойларда ўзаро манфаатларни ҳимоя қилиш стратегиясини биргаликда ишлаб чиқиш имконини беради.

Албатта, мазкур вазифани тадқиқ этиш интеграция жараёнидаги манфаатнинг сифат хусусиятлари билангина чекланиб қолмайди. У, шунингдек, миқдор ўлчамларини ҳам ўз ичига олиши керак. Бундай ёндашув, бизнинг

фикримизча, интеграция жараёни давомида юзага келадиган бир қатор масалаларни ҳал этилиш даражаси, унинг амалий аҳмияти ва тартибга солиш имкониятларини кўтаришга имконият яратади.

Ўзбекистон Республикаси қайси тармоқ иқтисодий ўсишнинг локомотиви бўлиши тўғрисидаги муҳим давлат қарори қабул қилиниши керак бўлган босқичда турибди. Ҳозирги босқичнинг Ўзбекистон учун ўзига хос хусусияти шундаки, илмий-техник ривожланишнинг энг муҳим устуворликлари иқтисодиёт ва ахборот соҳасида, таълим ва соғлиқни сақлашда, табиатни муҳофаза қилиш ва бошқаларда - миллий инновация тизимларнинг барча бўғинларини мустаҳкамлаш бўйича узоқ муддатли синчковликни талаб этадиган ишлар билан янада боғланиб қолмоқда. Айнан шу унсурлар биргаликда илмий-техник ривожланишнинг яшовчан тизимини шакллантиради. Республикада илмий тадқиқот тажриба конструкторлик ишлари (ИТТКИ) соҳасининг кескин қисқариб кетиши илмий-техник тараққиёт вазифаларини бажариш истиқболларини жиддий тарзда мураккаблаштириб юбориши мумкин.

Фан-техника тараққиёти омилларининг қиёсий таҳлили жаҳон тажрибасидан ўтган ривожланиш моделларида асосий фарқ қилувчи омилларни аниқлашга имкон беради. Бу бир томондан, фан, таълим ва кўп илм талаб қилувчи тармоқларни ривожлантиришга асосланган динамик ўсишдир. Урушдан кейинги даврларда бу Япония ва Германияда, 80-йилларда Жанубий-Шарқий Осиёнинг янги индустриал мамлакатларида кузатилган. Бошқа тарафдан, мазкур даврда мақбул инновация муҳитини ярата олмаган, фан ва таълим тизимлари таназзулига олиб келган инфляция ўсиши Лотин Америкаси мамлакатлари учун хос бўлган.

Давлат сиёсати фаннинг воситавий асосини яратишда марказий аҳамиятга эга бўлиши керак. Қимматли жиҳозлар билан таъминлашни талаб этувчи дастурларни миллий устуворликка киритилиши бу соҳадаги ишларни жадаллаштиришга олиб келади, бу эса жаҳон илмий-техник интеграция (кооперацияси) жараёнида ўз ўрнини белгилаш имконини беради.

Интеграция товарлар савдосини эркинлаштиришдан бошланиб, учинчи мамлакатларга нисбатан умумий божхона тарифларини яратишни ҳам ўз ичига

олади, шунингдек, ишлаб чиқариш омилларининг давлатлараро эркин ҳаракати билан тўлдирилган ҳолда макроиқтисодий сиёсатни бир хиллаштириш ва давлатлар устидан бошқарув органларини яратиш билан тугал-ланади. Интеграция уюшмалари сонининг тез суръатларда ўсишига қарамай, уларнинг аксари қисми ташкил топишнинг бошланғич босқичларида турибди.

Жаҳон хўжалик тизимлари иқтисодий интеграциясини баҳолаш шуни кўрсатмоқдаки, интеграциянинг ривожланиши натижасида юзага келадиган ижобий самара кўп ҳолларда салбий самаралардан ошиб кетар экан:

- интеграциягача мавжуд бўлган божхона тарифлари даражаси қанчалик юқори бўлса, уларни бекор қилиниши натижасида савдони ташкил этиш самарасининг унинг оғиш самарасидан ошиб кетиш эҳтимоли юқори бўлади;

- учинчи мамлакатларга нисбатан интеграцияда иштирок этувчи мамлакатлар томонидан ўрнатилган божхона тарифлари даражаси қанчалик паст бўлса, савдо оғиш самарасининг юқори бўлиш эҳтимоли шунчалик кам бўлади;

- интеграцияда қатнашувчи мамлакатлар сони қанчалик кўп бўлса ва уларнинг кўламлари ҳам қанчалик катта бўлса, савдонинг ташкил этиш самараси юқори бўлиш эҳтимоли ҳам шунчалик катта бўлади;

- мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш даражаси қанчалик бир-бирига яқин бўлса ва улар ўртасидаги рақобат кучли бўлса, савдонинг ташкил этиш самараси эҳтимоли шунчалик юқори бўлади.

Бундай ҳолатда, мамлакатларнинг ҳар бири нисбатан кам харажат билан ишлаб чиқара оладиган товарларга ва уларни экспорт қилишга ихтисослашади. Жаҳон хўжалигида рўй бераётган интеграция жараёнларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон иқтисодиёти ра-қобатбардошлигини ўрганишнинг муҳимлигини таъкидлаб ўтиш жоиз:

- биринчидан, иқтисодий ўсишнинг мезони сифатида;

- иккинчидан, сиёсий ва ижтимоий муҳитнинг ўзгарувчанлигига қанчалик боғлиқлиги сифатида;

- учинчидан, мамлакатни иқтисодий модернизациялаш жараёнининг хусусияти ва мазмунига таъсир этувчи мустақил ўзгарувчанлиги сифатида.

Ўзбекистон иқтисодиёти рақобатбардошлик даражасининг қиёсий макроиқтисодий кўламларини тарифлашда рақобатбардошлик даражасининг қиёсий таққослаш мезони инвестиция фаоллигини рағбатлантиришни ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқилади;

- иқтисодиётни экспортга йўналтирилган ривожлантириш моделини иқтисодиётни эркинлаштиришнинг концептуал муаммолари нуқтаи назаридан тадқиқ этиш;

- ишчи кучи экспорти ва унинг иқтисодий фаол аҳоли рақобатбардошлигини ошириш нуқтаи назаридан сифат кўрсаткичларига таъсирини тадқиқ этиш;

- Ўзбекистон иқтисодиётининг, энг аввало, таркибий ва инфратузилмавий такомиллаштириш, минтақавий иқтисодий алоқаларни кучайтириш доирасидаги рақобатбардошлик даражасини ошириш бўйича муҳим йўналишларини ажратиб олиш;

- рақобатбардош ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ва рағбатлантириш тизимини, бошқарувни такомиллаштиришни, рақобатбардошликни оширувчи иқтисодиётнинг пассионар "нуқталари"нинг махсус минтақавий шаклларида фойдаланиш ва уларни ривожлантиришни ўз ичига олган миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлик механизмларини давлат томонидан тартибга солиш тадбирлари мажмуини асослаб бериш.

Бугунги кунда миллий хўжаликлар ва алоҳида иқтисодий субъектларнинг рақобатбардошлик қобилиятини шакллантириш ва қўллаб туриш замонавий глобаллашиб бораётган дунёда барча мамлакатларнинг энг муҳим вазифаси бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистонда иқтисодиётнинг рақобатбардошлик муаммоси, мамлакатнинг стратегик жиҳатларини ишлаб чиқиш учун етарли даражада аниқ англаб етилмаган. Иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ривожланган мамлакатларнинг макродаражадаги иқтисодий сиёсатининг асосий муаммоси ҳисобланади. Бунда мамлакатларнинг рақобатбардошлик мезони тизим ривожланишининг макро ва микроиқтисодий даражалари нуқтаи назаридан

шаклланади. Агар, биринчи ҳолатда, у мамлакатнинг макроиқтисодий доираси, унинг технологик ва институционал ривожланишига тааллуқли бўлса, микроиқтисодий ёндашув нуктаи назардан эса миллий компанияларнинг фаолияти ва стратегияси ҳамда миллий бизнес-муҳит сифати баҳоланади

Ҳозирги кунда Ўзбекистон жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига кириш учун жадал қадамлар ташламоқда. Интеграциялашган миллий иқтисодиётнинг ривожланиш тизимларидаги фарқлар суръатининг маъноси, унинг минтакавий уюшмалар, гуруҳларда катнашиш даражаси, ўзаро муносабатлар мезони ва ниҳоят интеграциянинг ҳар бир иштирокчисининг иқтисодий манфаатларининг тоифалар бўйича моҳиятини аниқлаш тўғрисидаги умумий саволларга бўладиган жавоб Ўзбекистонда ва бошқа минтакавий уюшган мамлакатларда рўй бераётган интеграцион ўзгаришларнинг моҳиятини тушуниш учун калит ҳисобланади.

Жаҳон ҳўжалигига муваффақиятли интеграциялашиш учун ҳар бир мамлакат, энг аввало, ўз иқтисодий қудратига, ундан кейин эса минтакавий иқтисодий муносабатларга суянади. Иштирокчи мамлакатлар билан интеграция муносабатларини ривожлантиришдаги Ўзбекистоннинг иқтисодий манфаатлари ҳозирги кунда саноатнинг етакчи тармоқлари бирлашувидан иборат бўлмоқда. Интеграцион уюшган мамлакатларнинг умумий иқтисодий маконидаги умумий такрор ишлаб чиқариш давлатларнинг миллий чегараси ичида бўлиб ўтувчи бир бутун такрор ишлаб чиқариш жараёнларининг биргаликдаги ҳаракат тизимини ифодалайди.

Ўзбекистон асосан пахта маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашганлиги учун бошқа маҳсулотларга нисбатан кўпроқ пахтага эътиборни қаратади. Чунки, Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги, об-ҳавоси ва қолаверса, бутун республика шароити пахта етиштиришга мослашган ва унга кам миқдорда меҳнат ва молиявий ресурсларни сарф қилиб, юқори ҳосил олиш технологиясига эга. Шунингдек, бошқа мамлакатлар ҳам ўзи ихтисослашган соҳага кўпроқ эътиборни қаратишсагина дунё бўйича кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилади ва халқаро савдода ҳам катта муваффақиятларга эришиш мумкин. Демак, шу йўл билан дунё аҳолисининг талабларини максимум қондириш имкониятига эришилади.

Мустақилликка эришган кунлардан бошлаб Ўзбекистон ҳукумати ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга устувор йўналиш сифатида қараб келмоқда. Чунки мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши, глобаллашуви ҳозирги пайтда биринчи навбатда халқаро иқтисодий ҳамжамиятга интеграциялашуви даражасига боғлиқ.

Ўзбекистон ҳукумати ташқи иқтисодий алоқаларни аниқ концепция асосида амалга ошириб, бу соҳадаги устувор йўналишларни белгилаш ва барча хорижий давлатлар, иқтисодий ҳамда молиявий ташкилотлар билан икки томонлама манфаатдорлик сиёсатини олиб бормоқда. Ўзбекистон маҳсулотларнинг халқаро стандартлари ва сифат белгиларини тан олади. Республикада ички маҳсулотларга штрихланган кодлар жорий этиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳукумат томонидан экспорт учун ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш борасида ишлар олиб борилмоқда. Бу ишлар жумладан:

- экспорт қилинувчи товарларга халқаро регистрларга мос келадиган сертификатларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш дастурлари асосида бу маҳсулотларни халқаро хомашё биржаларида мажбурий сертификация қилиш ва рўйхатдан ўтказиш;
- саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарларининг сифатларини халқаро стандартларга мос келадиган сертификация тизимини ривожлантириш ва бу ишга айрим ҳолларда ихтисослашган чет эл компания ва агентликларини жалб этиш орқали амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш зарурати ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи субъектларни фаоллаштириш ва қўллаб - қувватлаш мақсадида институционал инфратузилмани янада мустаҳкамлашни тақозо этмоқда. Шу мақсадда республикамизда:

- экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш ва ташқи савдо миллий марказини тузиш;

- миллий экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш, маҳсулотлар, хизматлар ва ишларни рағбатлантириш ва молиявий ҳимоялаш, узоқ, ва қисқа муддатли кредитлар бериш учун экспорт-импорт банкини тузиш;
- савдо уйлариининг чет эллардаги тижорат тармоқлари, ҳиссадорлик жамиятлари ва қўшма корхоналарини тузиш ҳамда улар томонидан илғор савдо компаниялари, маркетинг ва консалтинг фирмаларининг тажрибасини ўрганиш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, Ўрта Осиё минтақасидаги мамлакатлар интеграциясини ривожлантириш ишлари ҳам давом эттирилмоқда. Бу минтақа ўзининг табиий ва меҳнат ресурслари билан чет эл инвесторлари учун истиқболли бозор ҳисобланади. Бугунги кунда бу минтақадаги миллий қонунлар норматив ҳужжатларни яқинлаштириш, иқтисодий интеграцияни чуқурлаштиришга қаратилган шарт-шароитлар, минтақавий институтлар яратиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси МДХ билан иқтисодий алоқаларни ривожлантиради ва унинг ҳудудидаги минтақаларни ўзбек маҳсулотлари экспорт қилинадиган асосий бозорлардан бири деб қарайди.

Ўзбекистон ташқи иқтисодий сиёсатида АҚШ ва Европа билан алоқаларни янада ривожлантиришга устувор масала деб билади. Шунингдек, биз Осиё минтақасида, биринчи навбатда, Япония ва Корея Республикаси билан муносабатларни кенгайтириш тарафдоримиз. қўшни Хитой Халқ Республикаси ва Россия билан анъанавий алоқаларимиз янада кенгайиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) га аъзо бўлишни устувор йўналишлардан бири деб ҳисоблайди, чунки унга аъзо бўлиш республикамизнинг халқаро иқтисодий ҳамжамиятга интеграциялашувини янада чуқурлаштиради. 1998 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Республикаси ЖСТ котибиятига «Ташқи савдо ҳақидаги Меморандумни» таклиф этди ва ҳозир бу ҳужжат унинг иштирокчилари томонидан ўрганилмоқда.

Шунингдек, Республикамизда ЖСТ аъзолари билан икки томонлама келишувларни амалга ошириш ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятни босқичма-босқич

эркинлаштириш, жорий қонунчиликни ГАТТ, ЖСТ талабларига мослаштириш соҳасида ҳам ишлар амалга оширилмоқда.

Чет эл экспертлари томонидан баҳоланишича, Ўзбекистон Республикаси қазилма бойликлари 3,5 триллион АКШ долларига тенг ва уларни қайта ишлаш учун имкониятлар мавжуд. Ўзбекистонда чет эл сармояларини жалб этиш, кичик, ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун кенг имтиёзлар яратилган. Айниқса, чет эл сармоясини жалб этишга яратилган муҳит уларнинг эгалари учун имтиёз ва қулайликлар тизими билан ифодаланади.

Экспортга мўлжалланган ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва маҳсулотларни ташқи бозорга чиқариш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- экспорт маҳсулотларини ташқи бозорда сотиш учун кенг савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини вужудга келтириш;
- мақсадли ва чуқур маркетинг тадқиқотларини, реклама ишларини йўлга қуйиш;
- чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва корхоналарни техникавий модернизациялаш учун зарур бўлган молиявий маблағлар ажратиш;
- экспортни рағбатлантириш мақсадида молиявий консорциумлар тузиш;
- экспорт маҳсулотларини сотишни жадаллаштириш мақсадида дилерлик шохобчалари ва консигнация омборларини тузиш;
- халқаро валюта кредитлари бозорида қарор топган фоиз ставкаларига асосланиб, экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун лозим бўлган хомашё ва бутловчи импорт маҳсулотларни харид қилишга валюта кредитларини ажратиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

Экспорт ҳажмини кўпайтириш, унинг таркибини кенгайтириш ва такомиллаштириш учун қуйидаги чораларни кўриш мақсадга мувофиқдир:

- саноат корхоналарининг экспорт соҳасига қаратилган фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

- корхоналарнинг рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтиш борасидаги саъй-ҳаракатларини рағбатлантириш;
- илмталаб ва базавий саноат тармоқларини ривожлантириш учун бевосита хорижий инвестицияларни жалб қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 11 июндаги «Республика пахта тозалаш саноати бошқарувини такомиллаштириш ва монополиядан чиқариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги УП-2874 - сонли фармониға биноан Вазирлар Маҳкамаси 2001 йил 17 сентябрдаги «Пахта толаси экспортини марказлаштириш тартибини ташкил этиш ҳақида Низом»ни ишлаб чиқди. Унга биноан Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан биргаликда 2002 йил ҳосилидан бошлаб пахта толаси ишлаб чиқариш ва тола экспорти балансини тузади ва унинг «Ўзпахтасаноат» ва ТИАВ бирлашмалари ва компаниялари бўйича тақсимотини ҳисоблайди. Пахта толасини экспорт қилиш, ҳаридорлар билан битимлар тузиш ишларни ташкил этиш вазифаси ТИАВ зиммасига юклатилган. У, шунингдек, ташқи савдо компаниялари томонидан битимлар тузишни назорат қилади..

«Ўзпахтасаноат» уюшмаси ТИАВ билан тасдиқланган балансларға биноан пахта толасини ҳар бир чоракда жўнатиш графигини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун тақдим этади ва улар ҳиссадорлик бирлашмалар ва ташқи савдо компаниялари томонидан ижро этилишини назорат қилади.

Чет эл харидорлари билан битим тузишдан олдинги ишлар ва тузиш ишлари ТИАВ нинг ташқи компанияларига юклатилади, тасдиқданган пахта толаси ҳажмидаги (марказлашган ва марказлашмаган) миқдор бўйича контракт тузиш ижроси устидан назоратни ТИАВ амалға оширади.ТИАВ Ўзпахтасаноати Уюшмаси билан биргаликда пахта толасини жўнатиш юзасидан уюшманинг ҳудудий бўлимлари бўйича жўнатиш ҳақида чораклик графикларини тузади ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади.ТИАВ ва «Ўзпахтасаноат» Уюшмаси пахта толаси экспорти графигининг ижросини доимий назорат қилади.

Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги «Ўзпахтасаноат» ва ТИАВ билан биргаликда ҳар ойнинг 12 санасида пахта толаси баланси ва сотиш, жумладан,

экспорти ҳақидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади.

3&.Жаҳон пахта толаси бозоридаги динамик ўзгаришлар шароитида ўзбек пахта толасининг рақобатбардошлиги.

Жаҳоннинг жуда кўпчилик мамлакатлари иқтисодиёти учун пахтачилик катта аҳамият касб этади. Асосий пахта етиштирувчи мамлакатлар бўлиб, Хитой, АҚШ, Хиндистон, Покистон ва Ўзбекистон ҳисобланиб, улар жаҳонда ишлаб чиқариладиган пахтанинг 70 фоизини етказиб берадилар. Бу мамлакатлар ичида Хитой ва АҚШ бутун дунёда ишлаб чиқариладиган пахта толасининг 43 фоизини етиштирадилар. 2009 – 2010 йиллар мавсумининг тахминий ҳисобига Хиндистон ва Покистон ҳиссасига дунё пахта ишлаб чиқаришининг 22 ва 9 фоизи тўғри келади. 1990 – 1991 йил мавсумигача собиқ Иттифоқ дунёдаги учта асосий ишлаб чиқарувчилардан бири эди. Собиқ Иттифоқ парчаланиб кетгандан кейин, унинг асосий пахта ишлаб чиқарувчи мамлакатлар орасидаги ўрнини Ўзбекистон эгаллади. Хозирги кунда бутун дунёда ишлаб чиқариладиган пахта ҳажмининг 5 фоизи Ўзбекистонга тўғри келади. Дунёдаги бошқа йирик пахта етиштирувчи мамлакатларга Ғарбий ва Марказий Африка мамлакатлари (Бенин, Буркина – Фасо, Камерун, Марказий Африка Республикаси, Чад, Кот – д'Ивуар, Мали, Сенегат, Того), Туркия Австралия, Бразилия, Греция, Миср ва Туркменистон киритилади.

XX-асрнинг 50 йилларидан то 90-йилларгача дунё бўйича пахта ҳосили йилига ўртача 2 фоиздан ўсиб боради ва ҳар уч йилда ҳосилдорлик бўйича янги рекордлар ўрнатилиб турди. Аммо кейинги ўн йил давомида 1991-1992 йилда ўрнатилган рекорд (гектаридан 597 кг) етиб бўлмайдиган даражада бўлиб қолмоқда. Пахта етиштирувчи мамлакатлар бунда турлича ҳосилдорлик кўрсаткичларига эга бўлдилар. АҚШ ва Ўзбекистонда 1998-1999 йиллар мавсумида ҳосилдорлик экин майдонининг ҳар гектаридан 750 кг пахта толаси олишга эришилади. Покистон ва Тожикистонда бу кўрсаткич 500 кг. дан паст бўлди. Баъзи мамлакатларда эса экин майдонларининг ҳар гектаридан олинган

хосилдорлик 100 кг. га ҳам етмади. Бу мавсумда хосилдорликнинг ўртача дунё кўрсаткичи гектаридан 570 кг ни ташкил қилди. Пахтанинг хосилдорлиги турли мавсумларда табиий шароитларга боғлиқ равишда анчагина фарқ қилиши мумкин. Пахта етиштирувчи мамлакатларда хосилдорликнинг паст бўлиши дунё бўйича ишлаб чиқариш даражасини пасайтириб юборади ва жаҳон пахта бозорининг конъюктурасига катта таъсир кўрсатади.

Ҳар йили бутун дунё бўйича ишлаб чиқариладиган пахтанинг 30-35 фоизи жаҳон бозорида сотиш учун таклиф қилинади. Жами пахта экспортининг ҳажми 2009-2010 йиллар мавсумидаги ҳажми 7,5 млн. тоннани, яъни дунё бўйича етиштирилганининг 34 % ини ташкил қилди. Шундан АҚШ нинг дунё пахта экспортидаги хиссаси 35 %ни, Ўзбекистонники 11 %ни, Австралияники 6 %ни, Туркманистон (3 %) ва Греция (3%) ташкил қилади.

Жадвал 1.

Жаҳон пахта бозорида мавсумлар бўйича вазиятнинг ўзгариб туриши

Мавсумлар	Пахта толаси ишлаб чиқариш (минг тонна)	Пахта толаси истъемоли (минг тонна)	Ишлаб чиқариш ва истъемол ўртасидаги баланс (минг тонна)
2004-2005	26440	23645	+2795
2005-2006	25382	25317	+65
2006-2007	26557	26856	-299
2007-2008	25976	26917	-941
2008-2009	23450	23900	-450
2009-2010	22475	25215	-2740

Бешта асосий пахта ишлаб чиқарувчи мамлакат ҳиссасига дунё бўйича бутун пахтага бўлган эҳтиёжнинг (истъёмолнинг) 70 %и тўғри келади. Энг йирик истеъмолчи – Хитой бўлиб, у бутун дунё ҳажмининг 41 фоизини ўзлаштиради. Ундан кейинги ўринларда Хиндистон (17 %), Покистон (10%) ва Туркия (5%) турадилар. Хиндистон билан Покистон ўзлари етиштирган пахта толасининг тўлиқ ҳаммасини ички истеъмолига ишлатилади ва ҳатто баъзида ўзларининг тўқимачилик саноати эҳтиёжларини қондириш учун пахтани импорт қилиб ҳам турадилар. Ўзбекистон ўзи ишлаб чиқарган пахта толасининг катта қисмини экспортга чиқаради ва пахта экспорти бўйича дунёда АҚШ ва Ҳиндистондан кейин учинчи ўринни эгаллайди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда мамлакатда ишлаб чиқарилган пахта толасининг 75 фоизи экспорт қилинади. Пахта мамлакатнинг асосий экспорт маҳсулоти ҳисобланади ва экспортдан тушадиган маблағларнинг 30 фоизи шу маҳсулотдан келади. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон иқтисодиёти жаҳон пахта бозори конъюнктураси ўзгаришларига жуда сезгир ҳисобланади.

Пахта истеъмоли юқори бўлган бошқа мамлакатлар сифатида Италия, Туркия, Бразилия, Индонезия, Мексика, Жанубий Корея, Япония, Тайбэй (Хитой) ва Таиланд каби мамлакатларни кўрсатиш мумкин. Бу мамлакатларнинг жаҳон пахта импортидаги ҳиссаси 50 фоиздан ошади.

2011 йилнинг мартуни жаҳонда пахта нархи ўзининг тарихий рекордини ўрнатди: Нью-Ёркдаги ИСЕ Футурес биржасида май ойи шартномалари учун бир фунт (453,6 г) пахтанинг нархи 2,1047 \$ этиб белгиланди. Йил бошидан бери пахтанинг нархи 45% га ошди. Бунга асосий сабаб сифатида жаҳонда пахта захираларининг камайиб кетиши ва тошқинлар туфайли Австралия ҳамда Покистондан келадиган пахтанинг қисқариб кетишини кўрсатиш мумкин.

Жадвал 2.

Жаҳонда пахта ишлаб чиқариш (млн. тонна).

Мамлакатлар	Мавсумлар			
	1999-2000	2000-2001	2001-2002	2002-2003
Хитой	3,83	4,42	5,32	4,50
АҚШ	3,70	3,74	4,40	3,85
Ҳиндистон	2,65	2,37	2,58	2,55
Покистон	1,87	1,79	1,78	1,69
Ўзбекистон	1,13	0,96	1,04	1,0
Бошқа мамлакатлар	6,04	6,0	6,03	5,89
Ҳаммаси	19,22	19,28	21,15	19,48

Жаҳон пахта толаси бозоридаги таклиф йилига ўртача 27,8 млн., истеъмол эса 20,1 млн. тоннани ташкил этади.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг пахта толасини сотиб оладиган йирик ҳамкорлари Араб Амирликлари, Германия, Россия, Жанубий Корея, Швецария,

Буюк Британия, Туркия, Козоғистон, ва Нидерландия, қисман савдо қиладиган мамлакатлар Испания, Сурия, Португалия, Миср, Эрондир.

Бугун ўзбек пахтаси Европада етакчи ўринни эгаллайди ва бошқа пахта навлари билан муваффақиятли рақобат қилади. Пахта толасининг йирик истеъмолчилари Гарбий ва Шарқий Европа ҳамда Узоқ Шарқ бозорларида жойлашган. 1990 йилдан то 1999 йилгача ўзбек пахтасининг экспорти 238,8 минг тоннадан 795 минг тоннагача кўпайди.

Жадвал 3.

Ўзбекистонда пахта етиштириш.

	1997	1998	1999	2000	2003	2004	2005	2007	2008	2009	2010	2011
Пахта хомашёсин и етиштириш минг тонна	3641	3206	3600	3300	2803	3536	3749	3680	3401	3400	3200	3500
Пахта тола- си ишлаб чиқариш минг тонна	1124	1138	1160	930	897	976	1187	1141	1055	1054	1055	1200

Ўзбекистон жаҳон бозорига чиқадиган портларга эга эмас. Шунинг учун ташқи савдодаги йирик муаммо самарали транспорт «йўлаги»ни танлаш ва экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш ҳисобланади.

Пахта толаси темир ва автомобиль йўллари орқали жаҳон бозорига олиб чиқилади. Жумладан, Республика Болтиқ буйи портлари Венспилга, Клайпеда, Таллин, Рига ва Лиепаяга, Кавказ орти Мерсин (Туркия) портига, шунингдек, Гебел-аои портига (БАР), Эроннинг Бандар-Аббас порти, Владивосток орқали Находка портига чиқиши мумкин.

Экспорт қилинаётган пахта толасининг асосий қисмини иккита ташкилот: «Ўзвнештранс» (темир йўл) ва Ўрта Осиё транс (моторли транспорт) амалга оширади.

2-боб. Жаҳон пахта бозорининг ривожланиш йўналишлари.

1&.Жаҳон пахта толаси бозорида ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўрни.

Пахтачилик - кўпгина мамлакатлар қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи ҳисобланади. Дунёнинг 84 мамлакатада ғўза ўстирилади, жумладан, Шимолий ва Жанубий Америкада 20, Осиё ва Океанияда 28, Африкада 31, Европада 3 (бундан 20 йил олдин 9 та эди) мамлакат ҳамда Австралия пахта етиштириш билан шуғулланади.

Агар жаҳон бўйича бундан 20 йил олдин 17 миллион тонна пахта толаси етиштирилган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич қарийб 25 миллион тоннани ташкил этмоқда. Ўтган давр мобайнида АҚШда пахта толасини етиштириш 35 фоизга ошган. Хитой, Покистон, Бразилия ва Ҳиндистонда бу кўрсаткич 1,5–3 маротаба кўпайди. Ҳозирги кунда Австралия пахта толаси етиштириш бўйича пешқадамлик қилмоқда. Ушбу давлатда тола етиштириш салкам 5 баробар ошди ёки 210 минг тоннадан 980 минг тоннага кўпайди.

Кўпгина мамлакатларда, чунончи АҚШ, Покистон, Бразилия ва Австралияда пахта толаси ишлаб чиқариш ҳажми ички ҳамда ташқи шароитларга, кўпинча эса жаҳон бозоридаги эҳтиёжга қараб ўзгариб туради. Бунга аҳён-аҳёнда об-ҳаво шароити, ўсимликларнинг ёппасига касалликка чалиниши ва бошқа сабаблар таъсир этади. Пахта майдонларининг ярмидан кўпроғи лалмикор ерларда жойлашган. Лалми пахтачилик, айниқса, Ҳиндистон, Покистон, Жанубий Америка ва Африкада (Нигерия, Гана, Того ва бошқ.) ривожланган. Бироқ бундай ерларда ҳосилдорлик одатдагидан 2–3 баравар паст бўлади. Лалмикор пахтачилик АҚШда ҳам (Техас штати) учрайди. Умуман дунё бўйича ҳар йили, 20 йил олдин ҳам, бугун ҳам, 32–33 миллион гектар ерга чигит экилади.

Таъкидлаш жоизки, пахта толаси етиштиришнинг кўпайиши, фақат ҳар гектардан олинадиган ҳосил салмоғининг ошишига боғлиқ. Масалан, кейинги йилларда ҳар гектардан олинадиган ҳосил Ҳиндистон ва Покистонда 2–3, Хитой, Бразилия ва Австралияда 1–1,5 марта ошди. Бугун пахта толасини сотиш бўйича АҚШ пешқадамлик қилмоқда. Америка Қўшма Штатлари мамлакатда ишлаб чиқилган пахта толасининг 80 фоизини сотувга қўймоқда. Бу жаҳон бозорида сотиладиган толанинг 41,3 фоизи демакдир. Ҳиндистон ишлаб чиқилган пахта

толасининг 12,6 фоизини сотувга қўйиб, жаҳон бозорида тола сотиш бўйича иккинчи ўринни эгаллаб турибди. Ўзбекистон дунё бозорида сотиладиган толанинг 9,2 фоизини сотувга қўйиб 3 ўринни эгалламоқда. Бу борада Австралия (7,87%) тўртинчи, Бразилия (6,17%) бешинчи, Туркменистон (2,88) олтинчи ва Греция (1,96%) еттинчи ўринни эгалламоқда. Собиқ СССРда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган жами пахта толасининг 70 фоизи ички эҳтиёжлар учун сарфланар эди.

Агар ўтган асрнинг 90-йилларида пахта толасининг атиги 7 фоизи ўзимизда қайта ишланган бўлса, бугунги кунга келиб, бу рақам 33 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда. Шу билан бирга, 1990 йилда пахта толасининг чиқиши 30,79 фоиз бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 33,12 фоизни ташкил этди, толанинг сифати сезиларли даражада яхшиланди. Илгари толанинг салкам 81,6 фоизи 5, қолган қисми 4-типга жавоб берган бўлса, бугунги кунда эса 83,9 фоизи 4, 15,9 фоизи 5-тип талабига жавоб бермоқда.

Пахта дунёнинг турли ҳудудларида етиштирилади. Ҳозирги даврда пахта етиштириш асосан бешта мамлакатда: Хитой, АҚШ, Хиндистон, Покистон ва Ўзбекистонда амалга оширилади. Бу мамлакатлар биргаликда жаҳон пахтасининг 3/4 қисмини етиштиради. Бу мамлакатлар томонидан ишлаб чиқарилган пахта толасининг 25-30 фоизи экспортга йўналтирилади ва бу соҳада бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан устун туради.

Охирги 40 йил давомида жаҳонда пахта ишлаб чиқариш 1960 йилдаги 10 млн. тоннадан 2000 йилда 20 млн. тоннага яъни икки баробарга кўпайди.

Жаҳон пахта бозори иштирокчилари сифатида пахта толаси ишлаб чиқарувчи мамлакатлар ва мана шу пахта толасини истеъмол қилувчи мамлакатлар бозор майдонига чиқадилар. Жаҳонда асосий пахта ишлаб чиқарувчи мамлакатлар бўлиб Хитой, АҚШ, Хиндистон, Покистон ва Ўзбекистон ҳисобланиб, улар бутун жаҳон пахта ишлаб чиқаришининг 70 фоизини етказиб берадилар. Бошқа йирик ишлаб чиқарувчиларга Ғарбий ва

Марказий Африка мамлакатлари, Туркия, Австралия, Бразилия, Греция, Миср ва Туркменистон кирадилар

Жахон пахта толаси ишлаб чиқариш мамлакатлар кесимида

№	Мамлакатлар	2004\2005	2005\2006	2006\2007	2007\2008	2008\2009	2009\2010
		Минг тонна	Минг тонна	Минг тонна	Минг тонна	Минг тонна	Минг тонна
1	Хитой	6597	6183	7729	7795	8036	7115
2	Хиндистон	4137	4148	4746	5400	4917	5100
3	АҚШ	5062	5201	4700	4182	2818	2725
4	Покистон	2425	2213	2155	1938	1980	2091
5	Бразилия	1285	1023	1524	1557	1211	1317
6	Ўзбекистон	1132	1208	1165	1197	1175	1055
7	Туркия	904	773	827	675	427	427
	Бошқалар	4898	4632	3709	3233	2886	2645
	Дунё бўйича	26440	25382	26557	25976	23450	22475

Жахон пахта толаси экспорти мамлакатлар кесимида

№	Мамлакатлар	2004\2005	2005\2006	2006\2007	2007\2008	2008\2009	2009\2010
		Минг тонна	Минг тонна	Минг тонна	Минг тонна	Минг тонна	Минг тонна
1	Ақш	3143	3821	2833	3026	2925	2617
2	хиндистон	144	751	994	1568	530	1320
3	Ўзбекистон	860	1045	980	969	730	800
4	Бразилия	339	429	283	490	580	416
5	Австралия	435	628	464	250	290	413
6	Греция	255	294	272	229	210	200
7	Буркина	212	305	294	169	195	210
8	Туркменистон	82	120	152	174	115	212
9	Қозоғистон	136	192	189	169	115	120
	Бошқалар	1877	2016	1521	1327	960	1232

	Дунё бўйича	7619	9705	8091	8479	6650	7540
--	-------------	------	------	------	------	------	------

Жаҳон пахта толаси истеъмоли мамлакатлар кесимида

№	Мамлакатлар	2004\2005	2005\2006	2006\2007	2007\2008	2008\2009	2009\2010
		Минг тонна	Минг тонна	Минг тонна	Минг тонна	Минг тонна	Минг тонна
1	Хитой	8382	9798	10886	11376	9625	10315
2	Хиндистон	3222	3636	3941	4006	3930	4180
3	Покистон	2286	2504	2722	2678	2410	2410
4	Туркия	1546	1502	1589	1350	1100	1187
5	Бразилия	925	958	980	980	907	1000
6	АҚШ	1457	1278	1074	1002	800	710
7	Бангладеш	408	479	540	599	670	890
8	Индонезия	468	474	474	484	427	430
9	Тайланд	457	446	425	425	300	379
10	Мексика	457	457	457	435	410	420
11	Ўзбекистон	288	174	196	218	250	275
	Бошқалар	3747	3611	3572	3364	3071	3019
	Дуне бўйича	23645	25317	26856	26917	23900	25215

Жаҳон пахта бозорида асосий пахта толаси экспорт қилувчи мамлакатларга АҚШ (бутун дунё экспортининг 34 фоизи), Ўзбекистон (11%), Австралия (6%), Хитой (5%), Туркманистон (3%) ва Греция (3%) киради.

Жаҳон пахта бозори конъюнктурасига пахта толасининг истеъмолчиси бўлган мамлакатларнинг ҳаракати жуда катта таъсир кўрсатади. Дунёдаги энг йирик пахта истеъмолчиси Хитойдир, у жаҳонда ишлаб чиқарилган пахта толасининг 41 фоизини ўзлаштиради. Ундан кейинги йирик истеъмолчилар Ҳиндистон (17%), Покистон (10%) ва Туркия (5%) ҳисобланадилар.

Жаҳон бозорига чиқарилган пахта толасини истеъмол қилувчи мамлакатларга Италия, Туркия, Бразилия, Инданезия, Мексика, Жанубий Корея,

Япония, Тайбэй (Хитой), Тайланд кабилар кириб, улар дуне пахта истеъмолининг 50 фоизини импорт қиладилар.

Кейинги 150 йил ичида пахтачилик Ўзбекистоннинг нафақат қишлоқ хўжалигининг (қишлоқ хўжалик маҳсулотлари хажмининг 40 %и пахтага тўғри келади) балки бутун иқтисодиётнинг етакчи тармоғига айланган. Ўзбекистонда 1970 – 1980 йилларда (пахта монополиясининг энг юқори даражага чиққан даври) ҳар йили 5 млн. тоннадан ошиқ пахта хом ашёси етиштирилди. Аммо, 1980 йилларга келиб ҳосилдорликнинг пасайиши бошланди, уни ҳатто катта миқдорда гербицидларни қўллаш билан ҳам тўхтатиб бўлмади. Лекин, бу ер юзининг бошқа минтақаларида ҳам кузатилган эди. Масалан, мана шу йилларда АҚШнинг айрим ҳудудларида умуман пахта етиштиришдан воз кечишга тўғри келди, чунки гербицидларга ва зараркурандалар билан курашга сарф қилинган харажатлар пахтачиликни норентабел (фойдасиз) қилиб қўйди. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин мамлакатнинг озиқ – овқат мустақиллигини таъминлаш мақсадида донли экинларнинг ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг майдонларини кенгайтириш учун пахта майдонларини кенгайтириш учун пахта майдонларининг ўрни бўшатиб берилла бошланди.

Ўзбекистонда 2011 йилнинг пахта ҳосилини йиғиштириб олиш мавсумида 3,5 млн. тонна пахта хом ашёси етиштирилди ва 1,2 млн. тоннадан ошиқ пахта толаси олинди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда етиштирилган пахта ҳосилининг ўндан бир қисмигина мамлакат ичида истеъмол қилинади, қолгани валюта маблағларининг асосий манбаи сифатида экспорт қилинади. Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини оширишнинг давлат дустурига мувофиқ мамлакат ичида пахтани қайта ишлайдиган ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳисобига экспортда пахта толасининг ҳиссасини камайтириш кўзда тутилган.

Пахтачилик соҳасидаги сиёсат Ўзбекистонда пахта ишлаб чиқариш ва экспорт қилишнинг доимий хажмини сақлаб қолиш, ўзбек пахтасини минтақа бозорида ҳам сотишнинг барқарор шароитларини сақлаб қолишга йўналтирилган.

Бу соҳадаги асосий мақсадларга: - мамлакат тўқимачилик саноатида истеъмол қилинадиган тола ҳиссасини ошириш, дунё миқёсида пахта истеъмолини рағбатлантириш, янги технологияларни ривожлантириш ва пахта ишлаб чиқариш таннархини пасайтириш, толанинг сифатий ва техник хусусиятларини яхшилаш кабилар киради.

2002 йилдан бошлаб Ўзбекистонда етиштирилган пахтанинг ҳаммаси халқаро стандартлар бўйича сертификацияланади. Агар, илгари совет давридан амал қилиб келаётган ГОСТ 3279-76 бўйича пахтанинг олтита сорти ажратилган, толанинг узунлиги эса миллиметрларда ифодаланган бўлса, ҳозирги кунда Ўзбекистонда пахта сифатининг 5 нави ва 5 синфини ажритиладиган тизим қўлланилади. Унга асос қилиб «Биринчи Ўрта» нави олинган, унинг нархидан келиб чиқиб пахтанинг бошқа навларининг нархини белгилайдиган чегирмалар ва қўшимчалар белгиланади. Пахтанинг шартнома нархлари Cotlook A индексининг Марказий Осиё қисми бўйича шаклланади.

Марказий Осиёдаги биринчи пахта тозалаш заводи Тошкент шаҳрида 1881 йилда қирилган эди. 1990 йилга келиб ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида 83 та шундай завод ва 250 та майда пахта тозалаш хунармандчилик корхоналари ишлаб турарди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон пахта тозалаш саноати таркибида 100 га яқин пахта тозалаш заводи, пахта тозалаш пунктлари ва қурилиш – тозалаш цехлари, тажриба механика заводи ва хўжалик ҳисобидаги корхона бор. Энг йирик – йилига 100 минг тонна пахта тозалаш қувватига эга бўлган заводлар Ёғдивон, Бухоро, Зирабулоқ, Наманган, Жума шаҳарларида жойлашган. Тармоқнинг умумий ишлаб чиқариш салоҳияти 6 млн. тонна пахта хом ашёсини қайта ишлаш, хом ашёни қабул қилиш ва сақлаш, ҳамда тайёр маҳсулотни жўнатиш имконини беради. Бу корхоналар пахта толасидан ташқари енгил саноат, тиббиёт, кимё ва бошқа саноат тармоқлари учун хом ашё бўлган – линт ишлаб чиқарадилар, ҳамда экиш учун уруғлик тайёрлаш билан ҳам шуғулланадилар.

Пахта тозалаш саноатини монополиядан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг мустақиллигини ошириш,

инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш мақсадида 2001 йилда тармоқни тубдан таркибий қайта қуриш ишлари амалга оширила бошланди. Ўзбекистон Теспубликаси Президенти 2001 йил 11 июндаги «Республика пахта тозалаш саноатини бошқаришни монополиядан чиқариш ва такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги фармони унинг асосий йўналишларини кўрсатиб беради.

Бу фармонга мувофиқ, пахта хом – ашёсини қайта ишлаш ва пахта маҳсулотини сотиб бўйича шуғулланадиган «Ўзгосхлоппромобыт» давлат акционерлик ассоциацияси, «Ўзпахтасаноат» ассоциациясига айлантирилди. Виложларда ва Қорақалпоғистон Республикасида пахта хом – ашёсини харид қилиш, қайта ишлаш ва пахта маҳсулотларини етказиб бериш бўйича ҳудудий давлат – акционерлик бирлашмалари тарқатилиб юборилди. «Ўзпахтасаноат»нинг ҳудудий акционерлик бирлашмалари ташкил қилиниб, уларнинг устав фондига пахта тозалаш корхоналарининг акциялари назорат пакети ўтказилди.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларида унинг пахтасини жаҳон бозорига олиб чиқиш асосан Болтиқ бўйи портларидан амалга оширилган бўлса, ҳозирги кунда жанубий йўналишдаги ташилмалар кўпроқ бўлиб бормоқда. «Ўзташқитранс» давлат акционерлик компаниясининг маълумотларига қараганда, охириги икки йилда ўзбек пахтасини чет мамлакатларга олиб чиқишда асосий юк тушуриш – юклаш пункти бўлиб Эрон бандаргоҳи – Бендер Аббос бўлиб қолди. Эрон портларига чиқиш Турманистон орқали амалга оширилади. Бу йўл 1996 йил Тажан – Сарахс – Машхад темир йўлининг очилиши билан ишга тушди. Бу маршрут орқали пахта толаси Бендер – Аббос порти орқали Жанубий – Шарқий мамлакатларига экспорт қилинади. Эрон ҳукумати транзит юklarини ташишнинг иккинчи порт – Усмон қўлтиғидаги Чачбахор – Бендер – Аббос маршрутидаги Бафк – Машхад темир қисмининг қурилиши ўзбек пахтасининг жаҳон бозорига чиқиш йўлини 1000 км.га камайтиради. Ҳозирги кунда Туркманистондаги Сарахс станциясида ҳар йили 1 млн. тоннага яқин юк қайта ишланади. Қўшимча инфратузилмаларни ишга тушириш орқали унинг ўтказиб юбориш имкониятини 5 марта ошириш мумкин бўлади.

2001 йилда «Ўзбекистон темир йўллари» ва «Эрон Республикасининг темир йўллари» компаниялари ўзбек экспортюкларини Бендер – Аббос портигача ташишнинг махсус тезюар контейнер поездини шакллантириш бўйича ишларни бошлаб юбордилар. Бу поезднинг маршрути Сирдарё вилоятининг оқ олтин станциясидан бошланиб Туркменистон – Эрон чегарасида жойлашган Сарахс станциясини босиб ўтиб, кейин Бендер – Аббосгача давом этади.

Бу лойиха ўзбек экспорт юкларини, биринчи навбатда пахта толаси ва пахта газлама маҳсулотларини етказиб олиб бориш муддатини қисқартиришни, ҳамда контейнерлар ва вагонлар паркидан самарали фойдаланишни, транзит юкларни ташиш хажмини оширишни кўзда тутди.

Ҳисоб – китобларга кўра, узунлиги 3,4 минг км атрофида бўлган бу маршрут бўйича поездлар ҳаракати 8-12 соатга қисқариб, тахминан 84 саотни ташкил қиладиган бўлади.

Пахта толасини оддий юк вагонларида ташиш Туркман – Эрон темир йўллари туташадиган Сарахс станциясида юкни бошқа вагонга кўчиришини ёки вагонларнинг ғилдирак жуфтларини алмаштиришни талаб қиладди, чунки бу темир йўллар изи бир – биридан кейинги билан фарқ қиладди. Бу ушбу хизматлар ҳақини тўлаш арурлигидан юк ташишнинг таннарини ошириб юборадива вақт жихатдан ҳам йўқотишга олиб келади. Юкларни контейнерларда ташиш бу муаммони ечишга ёрдам беради.

Ҳозирги пайтда Эронда инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда, уларнинг тугатилиши эса, мутахассисларнинг фикрига қараганда ўзбек юкларини океан соҳилларига олиб чиқишни 1000 км.га қисқартиради. Афғонистон худуди орқали яғни транспорт тармоғи ҳам пайдо бўлиши мумкин. Эрон Ислом Республикаси Президенти Саид Аҳмад Хотамийнинг 2002 йил 26 апрелда Ўзбекистонга қилган расмий визити давомида икки мамлакат ўртасидатранспорт коммуникациялари соҳасида, шу жумладан юкларни Афғонистон худуди орқали Термиз – Мозори – Шариф – Хирот маршрути орқали Эронга ўтказиш бўйича ҳамкорликни кенгайтиришга катта

эътибор берилди. Афғонистон президенти Хамид Карзай ҳам бу транспорт тармоғини яратишни фаол қўллаб қувватлаётганлиги айтиб ўтилди.

Ўзбекистон ўз маҳсулотларини жаҳон бозорига чиқариб келган, олдинги анъанавий шимолий маршрутлардан, узоқ шарқ йўналишини истисно қилганда, қисқартирилган тартибда фойдаланиб келинмоқда. Россия, Қозоғистон, Болтиқбўйи мамлакатларининг ўз ҳудудлари ва портларида транзит тарифлари ва тўловларини камайтиришга қаратилган ҳаракатларга қарамасдан, бу анъанавий йўллардан пахтани четга ташиб чиқариш қисқариши аниқдир. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, бугунги кунда ўзбек пахтасининг асосий истеъмолчилари бўлиб Жанубий – Шарқий Осиё ва Осиё тинч океани минтақаси мамлакатлари ҳисобланади. Бу мамлакатлар тўқимачилик саноатини жадал ривожлантираётган экан, пахта толаси эҳтиёжи кучайиб бораверади.

Ғарбий Транскавказ йўлаги ўзбек пахтасининг қора денгиз Грузия портларига Ботуми ва Пот ива ундан Европага чиқариш имкониятини беради. Грузия портларидан фойдаланиш пахта толасини экспорт қилиш орқали ўзбек пахтасининг истеъмолчилари бўлган Ғарбий Европа мамлакатларига – Италия, Франция, Испания, Португалия ҳамда Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларига Грузия портларидан паром орқали Болгария, Руминия портларигача, кейин эса Дунай – Рейн дарёлар тизимининг ички сув йўллари орқали етказиб бериш имкониятини беради. Бу йўлларнинг харажати жуда юқоридир: пахта толасининг 40 фунтлик окнтейнерини қора денгиздан паром орқали ўтказиш 800 доллар атрофида туради, шу контейнерни денгиз фрахт орқали Потидан Антверпенгача олиб бориш ўртача 950 долларга тушади. Транскавказ йўлагининг янада ривожланишига Бухоро, олмати терминаллари, Туркманбоши портларига юклаш – тушириш транспорт жихозларини ўрнатиш охирги амалий қадам бўлди. Бу жихозлардан фойдаланиш юкларни қайта ишлаш ва катта юк ташийдиган контейнерларда ташиш ТРАСЕКА маршрутининг юк ўтказиш қобилиятини оширади ва фрахт қийматини пасайтириш имконини беради.

Пахта толасини ташишнинг шарқдаги муқобил варианти: Ўзбекистон – Қирғизистон – Хитой йўлидир. Бу ерда Андижон (Ўзбекистон), Ош (Қирғизистон) ва Қашқар (Хитой) шаҳарлари ўртасида янги темир йўл тармоғи қурилиши керак. Бу лойиҳа 2010 йилда тугатилиши керак, шундан кейин шарқий йўлакнинг юк ўтказиш қобилияти, ички юк ташишларни ҳисобга олмаганда, 12 – 14 млн. тонна юкни ташкил қилиши керак. Бу шаҳарлар ўртасида автомобиль йўллари қуриш ва Андижон Қашқар авто йўлини (940 км) таъмирлаш тўғрисида уч томонлама келишувга имзо чекилган. Хитой томони эса Ланжоу – Урумчи йўл тармоғини қутишни ривожлантирмоқда, бу эса Сарик денгиз қирғоғида жойлашган Ляньюньчань портига чиқиш имконини беради. Шарқий транспорт йўлагини шакллантириш бўйича ишлар беш йилдан бери давом қилиб келмоқда. Бу йўл пахта толасини Ўзбекистондан Жанубий – Шарқий Осиёга, Хитой, Япония ва Жанубий Кореяга етказиш имкониятини беради.

2&.Жаҳон пахта толаси бозоридаги конъюнктура ўзгаришлари.

Пахта бўйича ҳалқаро маслаҳат қўмитаси маълумотларига қараганда 2009 – 2010 йиллар мавсумида пахта савдоси анча жонланди ва 5,07 млн. тоннага етди. Осиё мамлакатлари иқтисодиётининг қайта тикланиши туфайли АҚШнинг пахта экспорти кўпайди ва 1,5 млн тоннага етди(1998 – 1999 йилларда 915 минг тонна бўлганди). 1999 – 2000 йиллар якунига кўра, собиқ Иттифоқ мамлакатларининг экспорти олдинги йилга нисбатан 6 %га кам бўлиб, 1,26 млн. тонна пахта ташкил қилди. Экспортнинг қисқариши тўқимачилик саноати ички истеъмолнинг ўсиши сабаби бўлди. Австралияда пахта ишлаб чиқаришнинг пасайганига қарамасдан, экспорт олдинги даражада сақланиб қолди ва 650 минг тоннага тенг бўлди. Хитой экспорти 1998 – 1999 йилларда 161 минг тоннани ташкил қилган бўлса, келаси йили пахта тармоғининг эркинлаштирилиши давом этаётганлиги туфайли 310 минг тоннагача етди. 2000 – 2001 йил мавсумида жаҳон пахта савдоси ҳажмининг

ошиши кузатилади. Пахта бўйича ҳалқаро маслаҳат қўмитаси башоратига кўра, жаҳонда пахта экспорти 6,193 млн тоннага етади. Бу 1999 – 2000 йилларнинг шундай кўрсаткичидан деярли 4 %га юқоридир. Экспортнинг ошиб боришининг энг юқори кўрсаткичи АҚШда кузатилади: 1999 – 2000 йиллардаги 1,4 млн тоннадан 2000 – 2001 йиллар мавсумида 1,75 млн. тоннагача етади.

Пахта бўйича ҳалқаро маслаҳат қўмитаси жорий йилда «Cotlook A» индексининг ҳам ўртача ҳар фунтига 64 цент ошишини (олдинги мавсумда 52,80 цент эди) башорат қилади. Бунда пахтанинг жаҳон истъемоли 19,91 млн. тоннагача ошди ва ишлаб чиқариш эса олдинги мавсум даражасига нисбатан (18,95 млн. тонна) пасаяди. 2001 – 2002 йиллар мавсумида пахта толаси ишлаб чиқаришнинг камайиши ва «Cotlook A» индекси 74 центгача ошиши кузатилади. Пахта бўйича ҳалқаро маслаҳат қўмитаси ўз башоратини Ҳалқаро Валюта Фондининг чамасига кўра асослаб, жаҳон ялпи ички маҳсулоти жорий йилда 4,7 фоизга ва кейинги йилларда 4,2 фоизга ошади (1999 йилдаги 3,4 фоизга қарамай) деб ҳисоблайди. Лекин, заҳираларнинг юқори даражаси мавжудлиги туфайли талаб ва таклиф ўртасидаги унча катта бўлмаган фарқ жаҳон нархларига таъсир кўрсатмайди. Шунинг учун ҳам, яқин йилларда, пахтанинг жаҳон нархлари заҳираларнинг ва ишлаб чиқаришнинг юқори даражасига боғлиқ бўлади.

Асосий пахта ишлаб чиқарувчи мамлакатларда пахтачилик тармоғи ёки давлат томонидан субсидияланадиган ёки солиққа тортиш орқали даромадларнинг ишлаб чиқарувчиларнинг давлат фойдасига қайта тақсимланиши амалга ошириладиган мамлакатларда ислохатлага ёндашув ҳам турличадир. Европа иттифоқида ўзининг пахта етиштирувчилари бўлган Греция ва Испанияда ишлаб чиқарувчиларнинг анчагина субсидия ажратса ҳам, пахтачилик соҳасини рағбатлантириш камайтирилмоқда. Лекин бу лимитдан ташқари етиштирилган пахта учун таоллуқдир ва Европа иттифоқининг кенгаши томонидан қўллаб қувватланиши керак бўлади. АҚШ ҳукумати пахтачиликнинг қўллаб қувватлаш дастурига ўзгартиришлар киритди, лекин хали ҳам уларни имтиёзли кредитлаш ва ички нархлар билан жаҳон нархлари ўртасидаги фарқнинг ўрнини қоплаш аҳамиятини қўллаб келмоқда. 1999 йилнинг сентябрида Хитой пахтачилик

соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ўз режасини эълон қилди ва ишлаб чиқариш ҳажмини камайтиришга, ҳамда тармоқнинг самарадорлигини оширишни қарор қилди. Бу ерда пахта биржаси ташкил қилинди. Пахтани ички сотиб олиш нархлари камайтирилди ва захиралар анчагина камайди. Хитой раҳбарияти томонидан кўрилатган тадбирлар шундан далолат берадики, яқин келажакда Хитойнинг пахта тармоғи ҳам ички ҳам ташқи рақобатга дучор бўлади. Ғарбий ва Марказий Африка мамлакатларида пахтачилик соҳасини ислоҳ қилиш масалалари энди кўриб чиқилмоқда, лекин яқин йиллар ичида ижобий натижалар бериши мумкин.

Тўқимачилик маҳсулотлари бўйича келишув доирасида 2005 йилга бориб, импорт квоталари олиб ташланади ва бу тўқимачилик ишлаб чиқаришининг жойлашишидаги номутаносиблик тугатилади, лекин унинг ҳамма афзалликлари моддийлашуви қийиндир. Бир неча йиллар давомида Европа иттифоқининг айрим мамлакатлари Осиё мамлакатларидан келтириладиган импорт маҳсулотларига демпингга қарши квоталар ўрнатишга ҳаракат қилдилар. Европа иттифоқи мамлакатларида бу масалага ёндашувда ҳамфикрлик бўлмагани учун муваффақиятлик бўлмади.

Пахта ҳосилдорлигининг дунё бўйича ўртача йиллик ўсиши 80 – йиллар давомида ўртача 3,4 фоизни ташкил қилди. Бундай ўсиш натижасида 90 – йилларда пахтанинг ҳосилдорлиги гектаридан 570 кг даражасида сақланиб қолди. Яқин йиллар ичида пахта ишлаб чиқариш ҳажмида кескин ўзгариш юз бермайди, чунки дунёда бу экинни етиштириш учун ирригация амалга ошириладиган ўзлаштирилмаган ер майдонлари қолмади. Лекин генетик жиҳатдан ўзгартирилган пахтадан фойдаланиш натижасида ҳосилдорликни ошириши, ишлаб чиқариш харажатлар камайтириши ва пахтачилик тармоғининг даромадлилиги ошириши мумкин. Ҳозирги даврда АҚШ да генетик ўзгартирилган пахта Билан бу экинга ажратилган ер майдонларининг 55 фоизи банд қилинган. Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, истеъмолчилар генетик жиҳатдан ўзгартирилган пахтадан кенг фойдаланишга қаршилик кўрсатадилар. Шунинг учун ривожланаётган

мамлакатлар пайдо бўлган имкониятдан фойдаланиб органик пахта деб номланадиган экинни етиштириб, пахта ва бозорида ўз ўрнини эгаллаши мумкин.

Жаҳон пахта бозоридаги талабга иккита омил: толанинг жами истеъмолига синтетик толаларнинг хиссаси ва умумжаҳон даромад даражаси ошиши каби омиллар кучли таъсир кўрсатади.

Кейинги ўн йилликларда синтетик тола туфайли пахтанинг рақабатбардошлиги кучли талофатга учради. 1950 йиллар давомида тола бозорининг 70 фоизи пахта хиссасига тўғри келган бўлса, кейинги йилларда бу кўрсаткич 47 фоизга тушиб қолди. Бу давр мобайнида умумий тола истеъмоли 3 баробар ошди: 1960 йили 20 млн. тоннадан 1996 йилда 64 млн. тоннагача кўпайди. Лекин пахта истеъмоли бор йўғи 90 фоизга, яъни 10 млн. тоннадан 19 млн. тоннагача кўпайди. Кейинги йилларда айрим ривожланган мамлакатлар толанинг умумий истеъмолида пахтанинг хиссасини оширишда қаратилган кенг миқёсли маркетинг дастурларини амалга ошира бошладилар. Биринчи натижалар яхши умидларни пайдо қилади, лекин ривожланаётган мамлакатлар томонидан пахта толасидан фойданишнинг оширишга ҳаракат бўлмайдди.

Шу билан биргаликда жаҳон даромади даражасини оширишнинг башорат натижаларига умид қилса бўлади. Жаҳон банкининг маълумотларига қараганда, жаҳон даромадининг ўсиши 2000 йилда 3,5 фоизни, 2001 йилда 3,1 фоизни, 2002-2008 йиллар давомида 3,2 фоизни ташкил қилади. Бу эса 1981-1998 йиллар давомида 2,8 фоиздан анча яхшидир. Даромадлар эластиклиги 0,4 фоизни ташкил қилганда жаҳон пахта истеъмолининг ўсиши ўн йиллар давомида 1,3 фоизга тенг бўлиши мумкин. Шундай қилиб, жаҳон пахта истеъмоли 2005 йилга бориб 500 минг тоннага кўпайиши мумкин, бу эса Ўзбекистонда етиштирилган пахта толасини ярмини ташкил қилади.

Ўтган асрнинг 80 – йилларида СССРда йилига пахта толаси ишлаб чиқариш ўртача 2,6 млн. тоннани ташкил қиларди. Энг юқори ҳосил эса 1985 йилда 2,8 млн. тоннага етган. Пахта экиладиган ерлар 1990 йилда 3,2 млн. гектарни ташкил қилиб, унинг ярмидан кўпи Ўзбекистонга тўғри келарди.

Пахта толасининг истеъмоли собиқ Иттифокда 1,7 – 2 млн. тонна атрофида эди, бу эса етиштирилган пахта толасининг 70 – 80 фоизини ташкил қиларди. Қолган қисми, яъни 650 мингдан то 931 тоннагача пахта толаси хорижга экспорт қилинарди.

Ҳозирги кунда МДХ да бта мамлакатдагина пахта толаси ишлаб чиқилади: булар, ва Ўзбекистондир (жадвал 2.2.1). Пахта етиштиришда Россия ва Украинада ҳам ҳаракат қилинаёпти, лекин яқин ўн йилликларда ката ҳажмда ишлаб чиқариш имкониятлари кузатилмайди. МДХ мамлакатлари ичида энг йирик пахта етиштирувчи мамлакат Ўзбекистон бўлиб, унга б ухом – ашёни етиштиришнинг 65 фоизи тўғри келади. Пахта толасининг энг йирик истеъмолчиси эса Россиядир.

СССР парчаланиб кетгандан кейин унинг худудида пахта ишлаб чиқариш ҳам, пахта истеъмоли ҳам кескин қисқариб кетди. Пахта етиштиришнинг нисбати анчагина қисқариши Ўзбекистондан фарқли равишда Озарбайжон, Тожикистон, Туркменистонда юз берди. Масалан, агар Ўзбекистонда 1980 йилларда йиллик ўртача пахта толаси етиштириш 1,6 млн. тонна даражасида бўлган бўлса, 1994 – 2001 йиллар даврида у 0,96 – 1,2 млн. тоннани ташкил қилди. Туркменистонда эса бу кўрсаткич 0,4 млн. тоннадан 0,1 – 0,2 тоннагача камайди. Пахта экиладиган майдонларнинг қсқариши ва ялпи ҳосилдорлигининг пасайиши туфайли пахта толаси ишлаб чиқариш 1991 йилдан 2000 йилгача 40 фоиздан кўпга қисқарди.

Нима учун бундай ҳол юз берди? Асосий сабаблардан бири, МДХ мамлакатларида илгари пахта билан банд бўлган майдонларнинг бир қисми бошқа қшлоқ хўжалик экинлари етиштириш учун фойдаланиладиган бўлди. Яна бир муҳим сабаблардан бири экологиядир: Кўпгина пахта етиштирадиган МДХ мамлакатларида, бу экин экиладиган майдонлар пестицидлар ва гербицидларни ҳаддан ортиқ фойдаланиши натижасида қаттиқ зарар кўрди (айниқса, Оролбўйи минтақаларида).

Пахтани қайта ишлашнинг, айнқса Россияда кескин қисқариб кетиши ҳам пахта етиштиришга салбий таъсир кўрсатди. Ҳозирги даврда МДХ мамлакатларида пахта толасига бўлган йиллик эҳтиёж 0,5 млн. тоннадан салгина

ошиқдир, бу эса собиқ СССР даражасининг 25 %ини ташкил қилади. Давлат томонидан тартибга солишнинг баъзи бир чоралари, шу жумладан солиқлар, бож тарифлари ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Турманистон. Мамлакатда 2000 – 2001 йиллар мавсумида 200 минг тонна пахта толаси етиштирилди, 1993 йилда эса 430 минг тонна етиштирилганди. Бундай пасайиш асосан ҳосилдорликнинг кескин камайишидан (аниқроғи, қўшиб ёзишдан воз кечишдан) юз берди, чунки пахта экиладиган майдонлар қисқаргани йўқ. 2001 йилда Туркманистонда 770 минг гектар ер майдони пахта билан банд қилинди. Тахмин қилишича, 2002 – 2003 йиллар мавсумида мамлакатда 190 минг тонна пахта толаси етиштирилади.

Тожикистон. Мамлакатда 1990 йилдан 1999 йилларгача давом қилган фуқаролар урушига қрамасдан пахта маҳсулотининг сифати нисбатан юқори даражада сақланиб қолди. Пахта ишлаб чиқариш 1992 йилдан 2000 йилгача 40 фоизгача қисқарди ва 2000 – 2001 йилга келиб 105 минг тонна атрофида бўлди. 2005 йилга бориб бу кўрсаткичнинг 15 фоизга ошиши кутилмоқда.

Жадвал 2.2.1.

МДҲ мамлакатларида пахта толаси ишлаб чиқариши кўрсаткичлари.

Мамлакатлар	1999 – 2000		2000 – 2001		2001 – 2002	
	Экиладиган майдони минг га	Ишлаб чиқариш минг тонна	Экиладиган майдони минг га	Ишлаб чиқариш минг тонна	Экиладиган майдони минг га	Ишлаб чиқариш минг тонна
Озарбайжон	91	31	100	28	100	28
Қозоғистон	119	79	149	80	149	85
Қирғизистон	31	26	31	24	31	24
Туркманистон	560	218	575	200	575	200
Тожикистон	254	95	242	105	190	82

Ўзбекистон	1500	1150	1425	960	1500	1040
МДХ бўйича ҳаммаси	2555	1599	2522	1397	2545	1459

Озарбайжон. 1991 – 1992 йиллар мавсумидан бошлаб мамлакатда пахта толаси ишлаб чиқариш ҳажми қисқариб бора бошлади. 1993 йилда Озарбайжонда пахтачиликнинг самарадорлиги 37 фоизга пасайиб кетди, лекин кейинги йилларда мамлакатда вазият анча яхшиланди. 2000 – 2001 йилда Озарбайжонда 28 минг тонна пахта толаси ишлаб чиқарилди.

Қирғизистон. Бу 1991 йилдан пахта толаси ишлаб чиқариш кўпайган МДХдаги ягона мамлакатдир. Жорий мавсумда ишлаб чиқариш 24 минг тоннани ташкил қилиши керак. Лекин, шунга қарамай, Қирғизистоннинг МДХ мамлакатларидаги умумий пахта ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси 1 – 2 %и экспорт қилинади, қолгани мамлакат ичида истеъмол учун ишлатилади.

Россия. 1980 йилларнинг охирида Россиянинг тўқимачилик саноати ўзининг энг юқори қуввати билан ишлаган пайтда, мамлакатнинг ип йигирув фабрикалари йилига 1,3 млн. тонна пахта толасини қайта ишларди. Совет Иттифоқи парчаланиб кетгандан кейин Россия тўқимачилик саноати унинг маҳсулотларига ички истеъмол талабининг пасайиши, кўшни МДХ мамлакатларига экспорт имкониятларидан қисқариши, Жануби – Шарқий Осиё мамлакатларидан тўқимачилик маҳсулотларини импорт қилишнинг кўпайиши, ип йигирув ишлаб чиқаришнинг юқори сарф харажатлари, ҳамда давлат томонидан юқори солиқлар ва тариф сиёсати қўлланилиши натижасида тубдан зарар кўрди. Натижада 1990 йилларда Россия пахта толасини қайта ишлашнинг йиллик ҳажми беш баробарига камайиб кетди, ва йилига ўртача 200 минг тоннадан ошмади.

Россияга пахта толаси етказиб берувчи асосий мамлакат ҳали ҳам Ўзбекистон ҳисобланади. 2000 йилда бу мамлакатдан 371,8 млн. АҚШ доллар қийматида 286 минг тонна пахта толаси импорт қилинади.

Россиянинг тўқимачилик фабрикалар 1995 йилдан бошлаб пахтани нафақат Марказий Осиёдаги МДХ мамлакатларидан, балки бошқа мамлакатлардан ҳам сотиб олмоқда. Жумладан, 1996 йилда Америка ҳукуматининг экспортини кредитлаш GSM – 102 дастурига мувофиқ берилган 9,8 млн. долларлик кредит асосида АҚШдан 15 минг тонна атрофида пахта толаси олинди.

Россия худудида пахта етиштиришга биринчи уринишлар XVII асрда подшо Алексей Михайлович фармонида мувофиқ олиб борилган эди. Ўшанда тажриба экинлари 300та географик нуқталарда етиштирилди, ва бу ерлардан бир десятинадан бир пуддан 10 центнергача пахта олинди.

XX асрнинг бошларида Астрахан вилоятининг катта қисмига пахта экилади. Бу ишларни биринчи жаҳон уруши тўхтатиб қўяди, ва тажрибалар фақат 1920 йилларда қайта давом еттирилади. 1930 йилларда Россиянинг жанубида ва Украинада ўз пахта мажмуаси пайдо бўлган эди ва йилига 240 – 250 минг тонна пахта хом – ашёси (80 минг тонна пахта толаси) етиштирилар эди. 1930 йилда Буденновск шаҳрида Пахтачилик институти ташкил қилинди, унинг тажриба станциялари ва майдонлари Краснодар ва Ставрополь ўлкаларида, Доғистонда, Ростов ва Астрахань вилоятларида мавжуд эди. Улуғ ватан уруши йилларида тўхтатилган бу ишлар 1949 йилда ҳукуматнинг «Россиянинг жанубий худудларида пахтачиликни ривожлантириш тўғрисида» деган қарори чиққандан кейин давом эттирилди.

Россияда мамлакатнинг ҳосилдорлиги ҳеч қачон юқори бўлмаган – гектаридан 3 центнердан 10 центнергача бўларди (энг юқори кўрсакич 18 цент/га 1850 йилларнинг бошида эришилган эди). Шунинг учун ҳам хатто энг юқори ҳосилдорликка эришилган йилларда ҳам Россия пахтачилиги мамлакат тўқимачилик фабрикаларининг хом ашёга бўлган эҳтиёжинингн ўндан бирини ҳам қондираолмас эди.

1953 йилда СССРда қишлоқ хўжалигини ихтисослаштириш йўналишига ўтилгандан кейин Пахтачилик институти тугатилди ва 1955 йилдан бошлаб РСФСРда пахта етиштириш бутунлай тўхтатилди. Фақат Буденновскдаги Прикума тажриба селекция станцияси ишини давом қилдириб турди. Албатта, қишлоқ хўжалигини ихтисослаштиришга ўтилиши тактик жihatдан жуда катта самара берди – пахтанинг ҳосилдорлиги 1980 йилда Ўзбекистонда 29,4 центнерга етказилди. Лекин, бу оқибатда Ўзбекистонни жуда катта экологикҳалокатга ва СССР парчалангандан кейин Россияни пахта импортига тўлиқ қарам қилиб қўйди.

Россия худудида пахтачиликни қайта тиклаш 1992 йилда бошланди. Ташаббускор олимлар томонидан «Рус пахтаси» очик акционерлик жамияти ташкил қилинди, ва 1995 йилда 33 гектар ер майдонидан биринчи ҳосил олинди, ҳамда пахта толасини буденновск ишлаб чиқариш бирлашмасига ва Москва пахта толаси трейдерларига етказиб берилди. Маҳсулотнинг харидорлар учун янгилиги ва кичик ҳажмдаги партияларда бўлгани учун пахта толасининг одатда бозор қийматидан паст баҳода тоннаси учун 50 доллардан сотилади. Олинган даромадлар бутунлай ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ва селекция ишларига йўналтирилади.

Россия Федерациясининг Иқтисодиёт вазирлиги 2000 йилда «Пахта газлама саноатини 2000 – 2005 йилларда таркибий қайта қуриш ва ривожлантириш концепцияси»ни тасдиқлади. Унинг асосида «Россия пахтаси» федерал дастурининг лойихаси ишлаб чиқилди. Бу Астрахань вилоятидан ташқари, Краснодар ва Ставрополь ўлкалари, Қалмиқистон ва ростов вилоятини ҳам қамраб олган.

Бу дастур тўлиқ ҳажмда амалга оширилиши мумкинми? Пахта етиштириш катта миқдорда бирламчи капитал қўйилмаларини талаб қилади, ҳозирча эса, «Рус пахтаси»дан ташқари, Астрахан вилоятида бор – йўғи иккита хўжалик пахта етиштириш билан шуғулланади. Бошқа хўжалик пахта тозалаш машиналари у ёқда турсин, оддий жихозлар сотиб олишга ҳам имкониятлари йўқ.

3&.Жаҳон пахта толаси бозорида Ўзбекистоннинг аҳамиятини оширишда Тошкент пахта ярмаркасининг ўрни.

Яқинда мустақиллигининг 20 йиллигини нишонлаган мамлакатимизда Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислохотларнинг юксак самаралари бутун дунёда эътироф этилмоқда. Ўзбекистон иқтисодиётни бозор муносабатлари асосида қайта ташкил этиш, ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини юксалтиришда, ижтимоий соҳада, аҳоли турмуш даражаси ҳамда ҳаёт сифатини оширишда улкан муваффақиятларга эришмоқда. Дунёнинг кўплаб давлатларида ишлаб чиқариш тармоқларида глобал молиявий-иқтисодий инқироз сабабли ишлаб чиқариш суръати пасайиши давом этаётган бир пайтда Ўзбекистонда – жаҳонда энг юқори кўрсаткичлардан бири – ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ва юқори ўсиш суръатлари, макроиқтисодий мувозанат таъминланмоқда, барча жабҳалар, жумладан, пахта етиштириш, тола ишлаб чиқариш, уни қайта ишлаш ҳамда тўқимачилик маҳсулотларини тайёрлаш билан боғлиқ соҳалар жадал ривожланмоқда.

Тошкентда Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасининг анъанавий тарзда ўтказилиши мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислохотлар, шу жумладан пахтачилик соҳасидаги туб ўзгаришларнинг натижасидир. Ярмарка биринчи марта 2005 йилда Президент Ислон Каримов ташаббуси билан ташкил этилиб, мамлакатимизда пахтани ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш борасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда янги босқични бошлаб берган эди. Ўтган йиллар мобайнида унда иштирок этаётган хорижий ишбилармон доиралар вакиллариининг сони муттасил ортиб бораётгани Ўзбекистоннинг жаҳон пахта бозоридаги нуфузи янада ошаётганлигининг яққол далилидир.

Масалан, 2005 йилда ташкил этилган биринчи ярмаркада 30 мамлакатдан трейдер ва тўқимачилик компанияларининг 170 нафардан ортиқ вакили қатнашган бўлса, 2006 йилда 250, 2007 йили 450 нафардан ортиқ киши иштирок этди. 2008 йил 34 давлатдан 300 дан зиёд компания ва пахта бизнеси соҳасида фаолият кўрсатаётган 450 нафардан зиёд вакил, 2009 йилда қарийб 500 компания иштирок этди. 2010 йил эса ушбу анжуманга 34 давлатдан 300 дан зиёд компания ва Ўзбекистоннинг пахта бизнеси соҳасида фаолият кўрсатаётган 500 дан ортиқ хорижий ҳамкорлари ташриф буюрди. Айни вақтда, дунёнинг янги-янги минтақаларини қамраган ҳолда, Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасининг жўғрофияси тобора кенгайиб бормоқда. Пахта бизнеси бўйича Ўзбекистоннинг ҳамкорлари орасида сўнгги йилларда тўқимачилик саноати жадал равишда ривожланаётган Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари компаниялари кўпчиликни ташкил этмоқда. Ушбу мамлакатлар билан савдо-сотиқ кўрсаткичлари, ярмаркада тузилган шартномалар сони ҳам йилдан йилга кўпаймоқда, толанинг таклиф этилаётган жами ҳажми қолдиқсиз харид қилинмоқда. Буларнинг барчаси ўзбек пахтасига бўлган талаб юқорилиги ва у тобора ортиб бораётганидан далолат беради. Ҳар йили ўтказиладиган ушбу ярмарка эса жаҳон пахта бизнеси соҳасидаги муҳим воқеа мақомига эга бўлди. Икки кун давом этадиган ва анъанавий тус олган бу галги ярмарка давомида унинг иштирокчилари мамлакатимизда пахта саноатини ривожлантириш стратегияси билан батафсил танишиш, ўзбек толасини етказиб бериш бўйича шартномалар тузиш имконига эга бўладилар. Ярмаркада, шунингдек, Ўзбекистоннинг жадал ривожланиб бораётган пахта саноати салоҳияти ва амалий ҳамкорлик кўламини кенгайтириш имкониятларини ўрганишдан манфаатдор хорижий ҳамда халқаро бизнес тузилмаларининг обрўли экспертлари ҳам қатнашмоқда, жумладан, Беларус, Вьетнам, Ҳиндистон, эрон, Малайзия, Покистон, Туркия, Украина ва Франция каби мамлакатлардан 250 дан ортиқ вакил ташриф буюрди. Шуниси эътиборлики, бу борада мамлакатимиз корхоналари билан ҳамкорлик қилиш истагини билдираётган фирма ва компаниялар орасида Жануби-Шарқий Осиё компаниялари кўпчиликни ташкил қилади. Ушбу минтақа жаҳон тўқимачилик саноатининг марказига айланиб

бормоқда. Таъкидламоқ лозимки, ўтган йиллари пахта ҳосилининг ярмаркага қўйилган қисмлари тўла сотилди. Бу ўзбек пахтасига жаҳон бозорида талаб катталиги ва унинг таклиф этилаётган ҳажми ҳар доим тўла харид қилинаётганини тасдиқлайди. Ўзбекистон дунёда пахта экспорти бўйича учинчи ўринни эгаллаб келмоқда. Тошкентда ўтказилаётган ушбу халқаро тадбирлар эса ўзбек пахтасининг жаҳон бозорига янада жадал кириб бориши ва келажакда барқарор иқтисодий алоқалар ўрнатилиши учун самарали восита бўлиб хизмат қилади.

Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида ҳар қандай маҳсулот аввало рақобатбардош бўлиши керак. Сўнгги йилларда мамлакатимизда етиштирилаётган пахта толаси ҳам тоифаси, ҳам микронейри бўйича энг сифатли деб эътироф этилаётгани ва шу боис, айниқса, юксак қадрланиши – Президентимиз Ислом Каримовнинг пахтачиликни ривожлантиришга оид фармон ва қарорлари ижросининг амалдаги самараларидандир. Давлатимиз раҳбарининг бу соҳадаги сиёсати барқарор ишлаб чиқариш ҳажмларини сақлаш ва пахтамининг халқаро савдоси учун рақобат муҳитини яратишга асосланган.

Истиқлол йилларида пахтани етиштириш ва қайта ишлашга ёндашув тубдан ўзгарди. Олимларимиз янги навларни яратишда, биринчи навбатда, халқаро бозор талабларини ҳисобга олмоқда. Мамлакатимизда асосан тезпишар, тола чиқиши 40 фоизгача бўлган навлар яратилган. Ўтган йиллар мобайнида мавжуд пахта тозалаш ва уни қайта ишлаш корхоналари модернизация қилинди. Бу эса тола чиқиши ва сифатини ошириш имконини бермоқда. Толани синашнинг дунёдаги энг илғор услуби ХВИ-тест ҳисобига уни сертификатлаш механизми халқаро стандартлар даражасига етказилди. эндиликда истеъмолчиларга маҳсулотни жўнатиш ҳудудий пахта терминаллари орқали амалга оширилмоқда. Изчиллик билан амалга оширилаётган бундай чора-тадбирлар мамлакатимизнинг экспорт бозори географияси янада кенгайишига хизмат қилмоқда. Бугун Ўзбекистон пахта толаси Хитой, Россия, эрон, Бангладеш, Покистон, Корея Республикаси, Вьетнам сингари кўплаб мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Жануби-Шарқий Осиёда

жадал ривожланаётган тўқимачилик саноатининг ўзбек пахтасига эҳтиёжи мунтазам ошиб бормоқда. Мазкур минтақадан ярмаркада катнашаётган трейдерлар сонининг ошаётгани ҳам буни тасдиқлайди.

Халқаро экспертлар фикрича, анъанавий ярмаркани ўтказиш учун йилнинг энг қулай, яъни пахта толаси бозорида савдо фаоллашган пайти танланган. Унда бевосита иштирок этиш хорижлик ишбилармонларга Ўзбекистонлик ҳамкорлар билан тўғридан-тўғри алоқаларни кенг йўлга қўйиш ва янада мустаҳкамлаш имконини беради. Бундай ҳамкорлик эса юксак самаралар бериши табиий. Ярмаркада 600 минг тоннадан ортиқ Ўзбекистон пахта толасини сотиб олиш бўйича шартномалар имзоланди. Бундан ташқари, мамлакатимиз тўқимачилик корхоналарининг маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича қиймати 550 миллион АҚШ долларида зиёд ҳажмдаги шартномалар тузилди. Ярмарка ниҳоясига етган бўлса-да, шартномалар тузиш ишлари давом этмоқда. Негаки, Ўзбекистонда етиштирилган пахта ва ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотларига жаҳон бозорида талаб катта. Ярмарка хорижий иштирокчиларининг таъкидлашича, Ўзбекистон барча харидорлар учун тенг имкониятлар яратиши билан пахта толасини экспорт қилувчи бошқа давлатлардан ажралиб туради. Контрактация ҳажми, етказиб бериш шартлари бўйича ҳеч қандай чекловлар йўқ. Мамлакатимиздаги ташқи савдо компаниялари сотишнинг замонавий ва самарали услубларини қўллаган ҳолда фаол маркетинг стратегиясини амалга оширмоқда, толани кафолатли, бир маромда ва барқарор етказиб беришни таъминламоқда. Ярмаркада Ўзбекистон енгил саноати корхоналарининг кенг турдаги маҳсулотлари, жумладан, йигирилган ип, полотно, матолар, тайёр тикувчилик трикотаж ҳамда шойи буюмлар намоиш этилди.

Пахта мамлакатимиз учун анъанавий қишлоқ хўжалиги экини бўлиб, Ўзбекистон жаҳондаги пахта толаси ишлаб чиқарувчи ва экспорт қилувчи йирик давлатлардандир. Толанинг сифат ва техник кўрсаткичларини мунтазам ошириш билан бир каторда, уни барқарор ишлаб чиқариш ҳажмини таъминлаш масалаларига доимий эътибор қаратилмоқда. Пахтачилик ва тўқимачилик

саноатини ривожлантириш учун энг замонавий технологиялар жорий этилмоқда. Ушбу соҳада пахта толасини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сотиш ва ундан халқаро стандартларга мос маҳсулотлар тайёрлашга доир кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Соҳада бозор муносабатларини жорий этиш, фермерлик ҳаракатини жадал ривожлантириш, замонавий қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини шакллантириш пахта ҳосилдорлиги ва сифатини, тола ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имконини бермоқда.

Толани тайёрлаш ва қайта ишлашни ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш унинг сифатини янада оширишга хизмат қилмоқда. Халқаро стандартлар асосида уни сертификатлашнинг илғор тизими жорий этилди. Пахтани сотиш бўйича барча турдаги хизматларни кўрсатиш, бир пайтнинг ўзида 400 минг тоннадан зиёд толани сақлаш ва жўнатишни таъминлайдиган ҳудудий терминаллар тармоғини ўз ичига олган замонавий инфратузилма ташкил қилинди. Ўзбек толасини истеъмолчиларга етказиб бериш йўналишларини янада диверсификация қилиш ва оптималлаштириш мақсадида янги транспорт йўлакларини ишлаб чиқиш давом этмоқда. Юртимизда етиштирилган пахта толасини темир йўл орқали қатор давлатларга транспортировка қилиш учун чегирмалар тақдим этиш тўғрисида келишувларга эришилди.

Мамлакатимизда қулай инвестиция муҳити яратилган. Ўзбекистон барқарор хомашё базаси, энергия ресурслари, юқори малакали кадрларга эга. Буларнинг барчаси хорижлик шериклар билан ҳамкорликда юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотларни барқарор ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий тўқимачилик комплексларини барпо этиш ва фойдаланишга топшириш имконини бермоқда. Сўнгги беш йилда мамлакатимизда тайёрланаётган тўқимачилик маҳсулотлари ҳажми 2,6, уларни экспорт қилиш 2 баравар ошди. Бугунги кунда Ўзбекистон корхоналарида ўзимизда етиштирилган пахта толасининг учдан бир қисмидан кўпроғи қайта ишланмоқда. Яқин йилларда етиштирилган пахтанинг учдан икки қисмини мамлакатимизда қайта ишлаш режалаштирилмоқда. Умумий қиймати 1,7 миллиард АҚШ доллари бўлган янги

55 инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Янги корхоналарни пахта этиштириладиган ва тола ишлаб чиқариладиган ҳудудларга яқинроқ жойда барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сурхондарё вилоятидаги “Сурхонтекс” қўшма корхонаси шулар жумласидандир. Бу ерда йилига энг юқори сифатли 120 минг тонна пахта толаси ишлаб чиқарилади. Корхонада ўрнатилган Германия ва Швейцариянинг замонавий ускуналари йилига 4,2 минг тоннагача рақобатбардош йигирилган ип тайёрлаш имконини бермоқда.

Бугун Ўзбекистон тўқимачилик маҳсулотлари европа, Осиё, Шимолий ва Жанубий Американинг қирқдан ортиқ мамлакатларига экспорт қилинмоқда. “Ўзбекенгилсаноат” давлат аксиядорлик компанияси ҳузурида замонавий либослар моделларини яратиш учун дизайн-марказ ташкил этилган. Ярмарка давомида ушбу марказ томонидан ташкил қилинган модалар намойиши ҳам бўлиб ўтди.

ВИИ Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси давлатимиз раҳбари Ислон Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий сиёсат, иқтисодий салоҳиятимизни янада мустаҳкамлаш, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга қаратилган кенг кўламли ислохотлар юксак самаралар бераётганининг яна бир намойиши бўлди. Жаҳон пахта ва тўқимачилик соҳасидаги муҳим воқеалардан бири бўлган ушбу ярмарканинг ҳар йили ўтказилиши дунёнинг турли минтақаларидаги ушбу соҳа вакилларига жаҳон бозорини ривожлантириш истиқболларини муҳокама этиш, янги ҳамкорлар топиш, Ўзбекистон билан ишончли, узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш учун мустаҳкам асос яратишда муҳим омил бўлмоқда.

Жорий йилда Ўзбекистон Республикасида этиштирилаётган пахта толасига булган талабнинг 400 минг тоннага ошиши кутилмоқда. Пахтанинг ички қайта ишланиши, унинг экспорт қилишни пасайишига олиб келади. МВЕСИТ хабарига кўра, Ўзбекистон Республикасида 2010-2011 йиллар ҳосилдан 1,1 млн. тонна тола кутилмоқда.

«Ўзбекенгилсаноат» маълумотларига кўра текстил маҳсулотларининг экспорт килиниши 2010 йилда 600 млн. доллардан ошган бўлса, 2015 йилда 2 млрд. долларга этиши кутилмоқда.

Ушбу кунларда Ўзбекистон Республикасида енгил саноат ва текстил маҳсулотларини ишлаб чиқарилишининг 2010 - 2015 йиллар учун дастури ишлаб чиқилган. Бу дастур ўз ичига қиймати 1,6 млрд доллар бўлган 100 дан ортиқ проектларни олади. Бу проектлар пахта толаси умумий ҳажмининг 80% қайта ишланиши кўзда тутилган бўлиб, мамлакатнинг экспорт қувватини уч баробар ошишига сабаб бўлади.

Мамлакатимизда ҳар йили ўтказиладиган жаҳон миқёсидаги йирик иқтисодий форумлардан бири – Президентимиз Ислон Абдуғаниевич Каримов ташаббуси билан ташкил этилган “Пахта ва тўқимачилик: бозорнинг янги истиқболлари” ВИИ Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси бўлиб ўтди.

Бу йилги, еттинчи ярмаркага дунёнинг турли минтақаларидаги 38 давлатдан пахта ва тўқимачилик соҳасида фаолият кўрсатаётган 330 компаниянинг 660 нафардан ошиқ вакиллари ташриф буюрдилар.

Бу ерда жорий мавсумда мамлакатимиз пахта заводлари томонидан ишлаб чиқарилган пахта навлари толасининг 800 дан ортиқ намунаси қўйилган. Сотувга қўйилган ҳар бир той пахта “Сифат” Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази томонидан берилган сертификатга эга. Бундан ташқари, Ярмарканинг дастлабки кунда ўзбек пахта толасининг истеъмолчи мамлакатлари делегациялари билан музокаралар бўлиб ўтди. Мамлакатимиз тола ишлаб чиқарувчилари ва ташқи савдо компаниялари вакиллари ҳам иштирок этган ушбу тадбирларда нафақат бу йилги, балки келаси йилларда етиштириладиган ҳосилни ўз ичига олган харидлар ҳажми муҳокама этилди. Ярмарка қатнашчилари Тошкент вилоятидаги Янгийўл пахтани қайта ишлаш заводи, “Тошкент-тола” пахта терминали, “Ўзтекс” қўшма корхонасига ташриф буюриб, иқтисодиёт соҳасидаги, шу жумладан, замонавий пахта бизнеси инфратузилмасини ташкил этиш бўйича Ўзбекистонда эришилаётган ютуқлар билан бевосита танишадилар.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепсияси демократик бозор ислохотлари ва иқтисодиётни эркинлаштиришнинг янги босқичини бошлаб берди. 20 йил давомида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти харид қобилияти паритети бўйича 3,5 баравар, саноат маҳсулотлари ҳажми 3 баравар, экспорт ҳажми қарийб 30 бараварга ошди. Ўзбекистон бугун жаҳон пахта бозоридаги етакчи мамлакатлардан бўлиб, пахтани экспорт қилиш бўйича учинчи ўринда туради.

3-БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН БОЗОРИДАГИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ.

1&.Ташқи иқтисодий фаолиятда пахта толаси экспорт салоҳиятини ошириш йўллари

Мустақилликка эришилган кунлардан бошлаб Ўзбекистон ҳукумати ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга устувор йўналиш сифатида қараб келмоқда. Чунки мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши, глобаллашуви ҳозирги пайтда биринчи навбатда халқаро иқтисодий ҳамжамиятга интеграциялашуви даражасига боғлиқ.

Ўзбекистон ҳукумати ташқи иқтисодий алоқаларни аниқ концепция асосида амалга ошириб, бу соҳадаги устувор йўналишларни белгилаш ва барча хорижий давлатлар, иқтисодий ҳамда молиявий ташкилотлар билан икки томонлама манфаатдорлик сиёсатини олиб бормоқда. Ўзбекистон маҳсулотларнинг халқаро стандартлари ва сифат белгиларини тан олади. Республикада ички маҳсулотларга штрихланган кодлар жорий этиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳукумат томонидан экспорт учун ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш борасида ишлар олиб борилмоқда. Бу ишлар жумладан:

- экспорт қилинувчи товарларга халқаро регистрларга мос келадиган сертификатларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш дастурлари асосида бу маҳсулотларни халқаро хом ашё биря^аларида мажбурий сертификация қилиш ва рўйхатдан ўтказиш;

- саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарларининг сифатларини халқаро стандартларга мос келадиган сертификация тизимини ивожлантириш ва бу ишга айрим ҳолларда ихтисослашган чет эл компания ва агентликларини жалб этиш орқали амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш зарурати ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи субъектларни фаоллаштириш ва

қўллаб - қувватлаш мақсадида институционал инфратузилмани янада мустаҳкамлашни тақозо этмоқда. Шу мақсадда республикаимизда:

- экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш ва ташқи савдо миллий марказини тузиш;
- миллий экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш, маҳсулотлар, хизматлар ва ишларни рағбатлантириш ва молиявий ҳимоялаш, узоқ ва қисқа муддатли кредитлар бериш учун экспорт-импорт банкини тузиш;
- савдо уйлариининг чет эллардаги тижорат тармоқлари, ҳиссадорлик жамиятлари ва қўшма корхоналарини тузиш ҳамда улар томонидан илғор савдо компаниялари, маркетинг ва консалтинг фирмаларининг тажрибасини ўрганиш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, Урта Осиё минтақасидаги мамлакатлар интеграциясини ривожлантириш ишлари ҳам давом эттирилмоқда. Бу минтақа ўзининг табиий ва иш ресурслари билан чет эл инвесторлари учун истиқболли бозор ҳисобланади. Бугунги кунда бу минтақадаги миллий қонунлар, норматив ҳужжатларни яқинлаштириш, иқтисодий интеграцияни чуқурлаштиришга қаратилган шарт-шароитлар, минтақавий институтлар яратиш ишлари жадал олиб борилмоқца. Ўзбекистон Республикаси МДҲ билан иқтисодий алоқаларни ривожлантиради ва унинг ҳудудидаги минтақаларни ўзбек маҳсулотлари экспорт қилинадиган асосий бозорлардан бири деб қарайди.

Ўзбекистон ташқи иқтисодий сиёсатида АҚШ ва Европа билан алоқаларни янада ривожлантиришга устувор масала деб билади. Шунингдек, биз Осиё минтақасида, биринчи навбатда, Япония ва Корея Республикаси билан муносабатларни кенгайтириш тарафдоримиз. Қўшни Хитой Халқ Республикаси ва Россия билан анъанавий алоқаларимиз янада кенгайиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) га аъзо бўлишни устувор йўналишлардан бири деб ҳисоблайди, чунки унга аъзо бўлиш республикаимизнинг халқаро иқтисодий ҳамжамиятга интеграциялашувини янада чуқурлаштиради. 1998 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Республикаси ЖСТ

котибиятига «Ташқи савдо ҳақидаги Меморандумни» таклиф этди ва ҳозир бу ҳужжат унинг иштирокчилари томонидан ўрганилмоқда.

Шунингдек, республикамызда ЖСТ аъзолари билан икки томонлама келишувларни амалга ошириш ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятни босқичма-босқич эркинлаштириш, жорий қонунчиликни ГАТТ, ЖСТ талабларига мослаштириш соҳасида ҳам ишлар амалга оширилмоқда.

Чет эл экспертлари томонидан баҳоланишича, Ўзбекистон Республикаси қазилма бойликлари триллион АҚШ долларига тенг ва уларни ишлаш учун кафолатланган қайтим бор. Ўзбекистонда чет эл сармояларини жалб этиш, кичик, ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун кенг имтиёзлар яратилган. Айниқса, чет эл сармоясини жалб этишга қаратилган муҳит уларнинг эгалари учун имтиёз ва қулайликлар тизими билан ифодаланади.

Экспортга мўлжалланган ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва маҳсулотларни ташқи бозорга чиқариш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- экспорт маҳсулотларини ташқи бозорда сотиш учун кенг савдо ва хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини вужудга келтириш;
- мақсадли ва чуқур маркетинг тадқиқотларини, реклама ишларини йўлга қуйиш;
- чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва корхоналарни техникавий модернизациялаш учун зарур бўлган молиявий маблағлар ажратиш;
- экспортни рағбатлантириш мақсадида молиявий консорциумлар тузиш;
- экспорт маҳсулотларини сотишни жадаллаштириш мақсадида дилерлик шаҳобчалари ва консигнация омборларини тузиш;
- халқаро валюта кредитлари бозорида қарор топган фоиз ставкаларига асосланиб, экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун лозим бўлган хом ашё ва бутловчи импорт маҳсулотларни харид қилишга валюта кредитларини ажратиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

Экспорт ҳажмини кўпайтириш, унинг таркибини кенгайтириш ва такомиллаштириш учун қуйидаги чораларни кўриш мақсадга мувофиқдир:

- саноат корхоналарининг экспорт соҳасига қаратилган фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;
- корхоналарнинг рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтиш борасидаги саъй-ҳаракатларини рағбатлантириш;
- илмталаб ва базавий саноат тармоқларини ривожлантириш учун бевосита хорижий инвестицияларни жалб қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 11 июндаги «Республика пахта тозалаш саноати бошқарувини такомиллаштириш ва монополиядан чиқариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги УП-2874-сонли фармонида биноан Вазирлар Маҳкамаси 2001 йил 17 сентябрда «Пахта толаси экспортини марказлаштириш тартибини ташкил этиш ҳақида Низом» ишлаб чиқди. Унга биноан Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва Ташқи иқтисодий алоқалар инвестиция ва савдо вазирлиги билан биргаликда 2006 йил ҳосилидан бошлаб пахта толаси ишлаб чиқариш ва тола экспорти балансини тузади ва унинг «Ўзпахтасаноат» ва ТИАИ ва СВ бирлашмалари ва компаниялари бўйича тақсимотини ҳисоблайди. Пахта толасини экспорт қилиш, харидорлар билан битимлар тузиш олдидан амалга ошириладиган ишларни ташкил этиш вазифаси ТИАИ ва СВ зиммасига юклатилган. У, шунингдек, ташқи савдо компаниялари томонидан битимлар тузилишини назорат қилади.

«Ўзпахтасаноат» уюшмаси, Ташқи иқтисодий алоқа, инвестициялар ва савдо вазирликлари (ТИА,ИСВ) билан тасдиқланган балансларга биноан пахта толасини ҳар бир чоракда жўнатиш графигини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун тақдим этади ва улар ҳиссадорлик бирлашмалари ва ташқи савдо компаниялари томонидан ижро этилишини назорат қилади.

Чет эл харидорлари билан битим тузишдан олдинги ишлар ва тузиш ишлари ТИА,ИСВ нинг ташқи компшяларига юклатилади, тасдиқданган пахта толаси ҳажмидаги (марказлашган ва марказлашмаган) миқдор бўйича контракт тузиш ижроси устидан назоратни ТИА,ИСВ амалга оширади.

ТИА, ИСВ «Ўзпахтасаноати» уюшмаси билан биргаликда пахта толасини жўнатиш юзасидан уюшманинг ҳудудий бўлимлари бўйича жўнатиш ҳақида

чораклик графикларини тузади ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига такдим этади.

ТИАИСВ ва «Узпахтасаноат» уюшмаси пахта толаси экспорти графигининг ижросини доимий назорат қилади.

Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги «Узпахтасаноат» ва ТИАИСВ билан биргаликда ҳар ойнинг 12 санасида пахта толаси баланси ва сотиш, жумладан, экспорти ҳақидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига такдим этади.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг пахта толасини сотиб оладиган йирик ҳамкорлари Араб Амирликлари, Германия, Россия, Жанубий Корея, Швейцария, Буюк Британия, Туркия, Қозоғистон ва Нидерландия, қисман савдо қиладиган мамлакатлар Испания, Сурия, Португалия, Миср, Эрондир.

Бундан ташқари ўзбек пахтаси Европада етакчи ўринни эгаллайди ва бошқа пахта навлари билан муваффақиятли рақобат қилади. Пахта толасининг йирик истеъмолчилари Ғарбий ва Шарқий Европа ҳамда Узоқ Шарқ бозорларида жойлашган.

Анъанавий Европа бозорларидан (Италия, Германия ва Франция) ташқари янги бозорлар Осиё минтақасида ҳам очилди. Жумладан, 250 минг тонна пахта толаси Тайвань, Индонезия, Таиланд, Хитой, Корея, Япония ва Гонконгга экспорт қилинмоқда. Кейинги йилларда Бразилия ва Туркия мамлакатларига ҳам пахта экспорт қилинмоқда. Жаҳон бозорида ўзбек пахтаси «Урта осие толаси» деб классификация қилинади, унинг узунлиги 1-3/32 . Бу эса қуйидагича ўқилади: ўртача тола узунлиги (тола) биринчи класс, «ўрта» сифатли. Толамиз нархи «А» индексига тегишли параметрларнинг кундалик квотасига қараб белгиланади ва «Коттон Аутлук» компанияси томонидан нашр қилинади. Квоталар бир фунтга тўланадиган АҚШ центларида ифодаланади. Ўзбекистон жаҳон бозорига чиқадиган портларга эга эмас. Шунинг учун ташқи савдодаги йирик муаммо самарали транспорт «йўлаги»ни танлаш ва экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш ҳисобланади.

Пахта толаси темир ва автомобиль йўллари орқали жаҳон бозорига олиб чиқилади. Жумладан, Республика Болтиқ буйи портлари Венспилга, Клайпеда, Таллин, Рига ва Лиепаяга, Кавказ орти Мерсин (Туркия) портига, шунингдек, Гебел-аои портига (БАР), Эроннинг Бандар-Аббас порти, Владивосток орқали Находка портига чиқиши мумкин (12-давжал).

Узбекистон бир неча халқаро пахта ташкилотлари, жумладан, Пахта бўйича Халқаро маслаҳат қўмитаси, Ливерпул, Гвинея пахта уюшмаларининг тўла ҳуқуқли аъзосидир. Пахта бўйича Халқаро маслаҳат қўмитасининг Тошкентда бўлиб ўтган 55-Пленумида Узбекистон пахтасининг жаҳонда пахта ҳажми кўпайишидаги етакчилик роли таъкидлаб ўтилди.

Олдин таъкидлаганимиздек, Узбекистон пахтаси бугун Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига қарашли <<Узмарказимпекс>>, «Инновация» ва «Узпромашимпекс» савдо компаниялари орқали экспорт қилинмоқда. Бу компаниялар ахборот айирбошлаш асосида халқаро етакчи компаниялар билан биргаликда ишлайдилар. Улар қаторига Дуновант, Гленкор, Пол Рейнхард, Мередис Жоун, Луис Драфурс, Ралли Бразерс, Штахел ва бошқалар киради. Кейинги йилларда экспорт қилинаётган пахта толасининг нархи «Коттон Аутлук» квоталари ёрдамида ўрнатилмоқда.

12-жадвал

Узбекистоннинг Жаҳон бозорига чиқиш бўйича мукрбил йўлак(коридор)лари

Йўналиш гурт	Транспорт тури	Транзит мамлакатлар	Бозорлар
Ригапорти Латвия	Темирйул	Қозоғистон, Россия, Латвия	Болтиқбуйи мамлакатлари, Шимолий Европа, Жанубий ва Шимолий Америка
Ильичевск порти Украина	Темирйул	Қозоғистон, Россия, Украина	Жаъг^бий Европа, Узоқ Шарқ Жанубий ва Шимолий Америка

Сашст-Петурбург Россия	Темирйул	Қозоғистон, Россия	Болтиқбуйи мамлакатлари, Шимолий Европа, Жанубий ва Шимолий Америка
Брестом. Белоруссия	Темирйул	Қозоғистон, Россия	Шарқий ва Ғарбий Европа
Дружба	Темирйул	Қозоғистон	Хитой, Жанубий Шарқий Осиё
Петровск— Забайкальск Россия	Темир йул	Қозоғистон, Россия	Хитой, Жанубий Шарқий Осиё ва Япония
Находка порти Россия	Темирйул	Қозоғистон, Россия	Хитой, Жанубий Шарқий Осиё, Япония, Шимолий ва Жанубий Америка
Поти порти Грузия	Темир йул, паром, автотранзит	Туркменистон, Озборбайжон, Грузия	Жанубий Европа, Узоқ Шарқ, Жшг^бий ва Шимолий Америка
Мерсин Бандар- Аббас портлари Эрон	Автомобиль	Т^ркменистон, Эронёки Афғонистон, Эрон	Узоқ Шарқ, (Х^индистон ва Покистонга ҳам), Жанубий Америка
МерсинБандар- АббасЭрон	Темирйул	Туркменистон, Эронёки Афғонистон, Эрон	Узоқ Шарқ, Хиндистон, Покистон, Жанубий Америка

Экспорт қилинаётган пахта толасининг асосий қисмини иккита ташкилот: «Узвнештранс» (темир йўл) ва Урта Осиё транс (моторли транспорт) амалга оширади.

Пахта толаси экспортининг иктисодий самарадорлиги даражаси кўп жиҳатдан жаҳон бозоридаги конъюнктура вазияти ва нархлар даражаси билан белгиланади. Шу сабабли бозор жараёнининг ривожланиш тенденция ва қонуниятлари тахлили алоҳида аҳамиятга эга.

Бозор муаммолари, бозор вазиятини белгиловчи омиллар ҳар доим бир хил эмас. Улар ўзаро боғлиқликда намоён бўладиган комплекс тусга эга.

Бозорнинг сифими, рақобатчиларнинг бозордаги аҳволи ва уларнинг умумий сотиш ҳажмидаги улуши, айти шу муддатдаги талаб ва таклифнинг нисбати,

бундай нисбат сабабларига яқин келишувда товарга бўлган талабнинг ўзгариши тенденциялари энг муҳим омил ҳисобланади.

Пахта маркетинги мажмуасида қуйидаги тузилмалар мавжуд:

- бозорнинг потенциал имкониятлари, яъни пахта толасига бозор талаби;
- миқозларни жалб қилиш мезонлари ва моделлари (биржалар, харид марказлари);
- бозорни сегментларга бўлиш;
- пахта толаси нархлари даражалари;
- нарх сиёсатидаги омиллар (чегирмалар, устамалар);
- қонунлар, меъёрлар, битимлар ва махсус регламентлар. Рақобатчилар кураши.

Бизнинг бевосита рақибларимиз: АҚШ. Хитой, Покистон. Потенциал рақиблар: Австралия, Миср, Жазоир. Билвосита рақиблар (сунъий толаларни ишлаб чиқарувчилар).

Асосий рақибларнинг баҳоланиши: бозор квоталари, бозордаги позициялар, устунлик ва камчиликлар.

Жаҳон пахта бозоридаги рақибларнинг ҳолатини таҳлил этайлик.

АҚШ дунёдаги йирик пахта ишлаб чиқарувчилардан биридир. У географик ҳудудий жойлашиши, иқлим шароити ҳамда тупроқ унумдорлиги қулайлиги билан ажралиб туради. АҚШ да йилига ўртача 5 млн. 200 минг гектар ерга пахта экилиб, гектаридан 700 — 800 кг. тола олинади. Шундай қилиб, ҳудудда йилига ўртача 4,0 — 4,2 млн. тонна пахта толаси ишлаб чиқарилади.

Жаҳонда пахта экспортининг 80 фоизи Шимолий Америка мамлакатлари улушига тўғри келади. Жумладан, Мексика, Канада, Гондурас, Доминикана Республикаси бу хом ашёнинг йирик харидорларидир. АҚШнинг жаҳон пахта бозоридаги улуши 20 — 30 фоиз атрофида ўзгариб туради. Америка пахта толасининг йирик харидорлари — Узоқ Шарқ мамлакатлари (Япония, Жанубий Корея, Гонконг), шунингдек, Ғарбий Европа мамлакатлари ва Канада.

Кейинги йиллардаги Америка пахтасининг йирик истеъмолчиларига Хитой, Япония, Корея, Индонезия, Мексика, Таиланд, Тайван ва бошқалар ҳам қўшилди.

Охирги йилларда Хитой пахтани экспорт қиладиган мамлакатдан импорт қиладиган мамлакатга айланди. Бу ҳудудда пахта ҳосилдорлиги йилдан-йилга ошиб бормокда. Хитой пахтасининг аксарият қисми қўлда, атиги 5 фоизи машиналарда терилади.

Ҳиндистон пахта етиштириш бўйича дунёда учинчи ўринда туради. Пахта Ҳиндистон аҳолиси кийим-кечакка бўлган эҳтиёжининг 90 фоизини қондиради ва мамлакат иқтисодиётида катта роль ўйнайди.

Ҳиндистон пахтани истеъмол қилиш бўйича ҳам жаҳонда учинчи ўринда туради. Кейинги йилларда пахта экин майдонлари ортиб борди ва 2004 йили 9,8 млн. гектарга етди. Ҳосилдорлик нисбатан паст ва ўртача. Ҳиндистонда йилига 3 млн. тонна пахта толаси ишлаб чиқарилади ва деярли барчаси истеъмол қилинади. Айрим йиллари 150 — 190 минг тоннаси экспорт қилинади. Импорт қилинадиган пахта толаси ҳажми кейинги йилларда камайиб борди.

Покистон 1990 йилдан бошлаб жаҳонда пахта етиштириш бўйича тўртинчи ўринда. Унинг ишлаб чиқаришдаги улуши ўртача 6,5 фоизни, истеъмолдаги улуши эса 5 фоизни ташкил этади. Бу кўрсаткичлар кейинги йилларга нисбатан муқим турганлиги сабабли Покистоннинг Жаҳон пахта толаси бозорига, айниқса, пахта нархига таъсири катта бўлмокда.

Пахта етиштириш ва унинг истеъмолига давлат аралашуви ҳам сезиларли даражада.

Жаҳонда толалар (пахта, жун, кимёвий толалар) истеъмолида пахтанинг салмоғи 49 %. Тўқимачилик хом ашёси балансида пахта улуши ҳали ҳам илгаригидек юқори. Бу, пахтанинг универсал сифатлари ва уни турли мақсаддаги буюмлар ишлаб чиқаришда қўллаш мумкинлиги туфайлидир.

Мутлақ кўрсаткичларга кўра, дунёда пахта истеъмоли ҳажми ошиб бормокда. Бу, назаримизда, биринчидан, аҳоли сонининг ўсиши ва ип газлама маҳсулотлари истеъмолига талабнинг ошиши, иккинчидан, иссиқ ва мўътадил

иқлимли мамлакатларда пахтадан ишланган буюмлар зарурлиги, учинчидан, пахтадан ишланган буюмларнинг сунъий толалардан ишланган буюмларга нисбатан рақобатбардошлиги билан боғлиқ.

Пахта дунёнинг 70 дан ортиқ мамлакатада етиштирилади ва 100 дан ортиқ давлатда истеъмол қилинади. Дунёда етиштирилган пахтанинг асосий қисми АҚШ, Хитой, Ҳиндистон, Покистон ва Ўзбекистон улушига тўғри келади. Пахта толасининг асосий истеъмолчилари Европа мамлакатлари, Япония, Корея, Гонконг ва Тайвандир. Ҳозирги вақтда дунё бўйича 36,2 млн.гектар ерда пахта етиштирилмоқда. Бу жаҳон деҳқончилигида иншатиладиган ерларнинг 2% ига тенг.

Ўзбекистон пахтасининг рақобатбардошлигини таъминлаш борасидаги маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, бир томондан, ишлаб чиқаришда маркетинг муҳити ва бозорга доир фаолият шарт-шароитларини ўрганишни, иккинчи томондан эса, республика пахтачилик мажмуининг рақобатбардошлик позициялари ва ички имкониятларини, жумладан, унинг ишлаб чиқариш ресурслари ва экспорт имкониятларини баҳолашни талаб қилади.

Ўзбекистоннинг пахта толаси экспортига доир стратегияси, ҳар бир мамлакат муглақ ва нисбий қиёсий устунликлардан келиб чиққан ҳолда маълум стратегик аҳамиятга молик маҳсулотни экспорт қилади. Масалан, Саудия Арабистони нефтни, Чили қалай ва мисни, Заир каучукни экспорт қилишга ихтисослашган.

Ўзбекистон халқаро меҳнат тақсимоотида ҳам ашё етказиб берувчилик роли билан ажралиб туради. Ҳақиқатан ҳам республиканинг ҳам ашё (асосан пахта толаси)ни экспорт қилиш соҳасидаги имкониятлари ғоят катта. Ўзбекистон дунёда пахта етиштирувчи илғор бешта мамлакат қаторидан ўрин олган. У пахта толасини экспорт қилиш бўйича АҚШдан кейинги — иккинчи ўринни эгаллайди.

Пахта нархининг пасайиши, кутилгшгидек, тухтади: СоИоок <<А>> индекси (ушбу индекс Шарқий Европа портларига келиб тушган бешта энг паст нархлар бўйича ўртача индекс) 1999 йилнинг декабрь ойида бир фунт пахта учун 44 центни ташкил этган бўлса 2000 йил март ойига келиб, 57 центга етди, Бу ҳол

пахтанинг уч ой давомида нархи 30% ўсишидан далолат беради. У қуйидаги омиллар билан изоҳланади: Хитойда пахта ишлаб чиқариш ҳажмининг ва жумладан, дунё бозорига таклифининг камайиши кутилмоқда; Покистон таклифи ҳажми ҳам кафолатланмаган; АҚШда ишлаб чиқариш ҳажми олдинги йилдагига нисбатан анча баланд бўлиши кутилмоқда, бироқ шуни ҳам таъкидлаш керакки, **СоПоок** <<А> индекси ва Нью-Йорк нархларининг бир хил суръатларда ўсиши кузатилмади.

Мустақиллик йилларида республика пахта соҳасидаги стратегиясини ўзгартирди. Бу стратегиянинг мақсади пахта соҳасидаги яққаҳокимлиكنи бартараф этиб, максимум микдорга тенг тола ишлаб чиқаришдир. Баланслаштирилган сиёсатни амалга ошириш натижасида пахта етиштириш барқарорлашди, дон етиштириш ҳажми ортиди ва республикада дон мустақиллигига эришилди.

Пахта толасини экспорт қилишда Ўзбекистон жаҳонда иккинчи ўринда туради, жаҳонга экспорт қилинадиган пахтанинг 20 фоизини беради. Республика бу мавқеини сақлаб қолмоқда. Чунки пахта толаси жами экспорт ҳажмининг қарийб 80 фоизини ташкил этади ва у валюта тушумининг муҳим воситаси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси бугун пахта толасини сотиш бўйича жаҳондаги 80 дан ортиқ мамлакат билан шерикчилик қилади. Республикамиз иктигодий ривожланган давлатлар, жумладан, АҚШ, Буюк Британия, Канада, Швейцария, Туркия сингари мамлакатлар билан савдо оборотини кенгайтиргани сезилмоқда.

Ўзбекистоннинг йирик савдо ҳамкорлари қаторига Германия, Россия Федерацияси, Жанубий Корея, Швейцария, Буюк Британия, Туркия, Қозоғистон, Нидерландия ва Бирлашган Араб Амирликлари киради. Кейинги йилларда, шунингдек, Сурия, Испания, Португалия, Миср, Эрон билан иқтисодий алоқалар ва савдо соҳасида прогрессив ўзгаришлар юз берди.

Халқаро майдонда ўзбек пахтаси стандарти Ўрта Осиё толалари классификациясига киради: узунлиги 1-3F32, яъни 1 класс ўрта толали. Ўзбек пахта толасига нарх <<А> индексига тааллуқли кундалик квоталарга биноан

ўрнатилади ва у «Котлук ЛТД» пахта компанияси томонидан нашр қилинади. квоталар бир паундга тўғри келади, АҚШ центида белгиланади.

Жўғрофий асос қилиб С.1.Ғ. шаклида Шимолий Европа портлари олинади. Ўзбекистон денгизга чиқадиган портларга эга эмас. Ташқи савдодаги йирик муаммолардан бири экспорт-импорт операцияларини бажарадиган самарали транспорт йўлаги (коридор)ни яратишдир. Шу нуқтаи назардан темир ва автомобиль йўллари имкониятларини яхшилаш зарур. Жумладан, шу тариқа Республика Болтиқ денгизи портлари: Вентспилс, Кпайпеда, Таллин, Рига, Лиепая; Закавказия йўлаги (коридори) орқали Потти-Ботуми, Ильичевск, Одесса, ундан сўнг Мерсин (Туркия) портигача; шунингдек, Гебел-Али (БАА), Эроннинг Бандар-Аббас порти орқали ҳам деиғизга чиқиши мумкин. Ўзоқ Шарқда Владивосток орқали Находка портига пахтани етказиш имкони бор (39.1-жадвал) Транспорт тармоғининг бунчалик хилма-хиллиғи пахта толаси бозорлардаги янги харидорларга катта имкон туғдиради. Пахтани экспорт қилиш борасидаги бу ишларни амалга оширишдан ташқари Ўзбекистон бир неча халқаро пахта ташкилотларининг ҳақиқий аъзоси бўлди. Жумладан, у пахта соҳасида Халқаро Маслаҳат кўмитаси, Ливерпул пахта ушмаси, Гдинея пахта ассоциациясига аъзо.

Пахта соҳасида Халқаро маслаҳат кўмитасининг Тошкентда ўтказилган 55-ялпи мажлисида иштирок этган ҳукумат ва савдо вакиллари Ўзбекистоннинг жаҳонда пахта ишлаб чиқаришни кўпайтиришдаги етакчилик ролини тан олишди. Шунинг ҳам таъкидлаш зурурки, кейинги йилларда республика молия доираларида ҳам барқарор ишончли обрўга эга бўлди. Эндиликда халқаро аҳамиятга молик бўлган кўпгина чет эл банклари Тошкентда ўз ваколатхоналарини очиб, республика иқтисодиётига катта ҳисса кўшмоқдалар.

Иқтисодиётдаги бу собитқадамлик ишлаб чиқаришни қайта технологик қуроллантиришни рағбатлантириш ҳамда аҳолининг ҳаётини эҳтиёжларини ҳал этувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга оширишдан иборат. Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланишида экспортга йўналтирилган тармоқлар ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш тизимини тараққий эттириш катта аҳамиятга эга. Шу сабабли иқтисодиётни ривожлантиришда асосий урғу чет эл

сармоясини жалб қилиш натижасида шундай тармоқларни тараққий эттиришга берилиши зарурки, улар хом ашё ўрнига рақобатбардош, тайёр маҳсулотларни экспорт қилишга йўналтирилган бўлсин. Бугунги кунда стратегик аҳмиятга эга бўлган тармоқлар ва лойиҳалар жумласига енгил саноат, туризм, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш тармоқларини киритиш мумкин.

Енгил саноатни тараққий эттириш ва такомиллаштириш структураси, тизими «пахтачилик — тўқимачилик саноати — қайта ишлаш саноати» барпо этиш рентабеллик даражасини бир неча баробар оширишга ҳамда республикада валюта тушуми миқдорини кўпайтиришга олиб келади. Шу туфайли чет эл сармоясини, авваламбор, қайта ишлаш саноатига жалб этиш зарур, чунки хом ашёни чуқур қайта ишлаш қўшимча қиймат миқдорини оширади.

Чет эл капиталини, айниқса, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга жалб қилиш катта аҳамият касб этади. Республика ишлаб чиқариш тармоқларини қайта жиҳозлаш дастурига биноан енгил саноатга чет капиталини олиб кириш анча кўпаяди. Тўқимачилик саноатини ривожлантириш дастурига биноан тармоқдаги 9 корхона техник жиҳатдан қайта жиҳозланиб, пахта толасини қайта ишлаш сифати яхшиланди, чет эл жиҳозлари импортига асосланган янги корхоналар Япония, Италия, Бельгия, Германия фирмаларининг жиҳозлари билан қуроллантирилди.

2& Пахтачилик тармоғини давлат томонидан тартибга солишнинг хусусиятлари

Пахта дунёнинг 80 дан ошиқ мамлакатда, шу жумладан 6 та МДХ давлатларида етиштирилади. 1960 йилдан 2001 йилгача жаҳон пахта ишлаб чиқариш икки баробарга – 10 млн. тоннадан 20 млн. тоннагача кўпайди. Хозирги пайтда жаҳон савдосининг умумий таркибида пахта фақат 0,12 % ни ташкил қилсада, айрим ривожланаётган мамлакатлар учун бу хорижий валюта тушумининг асосий манбаи ҳисобланади. Масалан, Африкадаги бешта мамлакатда (Бенин, буркина – Фасо, Мали, Чад ва Того) пахта ишлаб чиқариши ЯИМнинг 5 % дан 10 % гача қисмини таъминлаб беради.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қишлоқ хўжалиги бўйича муассасаси (FAO) маълумотларига қараганда, 2001 йилда дунёда 100 миллиондан ошиқ уй хўжаликлари бу экинни етиштиришга жалб қилинган эди. Хитойда пахта етиштириш билан 45 миллион, Хиндистонда – 10 млн. покистонда – 7 млн. оила банддир. Африка мамлакатларида ҳам пахтакорлар кўпдир.

Кўпгина мамлакатларда давлат у ёки бу даражада пахта ишлаб чиқариш ҳажмини ва истеъмолини назорат қилади ва тартибга солади. Тартибга солишнинг у ёки бу усулини танлаш бир қатор омилларга боғлиқдир – булар мамлакат иқтисодиётининг пахта экспортига боғлиқлиги даражаси, тармоқни давлат томонидан тартибга солишнинг олдинги тажрибаси, иқтисодиётнинг очиқлик даражаси халқнинг маданий ва тарихий хусусиятлари кабилардир. Аммо, у ёки бу усулнинг қўлланишига қишлоқ хўжалиги ва унга боғлиқ тармоқларда давлат сиёсатининг қисқа муддатли ва узоқ муддатли устиворлиги таъсир кўрсатади. Марказлаштирилган бошқариш тизимига эга бўлган ва иқтисодиёти пахтачиликка юқори даражада боғлиқ бўлган камбағал мамлакатларда ҳукумат одатда пахта ишлаб чиқариш, экспорт қилиш ва жойлаштиришни директив йўллар билан назорат қилиб, тармоқ фойдасини ўзлаштирадilar ва қўйилган мақсадларни молиялаштиришга йўналтирадilar. Буни Хитойда 70 йиллар охиригача амал қилган давлат режалаштиришининг қаттиқ тизими ҳукмрон бўлган даврдаги

тарихи ёки айрим Африка мамлакатлари тарихи яққол исботлайди. Тўқимачилик саноатини қўллаб-қувватлаш миллий иқтисодиётнинг асосий устивор йўналишларидан бир бўлганда (масалан, Хиндистонда, Покистонда ва 70-йилларнинг охирида Хитойда), ҳукумат маҳаллий тўқимачилик корхоналарига пахтани паст нархларда сотиб олишга, хусусан экспортни сунъий равишда чеклаш ёки импортни рағбатлантириш ёрдамида, имконият яратиб беради. Пахта етиштирадиган мамлакат ўзининг пахта экиладиган минтақалари қолоқлигини тугатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ҳолатда, масалан, АҚШ дагидек, буни пахтачилик хўжаликларини датациялаш йўли билан амалга ошириши мумкин.

Ривожланаётган мамлакатлардан фарқли равишда ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги, шу хумладан, пахтачилик тармоғи давлат томонидан фаол равишда датация қилинади. Пахтачилик тармоғи АҚШда тарихан бошқа қишлоқ хўжалиги тармоғларига қараганда ҳукумат томонидан кўп қўллаб қувватланган. Пахта бўйича Халқаро маслаҳат қўмитаси маълумотларига қараганда, 1997-98 ва 2002-03 йиллар ўртасида пахта ишлаб чиқарувчиларни бевосита қўллаб-қувватлаш йилига ўртача 1,7 млрд. долларни ташкил қилган. Пахтани ишлаб чиқаришни, тақсимлашни ва истъеомол қилишни тартибга солиш, ҳамда бу хом ашёни етиштирувчи фермерларни қўллаб-қувватлаш мақсадида, АҚШда 1929 йилдан бошлаб камида 20 та қонунлар қабул қилинган бўлиб, улар мамлакатда пахта ишлаб чиқариш ва истъеомол қилишга у ёки бу даражада таъсир кўрсатди. Пахтачиликка бундай эътибор берилишига сабаб ҳукумат ҳамма минтақаларнинг бир хилда барқарор ўсишини таъминлашга ҳаракат қилади. АҚШда пахта асосан Жанубий-Шарқий ва айрим ғарб штатларида етиштирилади, бу штатларнинг ривожланиш суръатлари индустриал тармоққа эмас, балки қишлоқ хўжалигига боғлиқдир. Худди шундай сабабларга кўра, пахта етиштирувчилар Европа Иттифоқида ҳам қўллаб-қувватланади, у ерда пахта асосан Испания ва Грецияда, уларнинг ҳам энг қолоқ ҳудудларида етиштирилади.

АҚШда пахта ишлаб чиқариш ҳажмини тартибга солиш учун қатор дастурлар қўлланилади, уларнинг ичида биринчи навбатда кредит дастурини ва экин майдонларини қисқартириш дастурларини ажратиб кўрсатиш

мумкин.Кредит дастури доирасида пахта ишлаб чиқариш учун қарз олиш мумкин, қачонки улар етиштирилган маҳсулотларнинг ҳаммасини ёки бир қисмини ўзларида гаров таъминоти сақлаб турадиган бўлсалар.Экин майдонларини қискартириш дастури мувофиқ айрим қишлоқ хўжалик экинлари шу жумладан, пахта ишлаб чиқаришнинг ҳажмини назорат қилиш мақсадида, давлат пахта ишлаб чиқариш учун унинг экин майдонларини чеклаш шарти билан қарз беради. Бу дастур бўйича пул олиш учун ишлаб чиқарувчилар ўз экин майдонини белгиланган меъёрга (бу меъёр йилдан йилга ва бир экиндан иккинчи экинга ўзгариб туради) келтиришлари керак. 1992 ва 1995 йиллар давомида ҳар бир экин учун ажратиладиган ер майдонлари «заҳира-истеъмол» нисбатини ҳисобга олиб тартибга солинди. 1991 йилда шундай қоида ҳам қабул қилинган эдики, унга кўра фермерларга ушбу дастур доирасида ҳар бир экинга қанча майдон ажратишни ўзлари ҳал қилишга имкон берилганди. Шу билан биргаликда фермерлар ўз ер майдонларининг 25 %га хоҳлаган экинларини экишлари мумкин эди. Бу дастур мажбурий эмас, фермерлар унда қатнашиб экин майдонларини яеклашга риоя қилиб пахтасини анча қиммат баҳода сотишлари ҳам мумкин, ёки унда қатнашмасдан пахтасини бозор баҳосида сотишлари мумкин. АҚШдаги кўпчилик фермерлар ушбу дастурда қатнашишни танлаганлар, ва кейинги йилларда 80 % пахта майдонлари шу дастур билан тартибга солинади.

Европа Иттифоқида пахта ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш ҳажми нархларни шакллантириш тизими ва ишлаб чиқаришнинг максимал квотасини белгилаш билан тартибга солади. Пахта заводлари пахта учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига тўлайдиган баҳосини Европа Иттифоқи кенгаши белгилайди, бу эса пахта заводларига ҳукумат томонидан белгиланган режали харид нархларига яқиндир. Агар пахта хом ашёсини ишлаб чиқариш максимал кафолатланган миқдордан ошиб кетса, унга ҳақ тўлаш ва бериладиган ёрдам мувофиқ равишда камайтирилади. Ёрдам ажратиладиган максимал кафолатланган миқдор Греция учун 782 минг тоннани, Испания учун 249 минг тоннани ташкил қилади. Шунга қарамасдан, грециялик ишлаб чиқарувчилар мавжуд квоталардан

оширишни маъқул кўрадилар, ва буни улар «жарима санкциялари» белгиланишига қарамасдан кейинги йилларда амалга ошириб келдилар.

Пахтачиликни давлат томонидан тартибга солиш икки гуруҳга ажратиш мумкин: давлат тартибги солишининг бевосита ва билвосита усуллари.

Бевосита давлат тартибга солишининг усуллари пахтага мажбурий давлат буюртмаси, нархларни директив равишда белгилаш, пахтани давлат назоратидаги корхона орқали сотиш (шу жумладан экспорт қилиш) кабилар киради. XX асрнинг 90-йиллари ўрталаригача бу усуллар Хитой, Замбия, Зимбабве, Того, Бенин ва бошқа қатор пахта етиштирадиган Африка мамлакатларида қўлланилди.

Бевосита мезанизмларни қўллаш ёрдамида давлат нафақат пахта ишлаб чиқариш ва қайта ишлашни, билки сотишни ҳам назорат қилади. Айрим мамлакатларда фаолиятнинг бу тури билан махсус давлат кооперативлари шуғулланадилар. Бошқаларида эса пахтани қайта ишлаш ва экспорт қилиш учун алоҳида ҳуқуққа эга бўлган давлат корхоналари ташкил қилинди. Хозирги пайтда жаҳонда пахтачиликни давлат томонидан бевосита тартибга солиш усуллари деярли қўлланилмайди, чунки кўпчилик пахта етиштирувчи давлатлар бу тармоқни эркинлаштиришни амалга оширдилар.

Директив бошқарувнинг асосий муаммоси – қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларида пахта етиштиришга ва унинг ҳаражатларини пасайтиришга иштиёқнинг (стимул) йўқлигидир. Бу муаммо фақат бозор механизмларини ва давлат томонидан тартибга солишнинг билвосита усуллари қўллашдан иборат. Ҳолбуки, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида маъмурий усуллар ўз самарасини йўқотади, чунки ишлаб чиқарувчилар давлат идорасини мустақил бўлиб оладилар.

Тартибга солишнинг билвосита усулларидадан фойдаланганда давлат тармоққа директив таъсир кўрсатмайди, балки турли солиқ, божхона, кредит имтиёзлари, ёки ҳуқуқий чекловлар белгилаш йўли билан таъсир кўрсатади. Бунда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ўзлари етиштирган маҳсулотларга тўлиқ ҳуқуққа эга бўладилар, яъни улар етиштирган ҳосилнинг кимга ва қандай нархларда сотишни (давлат ёки хусусий пахта заводлари) ёки ўзида қолдиришни

ўзлари ҳал қиладилар. Мана шундай шартларда Хиндистон, Покистон ва 90-йилларнинг иккинчи ярмидан Хитой пахтакорлари маҳсулот ишлаб чиқардилар. Бу мамлакатларда пахтачиликни давлат томонидан тартибга солиш тўқимачилик саноати учун стратегик ҳом-ашё етказиб бериш нуқтаи назаридан қаралади.

Ўзбекистондаги бутун иқтисодий ислохотларнинг муваффақияти аграр соҳанинг ривожланиши самарадорлигига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ушбу соҳага катта эътибор бериб келинмоқда. Бинобарин, қишлоқда хусусий мулкчиликнинг ҳуқуқий асослари яратилди, анча жадал суръатларда фермерлик ҳаракати ривожланмоқда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини рағбатлантириш тизими такомиллаштирилмоқда. 2003 йилдан бошлаб иқтисодий ислохотларнинг янги босқичи амалга оширилмоқда. Бу ислохотлар босқичининг ўзига хос хусусиятлари тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалигига кредит беришнинг ҳажмини кескин ошириш ва йирик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларини қайта куриш ҳисобига фермер хўжаликлари аҳамиятини ошириш бўлиб қолмоқда. Биз чоратадбирлар аграр соҳанинг рақобатбардошлагини оширишга ва қишлоқ аҳолиси моддий аҳволини, даставвал тизимини такомиллаштириш ўз долзарблигини йўқотмайди. Маълумки, пахтачилик мамлакатимиз аграр секторининг асосий тармоғи ҳисобланиб, Ўзбекистон бутун экспорти ҳажмининг 20 % пахта толасига тўғри келади. Шунинг учун ҳам бу соҳадаги дунё тажрибасини ўрганиб чиқиш жуда муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистонда пахтани ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнларини тартибга солишда давлат муҳим ўрин тутди. Бугунги кунда пахтачиликда қуйидаги асосий бўғимлар амал қилади.

- Пахта етиштирадиган қишлоқ хўжалиги корхоналари. Улар давлатга маълум миқдорди пахта топшириш мажбуриятини оладилар, давлат эса уни белгиланган баҳоларда сотиб олади. Пахта ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат фермерларига имтиёзли шартларида ўғитлар, материаллар пахта етиштириш учун зарур бўладиган бошқа ресурсларни таъминлаб беради.

- «Ўзпахтасаноат» пахтани қайта ишлашни ва уни экспорт қилишнинг техник таъминотини амалга оширади. Яқинда бу ташкилотни номарказлаштиришга ва унинг вилоят бўлимларини кучайтиришга қаратилган ислохотлар амалга оширилди. Натижада илгари, «Ўзпахтасаноат»га ажратилган пул маблағлари, унинг вилоят бўлимларига тўғридан-тўғридан ўтказиладиган бўлади. Вилоят бўлимлари зиммасига фермерларга етказиб берилган пахта учун тўловларни амалга ошириш юклатилган.

- Давлат савдо ташкилотлари кипланган пахтани экспорт қилиш билан шуғулланадилар, лекин улар фақат бу маҳсулотни экспорт қилиш билангина чекланиб қолмайдилар. Бу турдаги давлат савдо ташкилотларидан – «Ўзинтеримпэкс», «Ўзмарказипмэкс», ва «Ўзсаноатмашимпэкс» - ҳар бири вазирлар маҳкамасидан кипланган пахта учун квота оладилар, ва унга кўра пахтани экспорт қилиши мумкин бўлади.

- Ташқи иқтисодий алоқалар бўйича агентлик шартномаларини рўйхатдан ўтказди, валюта тушумини мониторинг қилади ва хоказо.

- «Сифат». Кипланган пахтанинг сифатини белгилайди ва таснифлайди. Бу ташкилот Вазирлар Маҳкамасига тўғридан-тўғри бўйсунди.

- Божхона қўмитаси экспорт шартномаларини рўйхатдан ўтказди, юклаш ҳужжатлари бўйича пахтанинг сифати ва миқдорини текширади ва бошқа вазифаларни амалга оширади.

- «Ўзташқитранс» - давлат экспедиторлик компанияси бўлиб, экспорт билан ҳам, импорт билан ҳам шуғулланади. Пахтани ташиш бўйича бу ташкилот амалда монополист ҳисобланади: давлат савдо ташкилоти билан амалга оширган ҳар қандай экспорт шартномасида шундай қоида борки, унга кўра – «Ўзташқитранс» ягона рухсат берилган юк агенти ҳисобланади. Фақат Ўз Аукцион савдо орқали сотилган пахта бундан истиснодир. Унинг харидори ўз хоҳишига кўра, экспедитор танлаши мумкин.

- «Ўзаукционсавдо» - товар биржаси бўлиб, ҳам хусусий, ҳам марказлашган экспорт доирасида турли ҳил товарларни сотиш учун аукционлар тизимини ривожлантириш билан шуғулланади.

Пахта етиштирувчилар ўз маҳсулотини Ўз пахтасаноат корхоналарига топширадилар, улар эса топширилган пахтанинг сифатини белгилайдилар ва унга тўланадиган ҳақ учун нархини баҳолайдилар. Ўз пахтасаноат ўз заводларида пахтани қайта ишлайди ва уни кипланган ҳолда давлат ташкилотларига топширадилар улар эса Вазирлар Маҳкамаси белгилаган квоталар бўйича халқаро савдо компанияларига сотадилар. Тармоқни эркинлаштириш даврида бу тизимни ислоҳ қилиш зарур бўлади. Ҳукуматнинг 2001 йил 12 июлдаги қарорига мувофиқ «Ўз Аукцион Савдо» товар биржаси ташкил қилинди, у орқали харидорлар пахтани сотиб олишлари мумкин.

Ўзбекистон Ресубликаси Президенти И.А. Каримовнинг 2003 йил июн ойида чиққан «Пахта толаси учун ҳисоб-китобларни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони алоҳида ўрин тутди. Фармонга кўра, ҳамма пахта заводлари хусусийлаштирилиши керак, ҳеч ким сотиб олишни савдо компаниялари пахта толасини улгуржи равишда «Пахтасаноати» ҳудудий аукционерлик бирлашмасидан сотиб оладилар ва кейинчалик уни мустақил равишда экспортга сотадилар, республикадаги истеъмолчилар эса пахта толасини Ўзбекистон Республика товар хом-ашё биржасидан аукцион савдолар натижаси бўйича сотиб олишлари мумкин.

Экспертлар фикрига кўра, тармоқни янада ислоҳ қилиш қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилиши керак:

- товар биржаси орқали сотилдиган пахта хом-ашёнинг миқдорини ошириш ва пахтани қайта ишлаш ва экспортга сотиш соҳаларига жалб қилинадиган компаниялар сонини кўпайтириш;

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини етказилган ҳосилини тасаввур қилишда ҳуқуқларини ошириш (давлат буюртмасини камайитириш ва етиштирувчиларга ўзларида қолган ҳосилга мулк эгаси бўлишда тўлиқ ҳуқуқ бериш мақсадга мувофиқдир):

- тармоқда тақсимланадиган ресурслар устидан фуқаролик ва давлат назоратини кучайтириш.

Тармоқда ўзаро муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган бу ва бошқа чора-тадбирлар унинг янада ривожланишига ва самарадорлигини оширишга янги туртки бўлиши лозим.¹

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сонли «2011-2015 йилларда саноатни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги, Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 апрелдаги 70-сонли «2007-2011 йилларда пахта тозалаш саноати корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш дастури тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ, 2011 йилда тизимдаги Беруний (Қорақалпоқ), Учтепа (Жиззах), Бешкент (Қашқадарё), Гулбоқъ (Наманган), Каттақўрқон (Самарқанд), Шеробод, Сариосиё (Сурхондарё), Бахт (Сирдарё) пахта тозалаш корхоналарининг модернизация ва реконструкция қилиниши белгиланган.

2011 йилда модернизация ва реконструкция қилинадиган барча пахта тозалаш корхоналарида қурилиш-монтаж ишлари тасдиқланган тармоқ жадвалига асосан олиб борилмоқда ва машинасозлик корхоналари томонидан тайёрланган ускуналар келтирилиб, ўрнатилмоқда. Ишлар нихоясига этказилмоқда.

¹ Жаҳон банки доклади: «Ўзбекистон. Пахта соҳасидаги сиёсат тўғрисида ҳужжат», 2003 йил, март.

3&.Ўзбекистон пахта толаси рақобатбардошлиги оширишнинг истиқболлари

Яқин истиқболда Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиши учун хизмат қилувчи инновацион технологияларни аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади. Давлатнинг инновацион-инвестицион сиёсатига мувофиқ ишлаб чиқиладиган Фан-техникани ривожлантириш комплекс дастурини тайёрлаш ва уни қабул қилиниши ушбу масаланинг ечими бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бундай ҳолатда, комплекслик тамойилига амал қилиш жуда муҳим, сабаби инновацион-инвестицион сиёсат стратегияси фан-техника тараққиёт дастурининг асоси бўлиб ҳисобланади ва, шундай экан, улар уйғун равишда бир-бирини ўзаро тўлдириши ва биргаликда ҳаракат қилиши керак.

Яқин ва узоқ хориж мамлакатлари (Германия, Япония, Россия, АҚШ ва б.) тажрибасини ўрганиш келажакда Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлик ҳолатига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган қуйидаги технологик (инновацион) кластерлар рўйхатини белгилаб олишга имкон беради:

— нанотехнология (наноэлектроника, наноматериаллар, нанотехника).

Агар узбек олимларининг нанотехнологиялар соҳасидаги ишланмалари (тадқиқотлари)нинг илмий даражасини баҳолайдиган бўлсак, баъзи соҳаларда улар жаҳон даражаларига тўғри келади, хусусан:

— хужайралар биотехнологияси (биотиббӣёт, ген муҳандислиги, хужайралар биополимерлари);

— ахборот технологиялари (ахборот-телекоммуникация тизимлари, дастурий таъминот, математик моделлаштириш тизими ва ҳ.к.);

— янги материаллар (композитлар, полимерлар, керамика материаллари, махсус хоссаларга эга материаллар ва қотишмалар, ўта қаттиқ материаллар, биомувофиқ материаллар, катализаторлар).

Масалан, генетик материал — дезоксирибонуклеин кислота (ДНК)нинг ўзгариши билан боғлиқ хужайралар биотехнологияси кластерини яратиш мумкин. Ген муҳандислиги қимматли хусусиятларга эга генларни бир организмдан

иккинчисига ўтказиш ёки генлар функциясини кучайтириш ёки кучсизлантириш (трансформация) орқали бошқа организмда мақсадли ўзгаришларни амалга оширишга имкон беради.

Ген муҳандислигидан фойдаланиш орқали исталган тирик организмда мақсадли ўзгаришларни, масалан, саноат миқёсларида оксиллар ишлаб чиқариш, ўсимлик ва ҳайвонлар турларининг инсон эҳтиёжларига мувофиқ равишда маҳсулдорлигини ошириш, турли ирсий касалликларни даволаш ва бошқаларни амалга ошириш мумкин.

Пахта ғўзапоясининг генетик муҳандислигига бағишланган тадқиқотлар Ўзбекистонда 1980-йилларнинг бошида акад. О.С. Содиков ташаббуси билан бошланган. Ҳозирги вақтга келиб, олимларимиз «генларни ўчириб қўйиш» («ген нокаут») методидан фойдаланиш йўли билан генлар фаоллигини бошқариш технологиясини яратганлар ва пахта толасининг узунлиги учун жавобгар бўлган ва гуллашга тўсқинлик қилувчи бир нечта генлар фаолиятини тўхтатиб қўйдилар, шунингдек, юқори агрономик кўрсаткичларга эга трансген ғўзапоя турларини олишга муваффақ бўлдилар. Шундай қилиб, нисбатан узун ва юқори сифатли толага эга тезпишар трансген ғўзапоя олиш бўйича инновацион ғоя амалга оширилди.

Ушбу назария асосида технологиялар яратиш мақсадида 2003-2009 йиллар давомида бир қатор фундаментал тадқиқотлар амалга оширилди, жаҳонда биринчи бўлиб Ўзбекистонда ёруғликни ютувчи қизил/узоқ қизил спектрнинг рецептор генлар оиласи клонлаштирилди ва тавсифлаб берилди. Кейинги босқичларда «генларни ўчириб қўйиш» йўли билан ғўзапояда ушбу генларнинг фаоллигини бошқариш технологияси ишлаб чиқилди, инновацион ғоянинг юқорида таърифланган назарияси ғўзанинг трансген турларининг яратилиши орқали тўлиқ ўз исботини топди.

Лаборатория шароитларидаги дастлабки генетик таҳлиллар маълумотларига кўра, ушбу «ген-нокаут» технологияси асосида олинган ғўза ўсимлиги айнан ўша шароитларда ўстирилган назорат ўсимликларига нисбатан 2-3 маротаба жадалроқ вегетатив ўсишга ва 2-3 маротаба узунроқ илдиз тизимига эга эканлиги, уларнинг

10-15 кун илгари гуллаши ва етилиши ҳамда толасининг узунлиги 5-10 ммга узунроқ бўлиши кузатилади¹.

Ҳозирги вақтда «ген-нокаут» технологияси асосида олинган ғўзанинг иккинчи авлоди мамлакатимиз ҳукумати томонидан молиялаштирилиб, инновацион лойиҳалар доирасида дала шароитларида кенг миқёсларда синаб кўрилмоқда ва келгуси йилларда ишлаб чиқаришга жорий этиш режалаштирилмоқда.

Жаҳон бозорида пахта толаси нархи узунлиги, мустаҳкамлиги, ингичкалиги (микронейр), рангдорлиги каби сифат кўрсаткичлари орқали белгиланади. Масалан, микронейр кўрсаткичлари ёмонроқ (4,9-5,3) толага нисбатан ингичка толали яхши микронейрга эга (3,5-4,9) толанинг ҳар бир килограмми тола бозорида 8 центга қимматроқ баҳоланади. Тола бозоридаги рақобатбардошликни таъминлаш учун юқори сифатли ва узун толали пахта навларини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистан пахтачилиги келажаги юқорида баён этилган ғўза биотехнологияси ва геномикаси билан узвий боғлиқ, генлар технологиясини жорий этиш бугунги куннинг энг долзарб инновацион вазифаси ҳисобланади. Биотехнологиялар натижаларидан иқтисодиётнинг қуйидаги тармоқларида фойдаланиш мумкин:

— соғлиқни сақлаш ва ветеринарияда, яъни айнан диаг-ностикумларнинг янги авлодлари, вирусга қарши ва ўсимталарга қарши доривор воситалар олиш, ген диагностикаси ва ген терапиясини ўтказиш мақсадларида;

— саноатда, хусусан, биополимерлардан биокатализаторлар сифатида фойдаланишда, озиқавий қўшимчалар олишда, нефть маҳсулдорлигини оширишда, газни қайта ишлашда, рудалардан нодир металллар ажратиш олишда фойдаланиш мумкин;

— қишлоқ хўжалигида биоўғитлардан фойдаланиш;

— атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, хусусан, тупроқларни биоремидитация қилиш ва сувни тозалашда.

¹ Абдурахмонов И. Новые биотехнологии в создании высококачественных сортов трансгенного хлопчатника // Мировой финансово-экономический кризис: национальные интересы и инновационная политика. Материалы республиканской научно-практической конференции. — Ташкент: Молия, 2009. - С.100-105.

Юртимизда фан ютуқларини амалиётга жорий этиш натижасида Ўзбекистон пахтасининг дунё бозорида салмоғи ошмоқда. Буни анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу эса мамлакатимиз пахтачилик тармоғининг ривожига ва экспорт салоҳиятининг янада ошишига хизмат қилади.

Сўнгги йилларда олимларимиз яратган бир қатор янги эртапишар ва серҳосил, тола чиқиши юқори навлар давлат рейестрига киритилди. Жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган “Бухоро-6”, “С-6524”, “Ан-Боёвут-2”, “Наманган-77”, “Бухоро-8”, “Оқдарё-6”, “Меҳнат”, “Омад” каби юртимизнинг тупроқ-иқлим шароитларига мос селекция навлари дунё миқёсида жуда харидоргир бўлиб ҳисобланади. Шу боис юртимиз олимлари ғўза генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги борасидаги ишланмаларни ҳаётга татбиқ этиш, янги ғўза навларини тупроқ-иқлим шароитига мослаштириш орқали мамлакатимизнинг бу борадаги имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Фанлар Академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида изланишлар натижасида толаси пишиқ, чигити таркибида ёғ миқдори кўп, сермахсул ва вилт касаллигига чидамли “АН-513”, “Кўпайсин”, “ЎзФА-703”, “Келажак”, “Гулбаҳор”, “Бешқаҳрамон”, “АН-16” навлари яратилиб, ҳозир улардан мўл ва сифатли ҳосил олинмоқда. Масалан: “Гулбаҳор-2” нави ўртапишар, жадал ҳосил тўплайди ва бир текисда очилади, сув танқислиги ва шўрга чидамлилиги боис бошқа навларга нисбатан 35-40 фоиз сувни камроқ талаб қилади. Тола чиқими жуда юқори. Дунё миқёсида жадал ривожланаётган тўқимачилик саноатида пахтанинг ИВ ва В типлари жуда қадрланади. Толаси тиниқ оқ рангда бўлган истиқболли “Навбаҳор-2” нави ИВ типга мансуб бўлиб, тола чиқими 40 фоиздан ошади. Ҳозир бир кўракдаги пахтанинг оғирлиги 7 граммгачадир. Бошқа навларда бу кўрсаткич 3 грамм атрофида бўлади. Ҳозирда давлат нав синаш шохобчаларида янги яратилган 106 та ғўза нави синовдан ўтмоқда.

Мамлакатимизда етиштирилаётган пахта ўзининг юқори сифати билан ажралиб туради. Истеъмолчилар сотиб олаётган тола сифатини кафолатлаш учун юртимизда уни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш мақсадида таснифлаш

ва сертификатлаш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатимизда пахтачилик экин майдонларини кенгайтириш ҳисобидан эмас, балки ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, навларни яхшилаш ва пахта тозалаш саноатини модернизация қилиш орқали ривожлантирилмоқда.

Жорий йилда Ўзбекистон Республикасида этиштирилаётган пахта толасига бўлган талабнинг 400 минг тоннага ошиши кутилмоқда. Пахтанинг ички қайта ишланиши, унинг экспорт қилишни пасайишига олиб келади. МВЕСИТ хабарига кўра, Ўзбекистон Республикасида 2010-2011 йиллар ҳосилдан 1,1 млн. тонна тола кутилмоқда.

«Ўзбекенгилсаноат» маълумотларига кўра текстил маҳсулотларини экспорт қилиш 2010 йилда 600 млн. доллардан ошган бўлса, 2015 йилда 2 млрд. долларга этиши кутилмоқда.

Ушбу кунларда Ўзбекистон Республикасида енгил саноат ва тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқарилишининг 2010 - 2015 йиллар учун дастури ишлаб чиқилган. Бу дастур ўз ичига қиймати 1,6 млрд доллар бўлган 100 дан ортиқ лойиҳаларни олади. Унда пахта толаси умумий ҳажмининг 80% қайта ишланиши кўзда тутилган бўлиб, мамлакатнинг экспорт қувватини уч баробар ошишига сабаб бўлади.

Пахта толасини энг илғор халқаро стандартлар асосида сертификатлаш билан ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилардан мустақил бўлган, европа ва Америкадаги етакчи пахта уюшмалари аъзоси – “Сифат” Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази шуғулланади. Пахта толасини сертификатлаш ва унинг сифатини назорат қилиш марказий лабораторияси Ўзбекистон «СИФАТ» марказининг ҳудудий лабораторияларида ўтказилаётган пахта маҳсулотлари сифатининг таҳлиллари устидан доимий назоратни амалга оширади. Лаборатория мутахассислари Республикамиз пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқарилган ҳар бир тўдадан олинган 100% танланмасининг 5% намуналарини синовдан ўтказди. Шулар асосида лабораторияда маълумотларга ишлов берилади ва ҳудудий лабораториялар синовларининг тўғрилиги таҳлил қилинади. Сифатни

назорат қилиш марказий лабораторияси пахта момиғи намуналарининг сифатини назорат қилишни ҳам амалга оширади. Лаборатория ХВИ 900 тизимлари, иқлимий шароитларни сақлаб туриш учун ҳавони кондициялаш тизимлари ва классёрлик стансияси билан жиҳозланган.

Ўзбекистон «СИФАТ» марказининг ҳудудий лабораториялари вилоят корхоналарида тойлардан пахта толаси ва момиғи намуналарини танлаб олади, уларни идентификациялайди, уларга штрих-кодлари бўлган биркаларни солиб қўяди, пахта толаси ва пахта момиғини тарозида тортиш жараёнини назорат қилади, намуналар лабораторияларга келиб тушгандан сўнг уларни ХВИ тизимларида синовдан ўтказиб, пахта толасининг сифат параметрларини аниқлайди. Пахта толаси ва пахта момиғининг намуналари синовдан ўтказиш учун классификаторларга берилади, улар намуналарда нуқсонлар, чигит, чиқиндилар, йўгли доғлар, сув билан шикастланиши мавжудлигини ва бошқаларни текширадилар. Классификатор пахта толаси ва пахта момиғини эталон намуналари билан солиштириб, уларни нави, синфи ва типи бўйича якуний баҳосини беради. Ҳар бир намунани синов натижалари лаборатория маълумотлари базасига келиб тушади. ХВИ операторлари ва классификаторлари томонидан ўлчаш процедуралари тўғри бажарилганлиги линиядаги супервайзер томонидан кўриб чиқилгандан сўнг, бу маълумотлар Миллий маълумотлар базасига узатилади ҳамда бу эрда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган пахта толасининг миқдори ва сифати ҳақида барча маълумотлар жамланади.

Ўзбекистон «СИФАТ» маркази Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги давлат ташкилоти ҳисобланади ҳамда маъмурий жиҳатдан бошқа Вазирликлар ва идоралар шунингдек тайёрловчилар ва харидорларга боғлиқ эмас Ўз фаолиятини хўжалик ҳисоби, ўз ўзини маблағ билан таъминлаш ва ўз ўзини бошқариш принципларида амалга оширади. Ўзбекистон «СИФАТ» маркази 1998 йилда Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаш Миллий тизимида сертификатлаш органи сифатида аккредитланган (Аккредитлаш аттестати -НСС УЗ 06 НСО065). Унинг ҳудудий лабораториялари ҳам ягона синов

маркази сифатида аккредитланган (Аккредитлаш аттестати - НСС.УЗ.07.НСО.475).

Ўзбекистон «СИФАТ» марказининг аккредитлаш соҳаси буюртмачиларга: - пахта толаси; - пахта момиги; - оқартирилган гидроскопик пахта маҳсулоти; - техник чигитни сертификатлаш хизматларини кўрсатади.

Лабораториялар пахта техник чигитини сертификатлашни учинчи схемаси бўйича амалга оширади. Бунинг учун пахта тозалаш корхоналарида техник чигит лабораториялари ташкил этилган. Техник чигит лабораториялари «СИФАТ» моделидаги термонаўлчагичлар ва электрон тарозилар билан жиҳозланган. Лабораторияда пахта тозалаш корхонасида ишлаб чиқариладиган техник чигитдаги нуқсонли чигитнинг массавий улуши, намликнинг массавий улуши, тукдорлиги, минерал ва органик аралашмаларнинг массавий улуши аниқланади ҳамда ушбу лаборатория таҳлиллари асосида Ёғ- мой комбинатларига жўнатиладиган техник чигит тўдалари учун «Синов баённомалари» расмийлаштирилади. Лаборатория таҳлиллари жараёнида ишлаб чиқарувчи вакиллари ва Ёғ- мой комбинатларининг вакиллари қатнашадилар. Жўнатилган техник чигитнинг лаборатория маълумотлари ва миқдорий маълумотлари маълумотлар базасида жамланади ҳамда ҳар куни Ўзбекистон «СИФАТ» марказининг Миллий маълумотлар базасига узатилади.

Ўзбекистон «СИФАТ» маркази мебелбоп ва тўшакбоп момиг пахтани инспекция қилади ва уларга сертификат беради.

Республикамизда жами 102 та пахта тозалаш корхонаси мавжуд. Пахта тозалаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган тола пахта терминалларида сақланади ва кейинчалик улар орқали харидорларга жўнатилади. Республика бўйича жами 20 та пахта терминаллари мавжуд. Пахта терминалида пахта толаси ва момикни ортиб жўнатиш учун барча техник шароитлар яратилган. Терминаллар темир йўл ва автомобил йўллари билан таъминланган. Ҳар бир

терминалда Ўзбекистон «СИФАТ» марказининг ўз лабораторияси мавжуд бўлиб, у ерда доимий вакилига эга.

Ўзбекистон, Америка ва Хитойда толанинг 100 фоизи, пахта етиштирувчи бошқа мамлакатларда 10-20 фоизи ана шундай технология асосида текширилади. “Сифат” кўрсаткичи билан бир вақтда толанинг тозаллиги ҳам яхшиланмоқда. Бошқа давлатларга нисбатан ўзбек пахта толасининг калта толалар индекс кўрсаткичи паст даражада. Бу эса толадан чиқадиган ип миқдорининг ошишига хизмат қилади.

Мингдан зиёд мутахассис фаолият юритаётган, юқори ликвидлиги билан ажралиб турувчи толамиз сифатини кафолатловчи мазкур марказнинг Миллий маълумотлар базасига уланган компьютерларида юртимизда етиштириладиган барча пахта навлари, пахта заводлари ва вилоятлар бўйича экилаётган пахта толасининг сифати тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар жамлангандир. Шунингдек, пахта биринчи саноат навининг ортиб бориши ва яхшиланиши иқтисодий фойданинг ошишини таъминлайди. Жорий йилда етиштирилган ҳосилнинг 97 фоиздан ортиғини “олий” ва “яхши” навли тола ташкил этади.

Ўтган йиллар давомида соҳада кўплаб ўзгаришлар, янгиланишлар амалга оширилди, пахта селекцияси ва уни етиштиришдан толани сертификатлаш ва сотишгача бўлган жараён энг илғор жаҳон стандартлари даражасига кўтарилди.

Мамлакатимизда ҳар йили ўтказиладиган жаҳон миқёсидаги йирик иқтисодий форумлардан бири – Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов ташаббуси билан ташкил этилган эттинчи Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида дунёнинг турли минтақаларидаги 38 давлатдан пахта ва тўқимачилик соҳасида фаолият кўрсатаётган 330 компаниянинг 660 нафардан ошиқ вакилларили ташриф буюрдилар **ва** жорий мавсумда мамлакатимиз пахта заводлари томонидан ишлаб чиқарилган пахта навлари толасининг **800 дан ортиқ** намунаси қўйилди. Сотувга қўйилган ҳар бир той пахта **“Сифат”** Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази томонидан берилган сертификатга эга.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ўзбекистон пахта толаси маҳсулотларининг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини оширишнинг хусусиятлари, муаммолари ва истикболлари таҳлил қилиниб қуйидаги илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Ўзбекистон маҳсулотларининг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини оширишнинг илмий ва назарий асослари таҳлил қилиб берилди.

Бозор иқтисодиёти муносабатларини қарор топиши ва ривожланиши шароитида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг турли тармоқлари ва соҳаларида банд бўлган хўжалик субъектлари, мамлакатда яратилган имконият ва шарт-шароитлардан келиб чиқиб, ўзларининг ривожланиш стратегиясига эга бўлади ва фаолият юритиш жараёнида у ёки бу даражадаги ўзгаришларга мослашишга ҳаракат қилади. Ҳар бир корхонанинг муваффақиятли ривожланиши, у томонидан аҳоли ва бошқа истеъмолчилар учун зарур бўлган маҳсулотларни энг мақбул нархда ишлаб чиқариш, харажатлар билан фойда ўртасидаги нисбатларнинг оптимал равишда эканлиги ва корхонани келажакда янада фаол амал қилиш шартлари билан белгиланади. Чунки аҳоли томонидан билдирилган умумий талаблар рағбатлантирувчи омил ҳисобланади

2. Бозор иқтисодиёти муносабатларини қарор топиши ва ривожланиши шароитида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг турли тармоқлари ва соҳаларида банд бўлган хўжалик субъектлари, мамлакатда яратилган имконият ва шарт-шароитлардан келиб чиқиб, ўзларининг ривожланиш стратегиясига эга бўлади ва фаолият юритиш жараёнида у ёки бу даражадаги ўзгаришларга мослашишга ҳаракат қилади. Ҳар бир корхонанинг муваффақиятли ривожланиши, у томонидан аҳоли ва бошқа истеъмолчилар учун зарур бўлган маҳсулотларни энг мақбул нархда ишлаб чиқариш, харажатлар билан фойда ўртасидаги нисбатларнинг оптимал равишда эканлиги ва корхонани келажакда янада фаол амал қилиш шартлари билан белгиланади. Чунки аҳоли томонидан билдирилган умумий талаблар рағбатлантирувчи омил ҳисобланади

3. Ўзбекистон иқтисодиёти рақобатбардошлик даражасининг қиёсий макроиқтисодий кўламларини тарифлашда рақобатбардошлик даражасининг

қиёсий таққослаш мезони инвестиция фаоллигини рағбатлантиришни ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқилади;

- иқтисодиётни экспортга йўналтирилган ривожлантириш моделини иқтисодиётни эркинлаштиришнинг концептуал муаммолари нуқтаи назаридан тадқиқ этиш;

- ишчи кучи экспорти ва унинг иқтисодий фаол аҳоли рақобатбардошлигини ошириш нуқтаи назаридан сифат кўрсаткичларига таъсирини тадқиқ этиш;

- Ўзбекистон иқтисодиётининг, энг аввало, таркибий ва инфратузилмавий такомиллаштириш, минтақавий иқтисодий алоқаларни кучайтириш доирасидаги рақобатбардошлик даражасини ошириш бўйича муҳим йўналишларини ажратиб олиш;

- рақобатбардош ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ва рағбатлантириш тизимини, бошқарувни такомиллаштиришни, рақобатбардошликни оширувчи иқтисодиётнинг пассионар "нуқталари"нинг махсус минтақавий шаклларида фойдаланиш ва уларни ривожлантиришни ўз ичига олган миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлик механизмларини давлат томонидан тартибга солиш тадбирлари мажмуини асослаб бериш.

4. Ўзбекистон асосан пахта маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашганлиги учун бошқа маҳсулотларга нисбатан кўпроқ пахтага эътиборни қаратади. Чунки, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, об-ҳавоси ва қолаверса, бутун республика шароити пахта етиштиришга мослашган ва унга кам миқдорда меҳнат ва молиявий ресурсларни сарф қилиб, юқори ҳосил олиш технологиясига эга. Шунингдек, бошқа мамлакатлар ҳам ўзи ихтисослашган соҳага кўпроқ эътиборни қаратишсагина дунё бўйича кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилади ва халқаро савдода ҳам катта муваффақиятларга эришиш мумкин. Демак, шу йўл билан дунё аҳолисининг талабларини максимум қондириш имкониятига эришилади.

5. Ҳукумат томонидан экспорт учун ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш борасида ишлар олиб борилмоқда. Бу ишлар жумладан:

- экспорт қилинувчи товарларга халқаро регистрларга мос келадиган сертификатларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш дастурлари асосида бу маҳсулотларни халқаро хомашё биржаларида мажбурий сертификация қилиш ва рўйхатдан ўтказиш;
- саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарларининг сифатларини халқаро стандартларга мос келадиган сертификация тизимини ривожлантириш ва бу ишга айрим ҳолларда ихтисослашган чет эл компания ва агентликларини жалб этиш орқали амалга оширилмоқда.

6. Экспортга мўлжалланган ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва маҳсулотларни ташқи бозорга чиқариш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- экспорт маҳсулотларини ташқи бозорда сотиш учун кенг савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини вужудга келтириш;
- мақсадли ва чуқур маркетинг тадқиқотларини, реклама ишларини йўлга қуйиш;
- чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва корхоналарни техникавий модернизациялаш учун зарур бўлган молиявий маблағлар ажратиш;
- экспортни рағбатлантириш мақсадида молиявий консорциумлар тузиш;
- экспорт маҳсулотларини сотишни жадаллаштириш мақсадида дилерлик шохобчалари ва консигнация омборларини тузиш;
- халқаро валюта кредитлари бозорида қарор топган фоиз ставкаларига асосланиб, экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун лозим бўлган хомашё ва бутловчи импорт маҳсулотларни харид қилишга валюта кредитларини ажратиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

7. Жаҳоннинг жуда кўпчилик мамлакатлари иқтисодиёти учун пахтачилик катта аҳамият касб этади. Асосий пахта етиштирувчи мамлакатлар бўлиб, Хитой,

АҚШ, Хиндистон, Покистон ва Ўзбекистон ҳисобланиб, улар жаҳонда ишлаб чиқариладиган пахтанинг 70 фоизини етказиб берадилар. Бу мамлакатлар ичида Хитой ва АҚШ бутун дунёда ишлаб чиқариладиган пахта толасининг 43 фоизини етиштирадилар. 2009 – 2010 йиллар мавсумининг тахминий ҳисобига Хиндистон ва Покистон ҳиссасига дунё пахта ишлаб чиқаришининг 22 ва 9 фоизи тўғри келади.

8. Ҳар йили бутун дунё бўйича ишлаб чиқариладиган пахтанинг 30-35 фоизи жаҳон бозорида сотиш учун таклиф қилинади. Жами пахта экспортининг ҳажми 2009-2010 йиллар мавсумидаги ҳажми 7,5 млн. тоннани, яъни дунё бўйича етиштирилганининг 34 % ини ташкил қилди. Шундан АҚШ нинг дунё пахта экспортидаги ҳиссаси 35 %ни, Ўзбекистонники 11 %ни, Австралияники 6 %ни, Туркменистон (3 %) ва Греция (3%) ташкил қилади.

9. Пахтачилик - кўпгина мамлакатлар қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи ҳисобланади. Дунёнинг 84 мамлакатада ғўза ўстирилади, жумладан, Шимолий ва Жанубий Америкада 20, Осиё ва Океанияда 28, Африкада 31, Европада 3 (бундан 20 йил олдин 9 та эди) мамлакат ҳамда Австралия пахта етиштириш билан шуғулланади.

Агар жаҳон бўйича бундан 20 йил олдин 17 миллион тонна пахта толаси етиштирилган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич қарийб 25 миллион тоннани ташкил этмоқда. Ўтган давр мобайнида АҚШда пахта толасини етиштириш 35 фоизга ошган. Хитой, Покистон, Бразилия ва Ҳиндистонда бу кўрсаткич 1,5–3 маротаба кўпайди. Ҳозирги кунда Австралия пахта толаси етиштириш бўйича пешқадамлик қилмоқда. Ушбу давлатда тола етиштириш салкам 5 баробар ошди ёки 210 минг тоннадан 980 минг тоннага кўпайди.

10. Кейинги 150 йил ичида пахтачилик Ўзбекистоннинг нафақат қишлоқ хўжалигининг (қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажмининг 40 %и пахтага тўғри келади) балки бутун иқтисодиётнинг етакчи тармоғига айланган. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда етиштирилган пахта ҳосилининг ўндан бир қисмигина мамлакат ичида истеъмол қилинади, қолгани валюта маблағларининг асосий манбаи сифатида экспорт қилинади. Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини оширишнинг

давлат дустурига мувофиқ мамлакат ичида пахтани қайта ишлайдиган ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳисобига экспортда пахта толасининг ҳиссасини камайтириш кўзда тутилган.

11. Пахта бўйича ҳалқаро маслаҳат қўмитаси маълумотларига қараганда 2009 – 2010 йиллар мавсумида пахта савдоси анча жонланди ва 5,07 млн. тоннага етди. Осиё мамлакатлари иқтисодиётининг қайта тикланиши туфайли АҚШнинг пахта экспорти кўпайди ва 1,5 млн тоннага етди (1998 – 1999 йилларда 915 минг тонна бўлганди). Пахта бўйича ҳалқаро маслаҳат қўмитаси жорий йилда «Cotlook A» индексининг ҳам ўртача ҳар фунтига 64 цент ошишини (олдинги мавсумда 52,80 цент эди) башорат қилади. Бунда пахтанинг жаҳон истеъмоли 19,91 млн. тоннагача ошди ва ишлаб чиқариш эса олдинги мавсум даражасига нисбатан (18,95 млн. тонна) пасаяди. Жаҳон пахта бозоридаги талабга иккита омил: толанинг жами истеъмолига синтетик толаларнинг ҳиссаси ва умумжаҳон даромад даражаси ошиши каби омиллар кучли таъсир кўрсатади. Кейинги ўн йилликларда синтетик тола туфайли пахтанинг рақабатбардошлиги кучли талофатга учради.

12. Тошкентда Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасининг анъанавий тарзда ўтказилиши мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислохотлар, шу жумладан пахтачилик соҳасидаги туб ўзгаришларнинг натижасидир. 2005 йилда ташкил этилган биринчи ярмаркада 30 мамлакатдан трейдер ва тўқимачилик компанияларининг 170 нафардан ортиқ вакили қатнашган бўлса, 2006 йилда 250, 2007 йили 450 нафардан ортиқ киши иштирок этди. 2008 йил 34 давлатдан 300 дан зиёд компания ва пахта бизнеси соҳасида фаолият кўрсатаётган 450 нафардан зиёд вакил, 2009 йилда қарийб 500 компания иштирок этди. 2010 йил эса ушбу анжуманга 34 давлатдан 300 дан зиёд компания ва Ўзбекистоннинг пахта бизнеси соҳасида фаолият кўрсатаётган 500 дан ортиқ хорижий ҳамкорлари ташриф буюрди. Бу ерда жорий мавсумда мамлакатимиз пахта заводлари томонидан ишлаб чиқарилган пахта навлари толасининг 800 дан ортиқ намунаси қўйилган. Сотувга қўйилган ҳар бир той пахта “Сифат” Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази томонидан берилган

сертификатга эга. Бундан ташқари, Ярмарканинг дастлабки кунда ўзбек пахта толасининг истеъмолчи мамлакатлари делегациялари билан музокаралар бўлиб ўтди. Мамлакатимиз тола ишлаб чиқарувчилари ва ташқи савдо компаниялари вакиллари ҳам иштирок этган ушбу тадбирларда нафақат бу йилги, балки келаси йилларда етиштириладиган ҳосилни ўз ичига олган харидлар ҳажми муҳокама этилди.

13. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг пахта толасини сотиб оладиган йирик ҳамкорлари Араб Амирликлари, Германия, Россия, Жанубий Корея, Швейцария, Буюк Британия, Туркия, Қозоғистон ва Нидерландия, қисман савдо қиладиган мамлакатлар Испания, Сурия, Португалия, Миср, Эрондир.

Бундан ташқари ўзбек пахтаси Европада етакчи ўринни эгаллайди ва бошқа пахта навлари билан муваффақиятли рақобат қилади. Пахта толасининг йирик истеъмолчилари Ғарбий ва Шарқий Европа ҳамда Узоқ Шарқ бозорларида жойлашган.

Анъанавий Европа бозорларидан (Италия, Германия ва Франция) ташқари янги бозорлар Осиё минтақасида ҳам очилди. Жумладан, 250 минг тонна пахта толаси Тайвань, Индонезия, Таиланд, Хитой, Корея, Япония ва Гонконгга экспорт қилинмоқда. Кейинги йилларда Бразилия ва Туркия мамлакатларига ҳам пахта экспорт қилинмоқда. Жаҳон бозорида ўзбек пахтаси «Урта осие толаси» деб классификация қилинади, унинг узунлиги 1-3/32 . Бу эса қуйидагича ўқилади: ўртача тола узунлиги (тола) биринчи класс, «ўрта» сифатли. Толамиз нархи «А» индексига тегишли параметрларнинг кундалик квотасига қараб белгиланади ва «Коттон Аутлук» компанияси томонидан нашр қилинади. Квоталар бир фунтга тўланадиган АҚШ центларида ифодаланади. Ўзбекистон жаҳон бозорига чиқадиган портларга эга эмас. Шунинг учун ташқи савдодаги йирик муаммо самарали транспорт «йўлаги»ни танлаш ва экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш ҳисобланади.

14. Бозорнинг сифими, рақобатчиларнинг бозордаги аҳволи ва уларнинг умумий сотиш ҳажмидаги улуши, айти шу муддатдаги талаб ва таклифнинг

нисбати, бундай нисбат сабабларига яқин келишувда товарга бўлган талабнинг ўзгариши тенденциялари энг муҳим омил ҳисобланади.

Пахта маркетинги мажмуасида қуйидаги тузилмалар мавжуд:

- бозорнинг потенциал имкониятлари, яъни пахта толасига бозор талаби;
- миқдорларни жалб қилиш мезонлари ва моделлари (биржалар, харид марказлари);
- бозорни сегментларга бўлиш;
- пахта толаси нархлари даражалари;
- нарх сиёсатидаги омиллар (чегирмалар, устамалар);
- қонунлар, меъёрлар, битимлар ва махсус регламентлар. Рақобатчилар кураши.

Пахта соҳасида Халқаро маслаҳат кўмитасининг Тошкентда ўтказилган 55-ялпи мажлисида иштирок этган ҳукумат ва савдо вакиллари Ўзбекистоннинг жаҳонда пахта ишлаб чиқаришни кўпайтиришдаги етакчилик ролини тан олишди. Шунинг ҳам таъкидлаш зурури, кейинги йилларда республика молия доираларида ҳам барқарор ишончли обрўга эга бўлди. Эндиликда халқаро аҳамиятга молик бўлган кўпгина чет эл банклари Тошкентда ўз ваколатхоналарини очиб, республика иқтисодиётига катта ҳисса қўшмоқдалар.

15. Яқин истиқболда Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиши учун хизмат қилувчи инновацион технологияларни аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади. Давлатнинг инновацион-инвестицион сиёсатида мувофиқ ишлаб чиқиладиган Фан-техникани ривожлантириш комплекс дастурини тайёрлаш ва уни қабул қилиниши ушбу масаланинг ечими бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бундай ҳолатда, комплекслик тамойилига амал қилиш жуда муҳим, сабаби инновацион-инвестицион сиёсат стратегияси фан-техника тараққиёт дастурининг асоси бўлиб ҳисобланади ва, шундай экан, улар уйғун равишда бири-бирини ўзаро тўлдириши ва биргаликда ҳаракат қилиши керак.

16. Жаҳон бозорида пахта толаси нархи узунлиги, мустаҳкамлиги, ингичкалиги (микронейр), рангдорлиги каби сифат кўрсаткичлари орқали белгиланади. Масалан, микронейр кўрсаткичлари ёмонроқ (4,9-5,3) толага

нисбатан ингичка толали яхши микронейрга эга (3,5-4,9) толанинг хар бир килограмми тола бозорида 8 центга қимматроқ баҳоланади. Тола бозоридаги рақобатбардошликни таъминлаш учун юқори сифатли ва узун толали пахта навларини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистан пахтачилиги келажаги юқорида баён этилган ғўза биотехнологияси ва геномикаси билан узвий боғлиқ, генлар технологиясини жорий этиш бугунги куннинг энг долзарб инновацион вазифаси ҳисобланади. Биотехнологиялар натижаларидан иқтисодиётнинг қуйидаги тармоқларида фойдаланиш мумкин:

- соғлиқни сақлаш ва ветеринарияда, яъни айнан диаг-ностикумларнинг янги авлодлари, вирусга қарши ва ўсимталарга қарши доривор воситалар олиш, ген диагностикаси ва ген терапиясини ўтказиш мақсадларида;

- саноатда, хусусан, биополимерлардан биокатализаторлар сифатида фойдаланишда, озиқавий қўшимчалар олишда, нефть маҳсулдорлигини оширишда, газни қайта ишлашда, рудалардан нодир металллар ажратиш олишда фойдаланиш мумкин;

- қишлоқ хўжалигида биоўғитлардан фойдаланиш;

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, хусусан, тупроқларни биоремидитация қилиш ва сувни тозалашда.

17. Ўзбекистон «СИФАТ» маркази Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги давлат ташкилоти ҳисобланади ҳамда маъмурий жиҳатдан бошқа Вазирликлар ва идоралар шунингдек тайёрловчилар ва харидорларга боғлиқ эмас Ўз фаолиятини хўжалик ҳисоби, ўз ўзини маблағ билан таъминлаш ва ўз ўзини бошқариш принципларида амалга оширади. Ўзбекистон «СИФАТ» маркази 1998 йилда Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаш Миллий тизимида сертификатлаш органи сифатида аккредитланган (Аккредитлаш аттестати -НСС УЗ 06 НСО065). Унинг ҳудудий лабораториялари ҳам ягона синов маркази сифатида аккредитланган Ўзбекистон «СИФАТ» марказининг аккредитлаш соҳаси буюртмачиларга: - пахта толаси; - пахта момиғи; - оқартирилган гидроскопик пахта маҳсулоти; - техник чигитни сертификатлаш хизматларини кўрсатади.

